

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ  
ОЛИЙ ВА ЎРТА МАХСУС ТАЪЛИМ ВАЗИРЛИГИ

ОЛИЙ ТАЪЛИМ ТИЗИМИ ПЕДАГОГ ВА РАҲБАР КАДРЛАРИНИ  
ҚАЙТА ТАЙЁРЛАШ ВА УЛАРНИНГ МАЛАКАСИНИ ОШИРИШНИ  
ТАШКИЛ ЭТИШ  
БОШ ИЛМИЙ - МЕТОДИК МАРКАЗИ

ТОШКЕНТ ТҮҚИМАЧИЛИК ВА ЕНГИЛ САНОАТ ИНСТИТУТИ  
ҲУЗУРИДАГИ ПЕДАГОГ КАДРЛАРНИ ҚАЙТА ТАЙЁРЛАШ ВА  
УЛАРНИНГ МАЛАКАСИНИ ОШИРИШ ТАРМОҚ МАРКАЗИ

**“ТҮҚИМАЧИЛИК, ЕНГИЛ САНОАТ  
ВА ДИЗАЙНДА ИННОВАЦИОН  
ТЕХНОЛОГИЯЛАР”  
модулибўйича  
ЎҚУВ-УСЛУБИЙМАЖМУА**

Тошкент – 2016

**Мазкур ўқув-услубий мажмуа Олий ва ўрта махсус таълим вазирлигининг 2016 йил 6 апрелидаги 137-сонли буйруғи билан тасдиқланган ўқув режа ва дастур асосида тайёрланди.**

Тузувчилар: ТТЕСИ доц. Ш.Файзуллаев  
ТТЕСИ доц. Д.Қодирова  
ТТЕСИ проф. И.Набиева  
ТТЕСИ доц. К.Юнусов  
ТТЕСИ кат. ўқит. У.Вохидова

Тақризчилар: хорижий эксперт HwanKi Lee Жанубий Корея  
КОICA маслаҳатчиси, профессори  
ТТЕСИ т.ф.н., доц. А.Гуламов

**Ўқув-услубий мажмуа ТТЕСИ Кенгашининг 2016 йил 29 августдаги 1-сонли қарори билан нашрга тавсия қилинган.**

## **Мундарижа**

<b>I. ИШЧИ ДАСТУР .....</b>	<b>4</b>
<b>II. МОДУЛНИ ЎҚИТИШДА ФОЙДАЛАНИЛАДИГАН ИНТЕРФАОЛ ТАЪЛИМ МЕТОДЛАРИ.....</b>	<b>11</b>
<b>III. НАЗАРИЙ МАТЕРИАЛЛАР .....</b>	<b>19</b>
<b>IV. АМАЛИЙ МАШҒУЛОТ МАТЕРИАЛЛАРИ .....</b>	<b>113</b>
<b>V. КЕЙСЛАР БАНКИ .....</b>	<b>140</b>
<b>VI. МУСТАҚИЛ ТАЪЛИМ МАВЗУЛАРИ .....</b>	<b>143</b>
<b>VII. ГЛОССАРИЙ.....</b>	<b>144</b>
<b>VIII. АДАБИЁТЛАР РЎЙХАТИ .....</b>	<b>146</b>
<b>41</b>	

---

## *I. ИШЧИ ДАСТУР*

---

### **КИРИШ**

Дастур Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2015 йил 12 июндаги “Олий таълим муассасаларининг раҳбар ва педагог кадрларини қайта тайёрлаш ва малакасини ошириш тизимини янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида” ги ПФ-4732-сон Фармонидаги устувор йўналишлар мазмунидан келиб чиқсан ҳолда тузилган бўлиб, у замонавий талаблар асосида қайта тайёрлаш ва малака ошириш жараёнларининг мазмунини такомиллаштириш ҳамда олий таълим муассасалари педагог кадрларининг касбий компетентлигини мунтазам ошириб боришни мақсад қиласди. Дастур мазмуни олий таълимнинг норматив-хуқуқий асослари вақонунчилик нормалари, илфор таълим технологиялари ва педагогик маҳорат, маҳсус фанларни ўқитишининг замонавий услублари, таълим жараёнларида ахборот-коммуникация технологияларини қўллаш, технологик жараёнларни компьютерда лойиҳалаш, амалий хорижий тил, маҳсулот сифати менежменти ва тизимли таҳлил, тўқимачилик, енгил саноат ва дизайнда инновацион технологиялар модули негизида илмий ва амалий тадқиқотлар, технологик тараққиёт ва ўқув жараёнини ташкил этишнинг замонавий услублари бўйича сўнгги ютуқлар, педагогнинг касбий компетентлиги, глобал Интернет тармоғи, мультимедиа тизимларини ўзлаштириш бўйича янги билим, кўникма ва малакаларини шакллантиришни назарда тутади.

Ушбу дастурда тўқимачилик, енгил саноат ва дизайн йўналишидагитехника ва технологияларининг ҳозирги ҳолати ва ривожланиш йўналишлари ҳамда уларнинг таҳлили. Тўқимачилик ва енгил саноатдаги хорижий техника ва технологиялар, улардан фойдаланишдаги муаммолар. Тўқимачилик ва енгил саноат ва дизайн йўналишидаюқори сифатли кенг ассортиментдаги маҳсулотлар ишлаб чиқариш ҳамда замонавий либослар яратиш. Соҳа бўйича замонавий кам операцияли техника ва технологиялар. Тўқимачилик матоларини кимёвий пардозлаш жараёнларида замонавий техника ва технологияларни қўллаш. Ишлаб чиқарилган замонавий дизайнда либосларни жаҳон бозорида рақобатбардошлигини таъминлашда соҳа йўналишидагитехника ва технологияларига инновацияларни жорий этиш йўлларибаён этилган.

### **Модулнинг мақсади ва вазифалари**

Тўқимачилик, енгил саноат ва дизайнда инновацион технологиялар модулининг **мақсад ва вазифалари:**

**Модулнинг мақсади:** Тўқимачилик, енгил саноат ва дизайнда инновацион технологиялар билан танишиш ва уларни ўқув жараёнига қўллаш.

**Модулнинг вазифаси:** тўқимачилик, енгил саноат ва дизайн йўналишидагитехника ва технологияларининг ҳозирги ҳолати ва ривожланиш йўналишлари ҳамда уларнинг таҳлили, тўқимачилик ва енгил саноатдаги хорижий техника ва технологиялар, улардан фойдаланишдаги муаммолар, тўқимачилик ва енгил саноат ва дизайн йўналишидаюқори сифатли кенг ассортиментдаги маҳсулотлар ишлаб чиқариш ҳамда замонавий либослар яратиш, соҳа бўйича замонавий кам операцияли техника ва технологиялар, тўқимачилик матоларини кимёвий пардозлаш жараёнларида замонавий техника ва технологияларни қўллаш, ишлаб чиқарилган замонавий дизайндали либосларни жаҳон бозорида рақобатбардошлигини таъминлашда соҳа йўналишидагитехника ва технологияларига инновацияларни жорий этиш.

### **Модул бўйича тингловчиларнинг билими, кўникмаси, малакаси ва компетенцияларига қўйиладиган талаблар:**

“Тўқимачилик, енгил саноат ва дизайнда инновацион технологиялар” курсини ўзлаштириш жараёнида амалга ошириладиган масалалар доирасида:

#### **Тингловчи:**

- ишлаб чиқариш жараёнидаги техника ва технологияларининг ҳозирги ҳолатини;
- тўқимачилик ва енгил саноат соҳасида яратилаётган инновацион техника ва технологияларни;
- тўқимачилик, енгил ва тикув буюмларини ишлаб чиқариш ҳамда тўқимачилик матоларини кимёвий пардозлаш жараёнидаги техника ва технологияларнинг афзаллик ва камчиликлари бўйича **билимларга эга бўлиши**;

#### **Тингловчи:**

- тўқимачилик, енгил ва тикув буюмларини ишлаб чиқариш ҳамда тўқимачилик матоларини кимёвий пардозлашда инновацион технологиялардан фойдаланиш;
- корхоналардаги замонавий техника ва технологияларнинг фарқлари, афзаллик ва камчиликларини таҳлил қилиш;
- ўзбек миллий матоларидан замонавий либослар яратишида фойдаланиш;
- замонавий ишлаб чиқариш технологиясида қўлланиладиган жиҳозлардан фойдалана олиш **кўникма ва малакаларини эгаллаши**.

#### **Тингловчи:**

- тўқимачилик, енгил ва тикув буюмларини ишлаб чиқариш ҳамда тўқимачилик матоларини кимёвий пардозлаш жараёнидаги инновацион технологияларни амалиётда қўллаш;

- соҳадаги замонавий техника ва технологияларни юқори сифатли маҳсулотлар ишлаб чиқариш жараёнига жорий қилиш компетенцияларни эгаллаши лозим.

### **Модулни ташкил этиш ва ўтказиш бўйича тавсиялар**

“Тўқимачилик, енгил саноат ва дизайнда инновацион технологиялар” курси маъруза ва амалий машғулотлар шаклида олиб борилади.

Курсни ўқитиш жараёнида таълимнинг замонавий методлари, педагогик технологиялар ва ахборот-коммуникация технологиялари қўлланилиши назарда тутилган:

- маъруза дарсларида замонавий компьютер технологиялари ёрдамида презентацион ва тарқатма материалларни тарқатишдан;
- ўтказиладиган амалий машғулотларда техник воситалардан, блиц савол жавоб, гурухли фикрлаш, кичик гурухлар билан ишлаш ва бошқа интерактив таълим усулларини қўллаш назарда тутилади.

### **Модулнинг ўқув режадаги бошқа модуллар билан боғлиқлиги ва узвийлиги**

“Тўқимачилик, енгил саноат ва дизайнда инновацион технологиялар” модули мазмуни ўқув режадаги “Тўқимачилик, енгил саноат ва тикув буюмлари технологиясини ривожлантириш истиқболлари” ва “Тўқимачилик ва енгил саноатда замонавий жиҳозлар” ўқув модуллари билан узвий боғланган ҳолда педагогларнинг тўқимачилик ва енгил саноат соҳалари бўйича касбий педагогик тайёргарлик даражасини оширишга хизмат қиласди.

### **Модулнинг олий таълимдаги ўрни**

Модулни ўзлаштириш орқали тингловчилар тўқимачилик, енгил саноат ва дизайн бўйича инновацияларни ва инновацион технологиялардан фойдаланиш, амалда қўллаш ва баҳолашга доир касбий компетентликка эга бўладилар.

## Модул бўйича соатлар тақсимоти

№	Модул мавзулари	Тингловчининг ўкув юкламаси, соат					
		Ҳаммаси	Аудитория ўкув юкламаси				
			Жами	назарий	жумладан,	амалий	кўчма машнурот
1.	Йигиришда инновацион технологиялар	2	2	2			
2.	Тўқима ишлаб чиқариш тенденцияси	2	2	2			
3.	Тўқимачилик материалларини кимёвий пардозлаш технологияси	2	2	2			
4.	Тикув буюмлари технологиясини ривожлантириш истикболлари	2	2	2			
5.	Костюм дизайнининг эвристик ва бадиий лойиҳалаш усуллари	2	2	2			
6.	Ип сифатини башорат қилиш. хом ашё танлаш ва асослаш	2	2		2		
7.	Тўқув дастгохини назорат қилувчи механизmlари	2	2		2		
8.	Тикув буюмларида газлама сарф нормасини ҳисоблаш	2	2		2		
9.	Дизайнерларни тайерлашда Sketchbook – ижодий эскизлар альбомини ишлаб чиқиши	2	4		4		
10.	Тўқимачилик ва енгил саноат корхоналарида	6	6			6	
11.	Ўзбекистондаги кўшма корхоналарида қўлланилаётган янгитехника ва технологиялар	2					2
12.	Замонавий тўқув дастгоҳлари	2					2
	Жами:	30	20	10	10	6	4

## **НАЗАРИЙ МАШГУЛОТЛАРМАЗМУНИ**

### **1-мавзу: Йигиришда инновацион технологиялар.**

Йигириш технологиясининг тайёрлаш босқичларидағи янгиликлар. Ҳалқали ва пневмомеханик йигириш үтимлари янгиликлари. Ипни қайта үраш үтимидағи янгиликлар. Титиш тозалаш тизими. Тарап жараёни. NEPCONTROL onlayn тизимида непсларни аниқ санаш. SLIVER FOCUS тизими. Йигириш үтими янгиликлари. Ипни қайта үраш жиҳозлари.

### **2-мавзу: Тұқима ишлаб чиқариш тенденцияси.**

Тұқима ишлаб чиқариш истиқболлари. Тұқув дастгохларини ишлаб чиқарувчи хорижий фирмалар. Замонавий Жаккард машиналари. Күп хомузали тұқув дастгохлари. Арқоқ ипини хомузага ташлаш турлари. Мокисиз арқоқ ташлаш усуллари Тұқув дастгохини технологик күрениши. Жаккард машинасида хомуза ва нақш ҳосил қилиш. Grosse Unished жаккард машинаси. Staubli INIVAL 100 жаккард машинаси. Жаккард машиналарини ташкил этувчи асосий механизмлари. Бир күтаримли, бир призмали механик жаккард машинаси. Танда ипларини пастга тушириш элементлари. Картон тайёрлаш босқичлари ва машинаси. Лойихалаш тизимларини қиёсий тавсифи. Күп фазали тұқув дастгохлари. Sulzer Textil M8300 күп фазали тұқув дастгохи. Бошқа турдаги күп фазали тұқув дастгохлари

### **3-мавзу: Тұқимачилик материалларини кимёвий пардозлаш технологияси.**

Тұқимачилик материалларини пардозлашга тайёрлаш. Тұқимачилик материалларини бўяш. Охордан тозалаш. Ип газламаларни охорсизлантириш усуллари. Оқартириш жараёни. Матони узлуксиз усулда ёйик холатда оқартириш. Мерсеризация жараёни. Кислотали бўёвчи моддалар. Актив бўёвчи моддалар. Узлуксиз усулда бўяш. Целлюлоза толали материалларни икки ваннали усулда бўяш. Ишқорий – қайтарувчили усул.

### **4-мавзу: Тикув буюмлари технологиясини ривожлантириш истиқболлари.**

Ишлаб чиқариш корхоналарида тикув буюмларини шакллантириш. Тикув буюмларини такомиллаштириш йуллари. Тикув буюмларини ишлаб чиқаришда нанотехнологиялар. Ишлаб чиқариш корхоналарида ассортиментни шакллантириш буйича комплекс тадбирлар.

Ишлаб чиқариш корхонасининг ассортимент сиёсатини шакллантириш. Истеъмолчининг рационал гардеробини шакллантириш хусусиятлари

### **5-мавзу: Костюм дизайнининг эвристик ва бадий лойиҳалаш усууллари.**

Костюм дизайнида ижодий манбалар. Костюм дизайнида эвристик усууллар. Костюмни бадий лойиҳалаш усууллари. Костюм дизайнида эвристик усууллар. Декомпозиция ва кетма-кет яқинлашиш принципи

## **АМАЛИЙ МАШҒУЛОТ МАЗМУНИ**

### **1-амалий машғулот: Ип сифатини башорат қилиш. ҳом ашё танлаш ва асослаш.**

Ипнинг физик- механик хусусияти. Типли сараланма танлаш. Толанинг ўртача хусусиятларини аниқлаш. Ипнинг нисбий пишиқлигини аниқлаш. ҳалқали қайта тараш трикотаж ипнинг синфлари бўйича физик- механик кўрсаткичлари (USTER® STATISTICS 2013)

### **2-амалий машғулот: Тўқув дастгохини назорат қилувчи механизмлари.**

Автоматик танда назоратчиси. Тензометрик усуlda танда ипни назорат қилиш. Арқоқ назоратчилари. ELTEX фирмасининг "ELTEX G3w" электрон арқоқ назоратчиси. Оптик танда назоратчиси

### **3-амалий машғулот: Тикув буюмларида газлама сарф нормасини ҳисоблаш.**

Тикув буюмларида газлама сарф нормасини ҳисоблаш. Андаза жойлашмасига таъсир қилувчи омиллар тадқиқоти. Хон атласдан аёллар кўйлагини тайёрлашда ресурстежамкор технология ишлаб чиқиши. Серияни ҳисоблаш. Андазалар орасидаги чиқиндилар миқдорига таъсир этадиган асосий омиллар. Андазаларни газлама устига жойлаштиришда қуидаги қоидаларга. Тўшамага сарфланадиган газлама меъёри. Битта кийим андазаларнинг ўртача сатҳи

**4-амалий машғулот:**  
**Дизайнерларни тайерлашда Sketchbook – ижодий эскизлар**  
**альбомини ишлаб чиқиши.**

Костюм лойиҳалаш. Костюмни лойиҳалаш асосий босқичлари. Лойиҳалашдан олдинги таҳлилнинг натижасини шакллантириш. Ижодий концепцияни ишлаб чиқиши. Лойиҳалаш усуллари. Дизайн–лойиҳанинг асосий вазифаларини аниқлаш

**Кўчма машғулот мазмуни**

“Тўқимачилик, енгил саноат ва дизайнда инновацион технологиялар” модулида кўчма машғулотлар замонавий жихозлар билан жихозланган соҳанинг етакчи корхоналари ва лабораторияларида олиб борилади.

**Ўқитиш шакллари**

Мазкур модул бўйича қўйидаги ўқитиш шаклларидан фойдаланилади:

- маърузалар, амалий машғулотлар (маълумотлар ва технологияларни англаб олиш, ақлий қизиқиши ривожлантириш, назарий билимларни мустаҳкамлаш);
- давра суҳбатлари (қўрилаётган лойиҳа ечимлари бўйича таклиф бериш қобилиятини ошириш, эшитиш, идрок қилиш ва мантиқий хуносалар чиқариш);
- баҳс ва мунозаралар (лойиҳалар ечими бўйича далиллар ва асосли аргументларни тақдим қилиш, эшитиш ва муаммолар ечимини топиш қобилиятини ривожлантириш).

**Баҳолаш мезони**

№	Баҳолаш турлари	Максимал балл	Изоҳ
1	Кейс топшириқлари	2.5	1.5 балл
2	Мустақил иш топшириқлари		1.0 балл

---

## **II. МОДУЛНИ ЎҚИТИШДА ФОЙДАЛАНИЛАДИГАН ИНТЕРФАОЛ ТАЪЛИМ МЕТОДЛАРИ.**

---

### **Бумеранг технологияси**

**Технологиянинг тавсифи.** Ушбу технология тингловчи, дарс жараёнида, дарсдан ташкарида турли адабиётлар, матнлар билан) ишлаш, ўрганилган материални ёдида сақлаб колиш, сўзлаб бериш, фикрин эркин ҳолда баён эта олиш, қисқа вакт ичидаги кўп маълумотга эга бўлиш ҳамда дарс мобайнида тингловчи томонидан барча тингловчиларни баҳолай олишга каратилган

**Технологиянинг мақсади.** Ўкув жараёни мобайнида тарқатилга материалларни тингловчилар томонидан якка ва гуруҳ ҳолатид ўзлаштириб олишлари ҳамда сухбат-мунозара ва турли саволлар орталаш тарқатма материаллардаги матнлар қай даражада ўзлаштирилганлигин назорат қилиш ва баҳолаш. Ўкув жараёни мобайнида ҳар бир ўкувчи томонидан ўз баҳо (ёки балл)ларини эгаллашга имконият яратиш

**Машғулотда фойдаланиладиган воситалар.** тингловчи дарс жараёнида мустакил ўқишилари, ўрганишилари ва ўзлаштириб олишлари учун мўлжалланган тарқатма материаллар (ўтилган мавзу ёки янги мавзу бўйичакиска матнлар, суратлар, маълумотлар)


#### **МАШҒУЛОТНИ ЎТКАЗИШ ТАРТИБИ**

Ушбу технология бир неча боскичда ўтказилади:

- тингловчилар кичик гурухларга ажратиладитингловчилар дарснинг мақсади ва тартиби билан таниширилади
- тингловчиларга мустакил ўрганиш учун мавзу бўйича дастлабки тайёрланган конспектларидан фойдаланиш топширилади
- берилган конспектни тингловчилар томонидан якка тартибда мустакил ўрганилади гуруҳ аъзоларининг ҳар бири гуруҳ ичидаги навбати билан мустакил ўрганган матнлари билан ахборот алмашадилар, яъни бир-бирларига сўзлаб берадилар, матнни ўзлаштириб олишларига эришадилар
- берилган маълумотларни ўзлаштирилганлик даражасини аниқлаш учун гуруҳ ичидаги ички назорат ўтказилади, яъни гуруҳ аъзолари бир-бирлари билан савол - жавоб киладилар

- дарснинг колган жараёнида ўқувчилар билимларини баҳолаш ёки тўплаган балларини ҳисоблаб бориш учун ҳар бир гурухда «гурух ҳисобчиси» тайинланади
- ўқувчилар томонидан барча матнлар кай даражада ўзлаштирилганлигини аниқлаш максадида ўқитувчи тингловчиларга саволлар билан мурожаат этади, оғзаки сўров ўтказади саволларга берилган жавоблар асосида гурухларни тўплаган умумий баллари аниқланади ҳар бир гурух аъзоси томонидан гуруҳдаги матннинг мазмунини ҳаётга боғлаган ҳолда биттадан савол тузилади
- гурухлар томонидан тайёрланган саволлар орқали савол-жавоб ташкил этилади («гурух ҳисобчилари» берилган жавоблар бўйича балларни ҳисоблаб борадилар;
- гурух аъзолари томонидан тўпланган умумий баллар йиғиндиси аниқланади;
- гурухлар тўплаган умумий балл бўйича гурух аъзолари баҳоланади

**Гурух фаолиятини баҳолаш учун ўқитувчи томонидан бериладиган саволлар**



## Тезкор савол - жавоб

1. Танда ипи нима?
2. Түқима нима?
3. Ипларнингчизиқизичлиги?
4. Ўрилиштури?

Т-схема қонун-қоидалари билан танишиб чиқади. Якка тартибда ёки жуфт-жуфт бўлиб ишланади.

Хар бир катнашчи ўз фикрини эркин холда баён этиши мумкин.

Бу метод муаммо характеристидаги мавзуларни ўрганишга қаратилган; бунда уларнинг ҳар бири алоҳида нуқталари мухокама этилади (ижобий ва салбий томонлари, ютуқ ва камчиликлар, фойдали ва заарарли жиҳатлари, х.к.)

Танқидий, таҳлилий, аниқ ва мантиқий фикрлашни муваффақиятли ривожлантиришга ҳамда ўз гоялари, фикрларини ёзма ва оғзаки шаклда ихчам баён этиш, химоя қилишга имкон беради.

Маъруза ёки амалий машғулотининг якунида ёки олдиндан тайёрланишга берилган машғулотда қўлланилса мақсадга мувофиқ бўлади.

Схемадаги ғоялар таққосланиши ва якка (жуфт-жуфт) тартибда тўлдирилиши мумкин.

Ўз ғояларини ёзма равишда ўнг ва чап тарафларда ёзаб чиқадилар. Гоялар қарама-карши бўлиши мумкин.

## “UA-300-4 қайта ўраш автомати”

Афзалликлари	Камчиликлари
пахта, жун, лубтоласи, ва ипак ипларини бобиналардан ёки ғалтаклардан найчага ўраш учун хизмат қиласы	



1. Эркаклар устки кийимлари түрләри?  
2. Кийимларга ишлов берин?  
3. Чүнтак түрләри?



## **Зинама-зина методи**

### ***Методнинг максади:***


Тингловчиларни эркин, мустакил ва мантикий фикрлашга; жамоа булиб ишлашга, изланишга; фикрларини жамлаб, улардан назарий ва амалий тушунча хосил килишга; жамоага уз фикрини ўтказишга, уни маъқуллашга; қўйилган муаммони ечишда ва мавзуга умумий тушунча беришда ўтилган мавзулардан эгаллаган билимларни қўллай олишга ўргатиш.

### ***Методнинг кулланилиши:***

Маъруза, амалий машғулотларда жамоа ёки кичик гурухларга ажратилган холда, берилган вазифаларни бажаришга мўлжалланган.

### ***Машгулом утказиши тартиби:***

- Ўқитувчи тингловчиларнинг умумий сонига караб, 3-5 кишидан иборат кичик гурухларга ажратади;
- Тингловчи машғулотнинг максади ва унинг утказалиш тартиби билан танишадилар. Хар бир гурухга коғозга кичик мавзу ёзуви бўлган варақалар тарқатилади;
- Тингловчи мавзу юзасидан билганларининг коғозга жамоа булиб ёзишни белгиларган муддатда уddaлашини буюради;
- Гурух аъзолари биргаликда тарқатма материал бўйича иш бошлайдилир.
- Тарқатма материаллар тўлдирилгач гурухдан бир киши тақдимот киласди. Бу тақдимотда тайёрланган материал албатта доскага тагма-таг (зинама-зина) илинади;
- Ўқитувчи гурухлар тайёрлаган материалларга изоҳ бериб уларни баҳолайди.



**Берилган вазифа күйидагиңа бажарылады.**

## **1-гурұх**

### **Устки кийимларга**

Олд булакни тайёрлаш;  
Адипни тайёрлаш ва олд бўлакка улаш.

Олд булак билан орт булакни улаш.;  
Ёқани тайёрлаш ва ёқа ўмизига улаш.

Енгни тайёрлаш ва ўмизига ўтказиш;  
Астағни тайёрлаш ва авғара улаш.

Кийимга узил-кесил намлаб иситиб ишлов бериш ва безаклар  
билин безаш.

## **2-гурұх**

### **Намлаб иситиб ишлов**

ANV-1690-7 “Майер”  
(Германия )

Cs-371 “Паннония” (Венгрия зичликкача чўзиб ингичкалаштириш, бурамлар бериш  
орқали пишитиш, белгиланган тартибда ўраб муайян поковка ҳосил қилиш

BSP-800 УМОВ (Чехия)  
СПРГ-1 «Легмаш»

LW-29, LW-30  
«Протомет» (Польша)

## **“Инсерт” методи.**

**Методнинг мақсади:** Мазкур метод таълим олучиларда янги ахборотлар тизимини қабул қилиш ва билмларни ўзлаштирилишини енгиллаштириш мақсадида қўлланилади, шунингдек, бу метод таълим олучилар учун хотира машқи вазифасини ҳам ўтайди.

Методни амалга ошириш тартиби:

- тингловчи машғулотга қадар мавзунинг асосий тушунчалари мазмуни ёритилган инпут-матнни тарқатма ёки тақдимот кўринишида тайёрлайди;
- янги мавзу моҳиятини ёритувчи матн таълим олевчиларга тарқатилади ёки тақдимот кўринишида намойиш этилади;
- таълим олевчилар индивидуал тарзда матн билан танишиб чиқиб, ўз шахсий қарашларини маҳсус белгилар орқали ифодалайдилар. Матн билан ишлашда тингловчилар ёки қатнашчиларга қўйидаги маҳсус белгилардан фойдаланиш тавсия этилади:

<b>Белгилар</b>	<b>1-матн</b>	<b>2-матн</b>	<b>3-матн</b>
“V” – таниш маълумот.			
“?” – мазкур маълумотни тушунмадим, изоҳ керак.			
“+” бу маълумот мен учун янгилик.			
“–” бу фикр ёки мазкур маълумотга қаршиман?			

Белгиланган вақт якунлангач, таълим олевчилар учун нотаниш ва тушунарсиз бўлган маълумотлар ўқитувчи томонидан таҳлил қилиниб, изоҳланади, уларнинг моҳияти тўлиқ ёритилади. Саволларга жавоб берилади ва машғулот якунланади.

## **“Тушунчалар таҳлили” методи**

**Методнинг мақсади:** мазкур метод тингловчилар ёки қатнашчиларни мавзу буйича таянч тушунчаларни ўзлаштириш даражасини аниқлаш, ўз билимларини мустақил равишида текшириш, баҳолаш, шунингдек, янги мавзу буйича дастлабки билимлар даражасини ташхис қилиш мақсадида қўлланилади.

Методни амалга ошириш тартиби:

- иштирокчилар машғулот қоидалари билан таниширилади;
- тингловчиларга мавзуга ёки бобга тегишли бўлган сўзлар, тушунчалар номи туширилган тарқатмалар берилади ( индивидуал ёки грухли тартибда);
- тингловчилар мазкур тушунчалар қандай маъно англатиши, қачон, қандай ҳолатларда кўлланилиши ҳақида ёзма маълумот берадилар;
- белгиланган вақт якунига етгач ўқитувчи берилган тушунчаларнинг тўғри ва тўлиқ изоҳини ўқиб эшиттиради ёки слайд орқали намойиш этади;
- ҳар бир иштирокчи берилган тўғри жавоблар билан ўзининг шахсий муносабатини тақкослайди, фарқларини аниқлайди ва ўз билим даражасини текшириб, баҳолайди.

Намуна: “Модулдаги таянч тушунчалар таҳлили”

Тушунчалар	Сизнингча бу тушунча қандай маънони англатади?	Қўшимча маълумот
<b>Коллекция</b>	илмий, тарихий ёки бадиий қизиқиши ифодалайдиган, ўхшаш буюмлар тизимига солинган тўплам	
<b>Костюм</b>	яхлит ғоя ва мўлжал билан бириктирилган, ижтимоий, миллат, минтақа, жинс ёш ва мутахассислигини ифода этадиган элементларнинг муайян тизими	
<b>Серия</b>	савдо ташкилоти буюртмасининг энг кичик микдори	
<b>Кийимнинг ассортимент гурухи</b>	белгилари жихатидан бир хил бўлган мустакил гурухга кирувчи буюмлар	

Изоҳ: Иккинчи устунчага қатнашчилар томонидан фикр билдирилади.  
Мазкур тушунчалар ҳақида қўшимча маълумот глоссарийда келтирилган.

### *III. НАЗАРИЙ МАТЕРИАЛЛАР*

#### **1- мавзу: Йигиришда инновацион технологиялар.**

Режа:

- 1.1. Йигириш технологиясининг тайёрлаш босқичларидағи янгиликлар;
- 1.2. Ҳалқали ва пневмомеханик йигириш үтимлари янгиликлари;
- 1.3. Ипни қайта үраш үтимидағи янгиликлар.


**Таянч иборалар:** титиши, тола лоти, селекцион нав, автотойтиткич, үтим, нотекислик, пилик, таранглик, үраш, тұқима, трикотаж, йигириши

#### **1.1. Йигириш технологиясининг тайёрлаш босқичларидағи янгиликлар**

Ип ишлаб чиқариш жараёнлари мураккаб жараёнлардан иборат бўлиб, асосан йигириш тизимиға боғлиқдир. Ип олиш тизими, яъни йигириш системасида тола турига, ипнинг чизиқий зичлигига, унинг нима мақсадда ишлатилишига қараб технологик машиналар ва уларнинг кетма-кетлиги танлаб олинади. Карда йигириш тизимида тайёрлов босқичлари үтимларида титиши, тозалаш, аралаштириш, тараш, пилталаш ва пиликлаш жараёнлари амалга оширилади. Қайта тараш тизимида қўшимча равишда қайта тарашга тайёрлаш ва қайта тараш жараёнлари қўлланилади.


Йигириш технологиясининг бошланғич технологик босқичи бўлган титиши жараёни ҳозир асосан автотойтиткичларда амалга оширилмоқда. Ҳозирги кунда тойтиткичлар олдидағи ставкага қўйиладиган пахта тойлари сони 200 тагача бўлиши мумкин. Энг ками қанча бўлиши кераклигини корхона ўзи ҳал қиласи, чунки хом ашёга боғлиқлик катталигича қолмоқда. Шуни айтиш керакки, ставкадаги тойлар сони камида 36 та бўлиши кераклиги таъкидланади. Агар тола лоти бир ёки иккита селекцион навдан иборат бўлиб, компонентлар камлиги учун вақтинча кам сонли тойлар ставкасидан фойдаланилса бўлаверади. Кейинги ойда тузилган лотда кескин ўзгаришлар бўлиши натижасида олинадиган ипнинг физик-механик хоссалари ўзгариб қолиши мумкин. Одатда лотдаги компонентлар қўпроқ ва турлича бўлади, чунки ҳеч ким факат бир хил толани сотиб ололмайди. Шунинг учун иложи борича лотга қўпроқ тойлар қўйилиши ҳисобга олинниб, автотойтиткичлар узунлиги 52 метргача қилиб ясалади.

Титиши жараёни ва ўтимидағи янгиликлардан бири битта автотойтиткич түрттә ассортиментдаги маҳсулот ишлаб чиқаришга тола етказиб бериши ҳисобланади (1.1-расм).



**1.1-расм. Автотиткичнинг түрттә ассортиментда ишлаши**

Бундан ташқари автотиткич минораси ставкадаги тойлар сатҳи ҳар хилигига мөсравишида ҳаракатланиши (1.2-расм) натижасида титилганлик даражаси бир хиллиги таъминланади.




**1.2-расм. Бўлакчалар бир хиллигини таъминлаш схемаси**

Автотойтиткич минораси катта масофада ҳаракатлангани боис тола бўлакчаларини сўрувчи ҳаво кучи катталигини ўзгармас қилиб ушлаш керак.

**Титиши тозалаш тизими ва жиҳозларининг кейинги босқич техника ва технологияси янгилиги тозалаш босқичининг кам ўтимлигидадир.** Одатда автотойтиткичдан сўнг бир барабанли тозалагич, сўнгра турлича конструкциядаги сепараторлар, улардан кейин арратишли тозалагичлар ва аэродинамик тозалагичлар ёки чангизлантирувчи машиналар ўрнатилади. Аввалги қозиқли, пичоқли кўп барабанли тозалагичлар қўлланилмаяпти<sup>1</sup>. Уларнинг ўрнига самарадорлиги юқори бўлган майда тишли, барабанининг сирти штифтлар ёки арра тишли гарнитуралар билан қопланган тозалагичлардан фойданилмоқда. Қозиқлар ва пичоқлар ишлатилмаслиги натижасида пахта бўлаклари қайта ишлашнинг бошлангич онларидаёқ мумкин қадар майда бўлакчаларга ажратилмоқда.

<sup>1</sup>HwanKi Lee. Quality Controll of Latest Spinnin Procecc and Prevention of Textile Defects. Thinkbook Company, Korea, 2015



### 1.3-расм Бир барабанли дастлабки тозалагич схемаси.


- 1- тозаловчи барабан;
- 2- колосник;
- 3- шлюз валиги;
- 4- тола узатилиши;
- 5- тола чиқиши;
- 6- қайта ишланган ҳаво фильтрга;
- 7- чиқиндилар узатилиши.

(B12, Ритер) ёки икки барабанли (B390L, Марцоли; CL-P, Трючлер) тозалаш машиналари турларига бўлинади. Бу ерда дастлабки тозалаш ва қисман титиш жараёнлари амалга ошади. Тола бўлакчалари винт чизик бўйлаб ҳаракатланганлиги туфайли каттароқ йўлдан ўтиб, кўпроқ тозалаш зонасида бўлади ҳамда яхшироқ.

Ритер фирмасининг B12 дастлабки тозалагичи бир барабанли бўлиб, унинг сирти цилиндр ясовчиси бўйлаб жойлашган штифтлар билан қопланган<sup>1</sup>. (1.4-расм).



**1.4-расм. Штифтлар жойлашуви**



**1.5-расм. Колосниклар ўрнатилиши**


Шуни таъкидлаш керакки, машина самарадорлиги жуда юқори бўлиб, ишчи параметрлари ростланувчан. Масалан, толанинг ифлослик даражасига қараб, B12 дастлабки тозалагичи колосникларини одатдагидек, уч хил ҳолатда ўрнатиб, разводкани ростлаш мумкин (1.5-расм)

Натижада толаларни тозалаш ва аралаштириш жараёнларига тайёрлаш самараси кескин яхшиланди. Шунинг учун ҳам титишдан кейинги ўтимларнинг кескин камайишига эришилди. Толалар бўлакчалари

<sup>1</sup>HwanKi Lee. Quality Controll of Latest Spinnin Procecc and Prevention of Textile Defects. Thinkbook Company, Korea, 2015

қанчалик майда бўлса, ундан ифлосликларнинг ажралиши шунча осонлашади. Шунингдек, майда бўлакчалардан чанг ва калта толаларнинг ажралиб чиқиши ҳам енгил кечади. Буни эътиборга олиб, конструкторлар механик усулда толани тозалаш билан уни аэродинамик тозалашни уйғунлаштирган, яъни толани ҳар иккала усулда тозалаш битта ускунада бажарилиши таъминланади. Натижада икки хил усулда тозалаш ускуналари кетма кет ўрнатилмай қўпинча битта машинадан фойдаланилади<sup>1</sup>. Шу билан бир қаторда тозалаш босқичида толаларни чанг ва майда зарралардан ажратиш, яъни аэродинамик усулда тозалаш жиҳозларига ҳам катта эътибор берилиб, маҳсус сепараторлар ҳамда машиналар яратилган.

Улар асосида SP-MF қўп функцияли сепаратор яратилган. SP-EM металларни электрон ажраткич мазкур сепараторнинг энг кичик вариантидир. Уларнинг ишлаш принципи ҳаракатланаётган пахта бўлакчаларидағи бегона жисмларнинг инерция кучи таъсирида ажралишига асосланган. Пахта бўлакчалари ҳаракат траекторияси кескин ўзгариши туфайли улар перфосиртга урилиб, ҳаво ёрдамида чанг ва калта толалардан тозаланади (1.6-расм). Феррит таркибли металларни ажратиш мақсадида яратилган магнит туткич қурилмасининг ишлаш принципи 1-расмда келтирилган.



**1.6-расм.Чангизлантириш функцияли SECUROPROP**


<sup>1</sup>VARIOline The variable cleaning concept

## SP-FP бегона жисмлар ажраткичи

1.Чангизлантириш узели, 2.Чангизлантирувчи түрли сирт, 3.Ёйгич заслонка, 4.Чанг; 5.Титувчи валиқ, 6.Ёритгич түртта, 7.Махсус камера (иккита), 8.Бегона жисмларни ажратувчи форсункалар(32та), 9.Бегона жисмларни сўрувчи канал, 10.Кутбланган нур ёритгichi;  
11.Оқ ва тиниқ зарраларни аниқлаш махсус камералари, 12.Бегона зарраларни ажратувчи 64x3 форсункалар, 13.Чиқиндиларни ҳаво оқимига узатувчи парракли ғилдирак,14. Чангли ҳаво.

Шуни таъкидлаш керакки, титиш жараёни тола тутамчаларини алоҳида толаларга ажратиш, яъни тараш жараёнида якунланади. Шунинг учун тарашга катта аҳамият берилиб, у узлуксиз ривожлантиримоқда. Тараш тезлиги ошиши билан янгидан янги муаммолар пайдо бўлиб, шляпкали тараш машинасида таъминлашдан то пилта шакллантириб уни тахлашгача тараққий эттиришга туртки бўлмоқда.

**Тараш жараёнида** икки бункерли таъминлашдан воз кечиб, уч бункерли таъминлашдан фойдаланилмоқда. Яқин ўн йиллар илгари хорижий тараш машиналарида икки бункерли таъминлаш қўлланилганди. Бунинг асосий мақсади таралган пилтанинг нотекислигини камайтиришдан иборат. FLATCONTROL сенсори бош барабан билан шляпкалар орлигини тез ва аниқ ўрнатишга хизмат қилади. Бунинг учун битта шляпка ўрнига FLATCONTROL TC-FCT қурилмаси ўрнатилиб, у ўлчов шляпкаси дейилади (1.7-расм).




**1.7-расм. FLATCONTROL TC-FCT қурилмаси схемаси**

Унинг ёрдамида учта шляпкада оралиқни ўлчаш ўрнига битта ўлчов шляпкасидан фойдаланиллади. Асосий афзаллиги қисқа вақтда оралик аниқ созланади. Бунинг учун жорий моментда шляпка созланганлиги бўйича ахборат дисплейга узатилади. Тирқиши жуда аниқ созлаш учун техник монитор кўрсаткичларини кузатади. Шляпкалар ва барабан оралиги FLATCONTROL TC-FCT қурилмаси сенсори ёрдамида ўлчанади, олинган натижалар эса ноутбукга симсиз алоқа орқали узатилади. FLATCONTROL TC-FCT қурилмаси ёрдамида шунингдек, марказлашган ҳолда бир гурух тараш машиналарида созланиш бўйича нотекислик камайтирилади. Ҳар бир машинада маҳсулот сифати тегишлича ошади.

## NEPCONTROL onlayn тизимида непсларни аниқ санаш

Трючлер фирмаси непслар, яъни тарамдаги тугунчаларни узлуксиз санаш учун **NEPCONTROL TC-NCT** сенсорини таклиф этган. Мазкур сенсор тарамни назорат этиб, унинг сифатини кафолатлади. Тарам тагига ўрнатилган камера секундига 20 та сурат олади (1.8-расм).




1.8-расм. Рақамли камера а) ва NEPCONTROL TC-NCT сенсори б)

Бунинг учун камера тарам эни бўйича ҳаракатланиб, тўлалигича берк профил чегарасида суратга олади. Ҳар бир метр узунликдаги тарам назорат этилади<sup>1</sup>. Худди инсон кўзи билан кўргандек суратларни қайта ишлаб, тугунаклар, чигит пўстлоғи ҳамда ифлосликлар бўйича маълумот беради. Шуни таъкидлаш керакки, **NEPCONTROL TC-NCT** сенсори олдингиларидан фарқли ўлароқ, қўшимча равишда тарашгacha жараёнлар бўйича ҳам бир қатор қимматли маълумотларни беради. Булар титиш, тозалаш ускунаси, ишлатилган хом ашё ва ип сифатини назорат этиш учун тараш жараёни бўйича ҳам маълумотлар бериши бўлиб, юқори сифатдаги ип ишлаб чиқаришни кафолатлади.

Пилталаш машинасидаги янгиликлардан бири дастлабки чўзиш катталигининг автоматик тарзда ростланишидир. Бунинг учун **AUTO DRAFT** мосламасидан фойдаланилади. Пилталаш машинасининг тугмаси босилса, дастлабки тараш зонасида чўзиш кучи ўлчанади ва тахминан бир минутда бошқарув тизими ҳамма маълумотни тўплаб дисплейга чиқаради. Оператор мазкур катталикни тасдиқлади ва машина ишга туширишга тайёр ҳисобланади. **AUTO DRAFT** мосламаси келаётган толали материални, ундаги толаларнинг жингалаклиги, ўзаро ва металл билан ишқаланишини ҳамда асосий чўзилганлик катталигини ҳисобга олади. Бу тизимни икки ҳолда қўллаш мумкин: а) битта машинада дастлабки чўзиш қийматини аниқлаб, кейин натижалари бўйича ҳамма машиналарга ўрнатиш мумкин; б) нотурдош толали материал билан ишлаб, уларни тез-тез алмаштирилганда **AUTO DRAFT** тизимини ўрнатиш яхши натижалар беради. Ростланувчан пилталаш машиналарида (TD 03) ростлагични ўрнатувчи пунктни аниқлаш керак. Бунинг учун жуда кўп синовлар(пилта) ўтказиш лозим. ТВ 03 машинасида бунга эҳтиёж йўқ, чунки унда ўзи ростлагич OPTI SET ўрнатилган. Кираётган пилта датчик ёрдамида

<sup>1</sup>[www.trutzschler.com](http://www.trutzschler.com)

сканерланади ва олинган маълумот бироз ушланиб, пилта асосий чўзиш зонасига етганда ростлагичда ростланади. Датчик ва ростлаш пункти оралиги 1000ммни ташкил этади (1.9-расм).




**1.9-расм. Датчик ва ростлаш пункти**

Оператор бу функцияни сенсорли дисплейга эга мониторда танлайди. Бу вақтда кираётган пилталар ва чиқаётган пилтанинг вариация коэффициентлари нисбатлари ўлчаниб аникланади. Пилта сифатининг оптимал кўрсаткичи топилиши биланоқ операторга таклиф этилади. Уни дисплейда оператор тасдиқлагандага созлаш тугатилади. Шундай қилиб, одатдаги пилта синовлари ТВ 03 тараф машинасида ўтказилмайди, чунки OPTI SET ростлагичи пилтанинг керакли параметрларини ростлайди.

### SLIVER FOCUS тизими

Ушбу тизим пилта чиқиши зонасида ўлчовчи воронка бўлиб, у ҳамма параметрни қайд этади. У пилтанинг ҳар бир сантиметрини тазга тахланишидан олдин ўлчайди (1.10-расм).



**1.10-расм. SLIVER FOCUS тизими датчигининг ўрнатилиши а) ва кўриниши б)**

Агар пилтанинг чизиқий зичлигида ёки нуқсон учраса, SLIVER FOCUS дарҳол сигнал беради ёхуд машинани тўхтатади. Пилта чизиқий зичлиги ўзгариши чегараси индивидуал ҳолда берилади. Мазкур тизим онлайн режимида ишлагани туфайли пилтанинг лаборатория синовлари

үтказилмайди. Шунинг учун пилта сифатининг юқори бўлиши таъминланади.

Пиликлаш ўтимида ҳам технологик янгиликлар кенг жорий қилинган. Улардан биринчиси урчуқ тезлигининг  $1500 \text{ мин}^{-1}$  гача етказилганлиги бўлиб, бунга осма рагулкаларни қўллаб эришилган. Осма рагулкаларда таянувчан рагулкаларга нисбатан вибрацияси (тебраниши) бир неча марта пастлиги туфайли қўлланилган калта урчуқ тезлигини оширишга муваффақ бўлинган. Кейинги янгилик чўзиш асбоби чанг ва калта толалар билан ифлосланишдаги асровчи пневмосўргичлар билан жиҳозланган<sup>1</sup>. Таъминлаш рамкасида яширин чўзилишни камайтирувчи олти қиррали йўналтирувчи валиклар ўрнатилган. Олдинги ва орқадаги рагулкаларнинг бурам тақсимлагичлари икки хил сатҳда, яъни олдинги қатордагилари пастроқ жойлаштирилган. Бўш ғалтакларга пиликни автоматик равишда ўраш жорий қилинган. Бунинг учун ғалтак тепа қисмida унинг сиртини қамраб оловчи ёпишқоқ тасма мавжуд. Унга рагулканинг лапкасида осилиб турган пилик уни автоматик тарзда ёпишиб пилик узуқлари, яъни қайтимлар ҳосил бўлмайди. Пиликлаш машинасида ҳам тўлган ғалтакларни олиш пилик узунлиги бўйича амалга оширилади. Тўлган ғалтакларни олиш, уларни транспортировкалаш, бўш ғалтакларни машинага ўрнатиш, машинани ишга тушириш автоматлашган тизим ёрдамида ҳам амалга оширилмоқда.

Пиликнинг ўралишида иккала қатор ғалтакларига ўралаётган маҳсулот таранглигининг бир хил бўлиши муҳим роль ўйнайди. Шунинг учун чўзиш асбобидан чиқаётган пилик таранглигини назорат этувчи маҳсус дистанцион ROJ тизими қурилмалари ўрнатилади(1.11-расм). Иккита сенсор ва процессор ёрдамида пиликнинг таранглиги ўраш давомида доимий қилиб ушлаб турилади. Натижада сохта чўзилишлар олди олиниб, пиликнинг текислиги юқорилиги таъминланади. Айрим ҳолларда пилик узилишини назорат этувчи қурилмалар ўрнатилади (1.12-расм).



**1.11-расм. Дистанцион ROJ тизими**




**1.12-расм. Пилик назоратчиси ўрнатилиши**

<sup>1</sup>Werner Klein, The Rieter Manual of Spinning . Volume 3-Spinning Preparation, Rieter Machine Works Ltd. Klosterstrasse 20, CH-8406 Winterthur 2014

Унинг биттаси иккита ёндош пиликни назорат этиб, унинг бири узилиши билан машина дархол тўхтайди. Пиликни ўраш жараёни ўзгармаган бўлса-да, бўш ғалтакларга пилик ўралишининг бошланиши автоматик тарзда амалга оширилганлиги боис пиликнинг учи ғалтакнинг ёпишқоқ белбоғига илашиб ўрамлар аниқ шаклланади (1.13-расм а).



а



б

**1.13-расм. Ёпишқоқ белбоғга пилик учи илашиши а) пиликлаш машинаси ишчи органларига ҳаракат узатилиши схемаси б).**  
**1-рагулка, 2-ғалтак, 3- каретка ва 4-чўзувчи цилиндрлар маторлари**

Ўраш шартларининг бажарилишида тезликларнинг ўзгариши частота ўзгартирувчиси-инвертор ёрдамида амалга оширилиши ва ғалтак осма бўлганлиги учун ҳаракат узатилиши схемаси ҳам янгича яратилган бўлиб, дифференциал ҳамда қулф механизмлари қўлланилмайди (12-расм б). Ўраш жараёнини бошқаришда асосан “энкодр” деб аталувчи механизм ишлайди.

## 1.2.Ҳалқали ва пневмомеханик йигириш ўтимлари янгиликлари

Йигириш ўтимида машина унумдорлиги урчуқ тезлигини ошириш туфайли эришилган. Фойдали вақт коэффициентини орттириш мақсадида автосъемниклар жорий қилиниб, қўл меҳнати сарфи кескин камайтирилган ва съём бригадалари бекор қилинган. Ҳозир битта ҳалқали йигириш машинасида 1680 тагача урчуқ ўрнатилган бўлиб, ишчининг хизмат зонаси кенгайтирилган<sup>1</sup>. Тегишли тайёрлов ўтимларида авторегуляторларнинг мавжудлиги натижасида йигирилаётган ип ниҳоятда равон бўлишига эришилган.

<sup>1</sup>Werner Klein, The Rieter Manual of Spinning . Volume 4 - Ring Spinning, Rieter Machine Works Ltd. Klosterstrasse 20, CH-8406 Winterthur 2014



1. Бўш найчалар конвейерда келиб тўхтайди. Машина автоматик тарзда тўхтайди ва съём планкаси кўтирилади.



2. Съём планкаси тўлган найчаларини чиқариб олади ва ип учлари узилади.



3. Тўла найчалар бўш конвейер қозиқларига кийгизилади.



4. Бўш найчалар урчуқларга қадалади (кийгизилади). Съём планкаси бошланғич ҳолатига қайтади. Машина ишга тушади, тўла найчали конвейер ҳаракатга келади.

### 1.14-расм. Автосъёмникнинг ишлаш босқичлари

Ҳалқали йигириш машиналари қайта ўраш автоматлари билан туташтирилиб, яхлит битта агрегат ҳосил қилинган. Агрегатда барча технологик жараёнлар ва операциялар автоматик тарзда амалга оширилади. Бўш патронларга ўраш жараёни классик усулдагидек бажарилмай, автоматик тарзда найча уясида ипнинг уни биринчи қатламнинг тагига 4 мм масофада қистирилиб қўяди. Натижада ипчуваланиб олинганда охиригача чиқиб, учларда ип чигалликлари пайдо бўлмайди, яъни чиқинди кескин камаяди.

Деярли барча фирмаларнинг яратган автосъём конструкциялари бир хилда тузилган ва ишлаши ҳам шунингдек ўхшашибди. Автосъёмниклар бир-бирига ўхшаб қуидагича ишлайди.

Пневмомеханик йигириш машиналарида ҳам асосий эътибор тезликка қаратилган бўлиб, йигириш камерасининг айланишлар частотаси  $180000$  мин<sup>-1</sup>га етказилган. Роботлар барча иш операцияларини ипни улаш, йигириш камераларини тозалаш, тўлган ғалтакларни чиқариб олиш ва бўш ғалтакларни ўрнатиш кабиларни бажармоқда. Битта йигириш машинасида 500 тагача йигириш камераси ўрнатилган бўлиб, улар гурухларга бўлинниб ҳар хил ассортиментдаги ип йигириш мақсадида индивидуал микродвигателлар билан ҳаракатланмоқда. Бундан ташқари кам бурамли ипларга эҳтиёж ошганлигини инобатга олиб, трикотаж матолари учун кам бурамли модификацияланган иплар ҳақали йигириш машиналарида олинмоқда. Пахта ипининг сифат қўрсаткичларини яхшилаш мақсадида Siro, Solo деб ном олган иплар йигирилмоқда. Уларнинг биринчиси иккита ёндош тутамчалардан шаклланса, иккинчиси битта тутамча бир нечтага бўлинниб шаклланади. Хорижий давлатларда, айниқса, Хитойда мазкур ип турлари бўйича ишлаб чиқариш корхоналари анчалиги маълум. Кам бурамли йигирилган ипларга ҳалқали йигириш машиналарида олинган моноипли комбинацияланган ипни қўшиш мумкин. Юқорида келтирилган машиналарнинг ҳаммаси катта тезликда ишловчи, энергия тежамкор ҳамда копьютерлашган ҳисобланади. Уларнинг ташки кўриниши деярли бир хил (1.15-расм).




**1.15-расм. Турли фирмаларнинг пневмомеханик йигириш машиналари**

а) Savio S.P.A. FlexiRotorS 3000, б) Schlafhorst Autocoro 8, в) Ритер R60  
Мазкур машиналар асосан камеранинг айланишлар частотаси юқорилиги ( $180000$  мин<sup>-1</sup>гача) машинадаги йигириш камераларининг кўплиги (600 тагача) билан тавсифланади. Йигириш камералари бундай катта тезликда ҳаракатланиши учун магнит юритмалари ўрнатилган (6-расм а). Алоҳида юритмалари мавжудлиги туфайли Autocoro 8 пневмомеханик йигириш машинасининг имкониятлари каттароқлигини таъкидлаш керак. Шунинг учун битта машинада ҳар хил ассортиментдаги ипларни йигириш мумкин. Ритер R60 машинасида бурам найчаси “Twistunit”ни тез алмаштириш

мумкин<sup>1</sup>. Бундан ташқари аэро улаш қўлланиши натижасида улок узунлиги қисқарган

### 1.3.Ипни қайта ўраш ўтимидағи янгиликлар


Юқорида таъкидланганидек, йигириш технологиясининг умумий янгиликларидан бири ҳалқали йигириш машинасининг қайта ўраш автоматлари билан туташтирилганидир. Бунга ҳалқали йигириш машиналарида автосъёмникларнинг жорий этилгандан сўнг эришилди. Ҳозирги кунда ҳалқали йигириш машиналаридан чиқариб олинган тўла ип початкалари махсус транспортерда қайта ўраш автоматларига узатилади. Қайта ўраш автоматлари шу тарзда йигириш технологиясининг якуний ўтимиға тўқувчилик (тўқима ва трикотаж)дан кўчиб ўтди. Бу эса йигириш технологиясидаги янгилик ҳисобланади. Polar M/L қайта ўраш автоматлари(1.16-1.17 расм)



#### 1.16- расм Polar M/L қайта ўраш автоматлари харакат ўзатилиши

- 1 Паковка ипининг соплосининг мустақил ҳаракати
- 2 Сплайсернинг мустақил ҳаракати
- 3 Бабина ипини сўриш саплосининг мустақил ҳаракати
- 4 Ип таранглигининг мустақил иши

<sup>1</sup>Werner Klein,The Rieter Manual of Spinning . Volume 5 - Rotor Spinning, Rieter Machine Works Ltd. Klosterstrasse 20, CH-8406 Winterthur2014



Шуни таъкидлаш керакки, мазкур янгилик барча корхоналарда қўлланилмай айрим корхоналардагина жорий этилган.

### **1.17-расм Polar M/L қайта ўраш автоматлари**

- 1 Барабанча
- 2 Ип тахлагич
- 3 TENSOR таранглик датчиғи
- 4 Парафинлаш мосламаси
- 5 Ип таранглагич

Шундай қилиб, йигиришнинг янги йўналишларида ишловчи ускуналар Ўзбекистон тўқимачилик корхоналарида муваффақият билан ишлатилмоқда ва ишлаб чиқилаётган маҳсулотларнинг аксарият қисми экспорт қилинмоқда.

#### **Назорат саволлари:**

1. Янги техника қандай фарқланади?
2. Тўқимачилик саноатининг техникасини такомиллаштириш йўналишларини санаб ўтинг?
3. Ип йигиришда қайси фирмаларнинг жиҳозлари ишлатилади?
4. Янги техникани яратиш тартиби ва жорий этиш тартиби қандай?

#### **Фойдаланилган адабиётлар:**

1. HwanKi Lee. Quality Controll of Latest Spinnin Procecc and Prevention of Textile Defects. Thinkbook Company, Korea, 2015
2. Werner Klein, The Rieter Manual of Spinning . Volume 3-Spinning Preparation, Rieter Machine Works Ltd. Klostertrasse 20, CH-8406 Winterthur2014.
3. Werner Klein, The Rieter Manual of Spinning . Volume 4 - Ring Spinning, Rieter Machine Works Ltd. Klostertrasse 20, CH-8406 Winterthur 2014
4. Werner Klein, The Rieter Manual of Spinning . Volume 5 - Rotor Spinning, Rieter Machine Works Ltd. Klostertrasse 20, CH-8406 Winterthur 2014
5. Cleaning concept, Trutzschler spinning, Germany, 2014
6. [www.trutzschler.com](http://www.trutzschler.com)
7. VARIOline The variable cleaning concept
8. [www.rieter.com](http://www.rieter.com)

## **2- мавзу: Түқима ишлаб чиқариш тенденцияси.**

Режа:

- 2.1. Түқима ишлаб чиқариш истиқболлари.
- 2.2. Түкүв дастгохларини ишлаб чиқарувчи хорижий фирмалар.
- 2.3. Замонавий Жаккард машиналари.
- 2.4. Күпхомузалитүқұвдастгохлари

**Таянч иборалар:** *саржас, сатин, шода, жаккард, полистер, игна, барабан, танда, дастгох, арқоқ, хомуза, моки*

### **2.1. Түқима ишлаб чиқариш истиқболлари**

Биринчи түкүв дастгохлардаги түқима ҳосил қилиш учун бажариладиган 5та асосий жараёндан 4таси (хомуза ҳосил қилиш, жипслаштириш, түқимани тортиш ва ўраш, танда бўшатиш ва таранглаш) ҳозирги замонавий дастгохларда ҳам сақланиб қолган, фақатгина у жараённи амалга оширувчи механизмлар такомиллаштирилган, автоматлаштиришган бўлсада, лекин асосий моҳияти сақланиб қолган. Хозиргача бўлган давр ичидаги энг катта ўзгариш бўлган механизм - бу арқоқ ипини хомузага ташлаш жараёнидир.

Арқоқ ташлаш усулини такомиллаштирилиши ва автоматлаштирилиши натижасида түкүв дастгохларини тезлиги ва иш унумдорлиги бир неча бор ортишига эришилди.

Түкүв дастгохларини қуйидаги белгилар бўйича таснифлаш мумкин:

Арқоқ ипини хомузага ташлаш усууллари бўйича:


- 1. Мокили (анъянавий усул)**
- 2. Мокисиз (ноанъянавий усул)**

Арқоқ ташлаш усууллари бўйича түкүв дастгохлари **мокили** ва **мокисиз** турларга бўлинади (2.1-расм).



**2.1-расм. Түкүв дастгохларини тури**

Мокисиз арқоқ ташлаш усулига митти мокили, рапирали, ҳаво ва гидравлик, кўп хомузали турларга бўлинади (2.2-расм). Арқоқ ташлаш усули дастгохларни белгиловчи асосий кўрсатгичидир.



## 2.2-расм. Мокисиз арқоқ ташлаш усуллари

Арқоқ ипи билан таъминланиш бўйича дастгоҳлар икки турга бўлинади: **узлукли ва узлуксиз**(2.3-расм). Узлукли усулда арқоқ ипи ҳомузага дастгоҳ ишчи циклини маълум қисмидагина ташланади. Иккинчи усулда арқоқ ипи ҳомузага узлуксиз ташланади. Узлуксиз усул ҳозирда ривожланиш, такомиллаштириш босқичида бўлиб, ундан дастгоҳларини (кўп ҳомузали) муқобил конструкциялари изланмоқда. Бунда ҳомуза бўйлама ва кўндаланг йўналишларда бўлиши мумкин<sup>1</sup>.



## 2.3-расм. Арқоқ ипини ҳомузага ташлаш турлари

Арқоқ ипи билан таъминлашнинг тури бўйича дастгоҳлар механик, автоматик арқоқ алмаштириш механизми билан жиҳозланмаган ва автоматик дастгоҳларда бўлинади.

Ҳомуза ҳосил қилувчи механизмларни тузилишига қараб, тўқув дастгоҳлари **кулачокли, кареткали ва жаккардли** дастгоҳларга бўлинади. Кулачокли ҳомуза ҳосил қилувчи механизмли дастгоҳларда асосан оддий ўрилишли (полотно, саржа, сатин ва х.к.з) тўқималар тўқиши мумкин. Кареткали дастгоҳларда эса 12-48 тагача шодалар мавжуд бўлиб, шуларга мос тўқималар ишлаб чиқариш мумкин. Жаккард машинали дастгоҳларда эса ҳар қандай нақшли (гулли) тўқималар олиш мумкин.

Батан механизмининг тузулишига қараб дастгоҳлар **умумий, секцияли, нуқтали, ротацион ва тебранма арқоқ жипслаштириш** механизмли дастгоҳларга бўлинади.

Зарб механизмининг тузилишига қараб дастгоҳлар **кетма-кет ва ихтиёрий зарбли** дастгоҳларга бўлинади.

<sup>1</sup>Sabit Adanur. Handbuk of weaving. Boca Raton London New York Washivgton/ D.C. 2001 (6-7 pg)

Бир вақтда ишлатиладиган арқоқларга қараб дастгоҳлар **бир рангли** **ва қўп рангли** дастгоҳларга бўлинади. Кўп рангли арқоқ алмаштириш механизмини қўллаш, тўқима турларини кўпайтиришга имкон беради.

Тўқимадаги ипларни турига қараб **пахта, жун, ипак, зифир, метал, шиша ва бошқа** тўқималарни ишлаб чиқаришга мослашган тўқув дастгоҳлари ишлаб чиқарилади. Айрим ривожланган фирмалар кўплаб барча турдаги иплардан тўқима олиш имкониятига эга универсал тўқув дастгоҳларини ишлаб чиқармоқда.

Ишлаб чиқарилган тўқимадан фойдаланишга қараб дастгоҳлар **оддий ва маҳсус тўқима** ишлаб чиқарувчи дастгоҳларга бўлинади.

Ишлаб чиқарилаётган тўқимани энига қараб дастгоҳлар **энсиз ва энли** дастгоҳларга бўлинади, лекин бу шартли кўрсаткич бўлиб, ҳозирда максимал тахтлаш эни 2 метрдан ортиқ бўлган дастгоҳлар энли дастгоҳлар деб қабул қилинган.

Тўқима қандай тўқув дастгоҳида ихлаб чиқарилишидан қатъий назар, унда қуйидаги бешта амал бажарилади:


- танда ипини узатиш ва уни тахтлаш таранглигини ҳосил қилиш;
- ипларнинг икки қисмга ажратиб, биринчи қисмини юқорига кўтариш, иккинчи қисмини пастга тушириш билан ҳомузга ҳосил қилиш;
- ҳосил қилинган ҳомузага арқоқ ипини ташлаш;
- ҳомузадаги арқоқ ипини тўқима четига жипслаштириш ва тўқима элементини ҳосил қилиш;
- тўқимани тортиш ва унда керакли арқоқ бўйича зичликни таъминлаш.

Юқоридаги бешта амални бажариш учун тўқув дастгоҳларига қуйидаги механизmlар ўрнатилган; ҳомуза ҳосил қилувчи механизmlар, зарб ва арқоқ или ташлаш механизmlари, батан ва арқоқ ипини жипслаштирувчи механизmlар, тўқима ростлагичлари, танда ростлагичлари (2.4-расм).

Бу механизmlарни ишлаши, уларнинг созлиги, ишлаб чиқарилаётган тўқимани тузилишига, сифатига, узуқлар сонига, дастгоҳ ва меҳнат унумдорлигига бевосита таъсир этиб, уларни аниқловчи асосий шартлардан ҳисобланади. Шунинг учун механизmlар кўп ўрганилади ва дастгоҳлар устида тинимсиз ишлар олиб борилади.

Юқоридаги асосий механизmlардан ташқари тўқув дастгоҳларига огохлантирувчи, арқоқ ипини автомат алмаштирувчи ва бошқа ёрдамчи механизmlар ҳам ўрнатилади. Замонавий тўқув дастгоҳларида бу механизmlарни ишлашини бошқариш учун микропроцессорлардан фойдаланилиб, уларга хизмат кўрсатиш тобора камайиб бормоқда. Микропроцессорлардан тўқув дастгоҳларида фойдаланиш уларнинг аниқ ишлашини таъминлайди<sup>1</sup>.

<sup>1</sup>Sabit Adanur. Handbuk of weaving. Boca Raton London New York Washivgton/ D.C. 2001 (122 pg)



**2.4-расм. Тўқув дастгохини технологик кўриниши**

## 2.2. Тўқув дастгохларини ишлаб чиқарувчи хорижий фирмалар

Тўқув дастгохлари кўплаб давлатларда ишлаб чиқарилади. Куйида замонавий тўқув дастгохларини ишлаб чиқарувчи етакчи фирмаларни айримлари келтирилган (2.1-жадвал).

2.1-жадвал

Замонавий тўқув дастгохларини ишлаб чиқарувчи етакчи фирмалар

<b>Ишлаб чиқарувчи фирмалар</b>	
<b>Пневматик тўқув дастгохларини ишлаб чиқарувчилар</b>	<b>Рапириали тўқув дастгохларини ишлаб чиқарувчилар</b>
Зульцер (Швейцария) Цудакома (Япония) Picanol (Бельгия) Тойота (Япония) Дорниер (Германия) Сомет (Италия) Trusrein (Чехия) Гунне (Германия) МюллерAG (Швейцария) Vauple (Германия)	Дорниер (Германия) Сомет (Италия) Picanol (Бельгия) Зульцер (Швейцария) Ваматес Рапириали (Италия) Ваматес Негатив Рапириали (Италия) Panter Негатив Рапириали (Италия) Якоб Мюллер (Швейцария) SapaTextil (Испания) Panter (Италия) ICBTVaupel (Германия) СТМ (Хитой)
<b>Гидравлик тўқув дастгохларини ишлаб чиқарувчилар</b>	<b>Митти мокили тўқув дастгохларини ишлаб чиқарувчилар</b>
Цудакома (Япония) Тойота (Япония)	Зульцер (Швейцария) СТБ (Россия)

Замонавийтўкувдастгоҳларининг юқорисифатиқуидагиомиллар бил антаъминланади:

- юқориуниверсаллиги, яънитурлихилтўқималари ишлаб чиқариши мониятларини ғенглиги;
- юқори тезликда ишончли ишлаши;
- ишлаб чиқарилган тўқима сифатининг юқорилиги;
- дастгоҳ тўхташлари сонининг камлиги ва бартараф этишдаги кам меҳнат сарфи;

Дастгоҳларнинг универсаллиги пахта, жун, ипак, сунъий ва синтетик ҳамда аралашмали иплардан тўқима ишлаб чиқариш имконини яратади.

Дастгоҳларда оғирлиги юқори бўлган қуидаги тўқималарни ишлаб чиқариш мумкин: кийимбоп жунли тўқималар, енгил ва зичлиги юқори ип газламалар, зигир, синтетик ва аралаш ипли ва бошқа тўқималар.

Дастгоҳларнинг кенг ассортимент имкониятлари қуидаги кўрсатгичлар билан таъминланади:

- оригинал кинематик ва динамикли тиф юритмаси;
- арқоқ ипини ташлаш механизмининг конструкцияси;
- ишчи эни қамровини катталиги;
- арқоқ ипини рангини эркин раппортида ажратувчи танлагич ва 12 шодали ҳомуза ҳосил қилиш механизмининг ўрнатилиши;
- 20 шодали позитив электрон шода қўтариш кареткаси;
- электрон ёки механик бошқарувчи жаккард машинаси.

Максимал тезликда ҳам дастгоҳлар ишининг юқори ишончилигини намоён этади.

Дастгоҳларнинг ишининг ишончлиги, унинг тезлигини ошиши билан қўйидагилар билан таъминланади.

- детал ва механизмларини юқори аниқлиқда тайёрланганлиги;
- энг янги технологиялар ва композицион материалларнинг қўлланиши;
- 4 бўғинли рапира юритмасини қўлланиши ва кулачок ва аксилкулачоклардан ҳаракат олувчи енгиллаштирилган батан механизми;
- дастгоҳ юритмаси ва тормози асосий механизмларини муккамал кинематика ва динамикаси;
- қисқичлар ўлчами ва конфигурациясини оптималлиги;
- ранг ажратиш танлагичида арқоқ иплари орасидаги масофанинг катталаштирилганлиги, дастгоҳнинг чўян асослардан иборатлиги.

Юқори сифатли тўқимани ишлаб чиқариш қўйидагилар билан таъминланади:

- ўзгарувчан токли двигателнинг юритмасини электро механик муфта ва дастгоҳни 0,1 секда тўхтатувчи ва тезлигини оширишни таъминловчи дастгоҳ тормозининг қўлланиши;

- танда узатувчи реверсив турдаги электрон ростлагичларнинг қўлланиши, бу ростлагичлар танда ипининг таранглигини бир хилда ушлаб туради;
- йўқолган арқоқ ипи ўрнини ҳомузада топиш механизмлари;
- электрон тўқима ростлагичлари;
- сохта милк ҳосил қилувчи механизмлар;
- оптимал конструкцияли арқоқ ипини жипслаш механизмлари;
- такомиллашган ҳомузда шакли ва скalo ҳолатини ростлашнинг катта имкониятларининг мавжудлиги;

Дастгоҳ ишлаётганида ва қайта тахтланганида қисқа муддатга тўхтаб туриш қуйидагилар билан таъминланади:

- механизмлар омилларининг юқори барқарорлиги;
- дастгоҳларни тузатиш ва уни муқобиллаштириш омилларини назорат қилувчи электрон тизими;
- тўқима энининг осон ростлаш;
- берилган ўрилишли тўқиманинг ишлаб чиқариш ва арқоқ рангларини танлаб берувчи процессорда яхлитловчи электрон тизими;
- тўқима ўрамига қараб микропроцессорлар томонидан назорат қилувчи арқоқ ипи узилган ҳомузани автоматик топиш қурилмаси;
- тўқима рулони диаметри катталиги ва уни дастгоҳ ишлаб турганида ечиб олиш;
- рулонни жойловчи ромларини қўллаш имконияти;
- юқори такомиллашган, иплар узуқларни бартараф этиш вақтини камайтирувчи танда кузатиш қурилмаси;
- дастгоҳнинг ишчи тезлиги, ишлаб чиқариладиган тўқима, узуқлар ва бошқа кўрсаткичлар ҳақида маълумотлар берувчи микропроцессорлар ёрдамида электрон бошқариш марказини қўлланиши.

Тўқимачилик корхоналаридаги энсиз ва паст унумли тўкув дастгоҳлари ўрнини замонавий энли дастгоҳлар эгалламоқда.

Хозирда дунё буйича тўқимачилик машиналари янгиликлари 3 та асосий кўргазмаларда намойиш этилади:

ITMA (ХТМК-халқаро тўқимачилик машиналари кўргазмаси)-ҳар 4 йилда Европада ўтказилади.

ATME-I (Америка тўқимачилик машиналари кўргазмаси) - ҳар 4 йилда АҚШда ўтказилади.

ОТЕMAS ( Осиё тўқимачилик машиналари кўргазмаси (шоуси) - ҳар 3 йилда Японияда ўтказилади.

Шунингдек ҳар йили Истанбулда турли ташкилотлар томонидан тўқимачилик машиналари кўргазмаси ташкил этилади.

### **2.3.Замонавий Жаккард машиналари**

Танда ва арқоқ бўйича ўрилиш раппорти катта бўлган йирик нақшли тўқималар ишлаб чиқаришда **жаккард машиналари**дан фойдаланилади. Жаккард машиналарини шодали ҳомузда ҳосил қилиш механизмларидан

асосий фарқи, уларда нафақатгина бир гурух танда илари, аксинча ҳар бир танда ипи индивидуал, яъни алоҳида қўтарилиб-туширилади ва бошқарилади.

Йирик нақшли тўқималар жаккард машиналари яратилмасдан олдин ҳам ишлаб чиқарилган. Бироқ бундай йирик нақшли тўқималарни ишлаб чиқариш тўкув дастгохида жуда мураккаб кечган. Ҳар бир тўкув дастгохида -бта ишчи ишлаб, улар канвой қофозидаги расм бўйича керакли аркат шнурларини қўтаришган. Ҳар бири 400-500 аркат шнурига хизмат қилган.

Жаккард машиналари 1805- йили Франциялик тўкувчи Жозеф Мари Жаккард (Joseph Marie Jacquard, 1752-1834) томонидан ихтиро этилганлиги учун унинг номи билан юритилади.

Жаккард машинасини ихтиро қилиниши тўкувчилик соҳасидаги катта эволюцион ютуқ бўлиб, нафақат маҳсулот ишлаб чиқариш унумдорлигини ортиши билан балки ҳар бир дастгохдан 4-5 та ишчини озод этилиши биан ҳам катта иқтисодий самара берган.

Жаккард машиналари тузилиши бўйича кўп қисмлардан иборат ва анча мураккаб бўлганлиги учун кулачокли хомуза ҳосил қилиш механизми (ХХКМ) ва шода қўтариш кареткаларига (ШШК) нисбатан қиммат, тўқима юзасидаги хатоликлар бўлиш эҳтимоли эса кўпроқ бўлади.

Жаккард машиналари ёрдамида дастурхонлар, гобеленлар, гиламлар, кийимбоп ва мебельбоп тўқималар, ажурли чойшаблар, одеяллар, халқали сочиқлар, ҳар хил расмли тўқималар, ва бошқа тўқималар ишлаб чиқариш имконияти мавжуд бўлиб, машиналарни ушбу тўқималарни ишлаб чиқарувчи тўкув дастгохларга мослаб ишлаб чиқарилади.

Жаккард машиналарида танда иларини назорат қилиш даражаси жуда юқори бўлишлиги талаб этилади. Бундай талаб қўйилишига сабаб, ҳар бир танда ипини индивидуал, ёки тўқима эни бўйича ўрилиш раппорти ичида бир гурух танда иларини бир хил нақш ҳосил қилишидадир. Бу эса жаккард машинаси ёрдамида мураккаб нақшли ўрилишлар олиш имкониятини беради, яни тўқима юзасида ҳар хил расмлар, портретлар ҳосил қилиш мумкин (2.5-расм).

Барча жаккард машиналари ишлаш принципи бўйича 2 турга бўлинади:

1. Анъанавий (традицион) жаккард машиналари
2. Ноанъанавий жаккард машиналари

Анъанавий жаккард машиналари қўйидагига тавсифланади:

1. Механик ёки электронли
2. Кўтариш сони бўйича:
  - а) бир кўтаримли
  - б) икки кутаримли
3. Игналар орасидаги масофа бўйича:
  - а) йирик қадамли - 6,82x6,82 мм ёки 5,77x5,11 (Инглиз қадами)
  - б) ўрта қадамли - 4,0x4,0 мм

в) майда қадамли - 3,0x3,0 мм

4. Ҳосил қилинаётган хомузани тури бўйича:

- а) очик
- б) ёпиқ
- в) ярим очик

5. Ҳосил қилинаётган хомузани шакли бўйича:

- а) тўлиқ
- б) юқори ярим тўлиқ



**2.5-расм. Жаккард машинасида хомуза ва нақш ҳосил қилиш.**


Ноанъанавий жаккард машиналари хозирда замонавий ҳисобланади, уларни тузилиши ва ишлаш принципи традицион машиналардан фарқ қилиб, қуидаги машиналар киради:

1. Штойбли фирмасининг "INIVAL 100"
2. Кросс фирмасининг "UNISHED" жаккард машиналари.

Биринчи бор бу янги турдаги жаккард машиналарини ITMA-99 кўргазмасида намойиш этилган. Бу икки машиналар умумий йўналий машина қисмларини камайтириш ва дастгохга жаккард столисиз ўрнатиш. Традицион жаккард машиналарида жаккард машинаси тўкув дастгохидан 1,5-3 м юқорига махсус столга ўрнатилади. Таңда ипларини эса узун аркат шнурлари орқали кўтариб туширилади (2.39-расм). Ноанъанавий жаккард машиналари эса дастгохга тўғридан-тўғри ўрнатилади (2.40-расм). Бу машиналарни эндиғина намуна варианти яратилган бўлсада, ихтиро муаллифларини таъкидлашича, янги авлод жаккард машиналари ва технологиясини ривожлантириш натижасида жаккард тўқималарини ишлаб чиқариш нархини оддий тўқималарни ишлаб чиқариш нархига яқинлаштириш ва тенглаштиришdir. Маълумки хозирда жаккард тўқималарини ишлаб чиқариш таннархи бошқа тўқималарга нисбатан анча юқори.


GrosseUnished жаккард машинасины ўлчами, танда ипларини индивидуал бошқариш тизими машинада гулаларни (галева) түғридан-түғри машинага боғланганлиги сабабли машина дастгохга ўрнатилади. Бундай ўрнатиш ҳисобига машинада аркат шнурлар, магнитлар, илгаклар, роликлар, пружиналар ишлатилмайды, яни улардан фойдаланилмайды, натижада машинани тахтлашга, цехда микроклимат тизимига бўлган харажатларни камайишига олиб келинади. Жаккард машинаси тўғри дастгохга ўрнатилиши эндиликда ассортимент ва ўрилиш турини ўзгартиришда "Тез алмаштириш усули"дан (QuickStyleChange (QSC)) фойдаланиш имкониятини беради.

Unished жаккард машинаси DornierLWV6/J пневматик тўкув дастгохига ўрнатилиб, дастгоҳда пахта/полистер ипларидан ғилофли тўқима ишлаб чиқаришда дастгоҳ 800 арқоқ/мин (1136 м/мин) тезлик билан эни 150 см бўлган тўқимани ишлаб чиқариши намойиш этилган (2.6-расм).



**2.6-расм. GrosseUnished жаккард машинаси**

GrosseUnished жаккард машинаси замонавий электрон ускуналар билан жиҳозланган бўлиб, хомуза ҳосил қилиш принципи ҳам юқори тезликка мослашган янги усулда амалга оширилади (2.7-расм).



**2.7-расм. Unished жаккард машинасида хомуза ҳосил қилиш принципи**

## **Staubli INIVAL 100 жаккард машинаси**

INIVAL 100 жаккард машинасида ҳар бир танда ипини индивидуал қадамли электродвигатель билан бошқарилишига эришилган. Машинада аркат шнурларини бошқариш электронли бўлиб, тўқимага нақш бериш бошқа электронли жаккард машиналаридағи каби традицион усулда амалга оширилади. Машинани ўлчами( машина эни дастгохни тиф бўйича энига тенг) ва ҳар бир танда ипини индивидуал қадамли электродвигатель билан бошқариш аркат шнурларини тик йўналишда ўрнатилишига эришилган. Яратилган INIVAL 100 жаккард машинасини бундай тузилиши илгаклар, пичоқлар, магнитлар, роликларни бўлмаслигини таъминлаб, ҳар бир аркат шнури ёки гула тўғридан-тўғри қадамли электродвигательга боғланган (2.8-расм).



**2.8-расм. StaubliINIVAL 100 жаккард машинаси**

INIVAL 100 жаккард машинаси PicanolOMNIplus-6-J 250 пневматик тўқув дастгохига ўрнатилиб, дастгохга зичлиги юқори бўлган матрас тўқимаси тахтланган. Тўқима эни 2,2 метр бўлиб, дастгох тезлиги 950 арқоқ/мин (2090 м/мин), танда ипларини сони 7100 та бўлган ва уларни 7100 та қадамли электродвигателлар бошқаради.

Жаккард машиналарини белгиловчи асосий кўрсатгичлардан бири бу уларнинг қувватидир. Қувват кўрсатгичи машинага ўрнатилган илгаклар ёки игналар сони билан аниқланади. Мисол учун жаккард машинасини қуввати 600 бўлса, машинада горизонтал 12 игна қатори ва ҳар бир қаторда 50 тадан игна борлигини билдиради, яъни 600x12x50 бўлади. Бундан ташқари яна бир нечта қўшимча игналар ҳам бўлади. Одатда ҳар бир илгакка 150 грдан куч тўғри келади, лекин ишлаш жараёнидаги дастгох тезлиги ҳисобига илгакларга тушадиган куч 1,2кг гача етади. 2.2 ва 2.3-жадвалларда Англия ва Овропа стандартлари бўйича жаккард машиналарини қувватлари келтирилган<sup>1</sup>.

<sup>1</sup>Sabit Adanur. Handbuk of weaving. Boca Raton London New York Washivgton/ D.C. 2001 (165-180 pg)

## 2.2-жадвал

Йирик қадамли Жаккард машиналарини күввати (Англия стандарты бўйича)

<b>Машина куввати</b>	<b>Илгаклар сони (калта қаторда)</b>	<b>Илгаклар сони (узун қаторда)</b>	<b>Умумий илгаклар сони</b>
100	26	4	104
200	26	8	208
300	38	8	304
400	51	8	408
500	51	10	510
600	51	12	612
900	77	12	924

## 2.3-жадвал

Майдо қадамли Жаккард машиналарини күввати (Овропа стандарты бўйича)

<b>Машина куввати</b>	<b>Илгаклар сони (калта қаторда)</b>	<b>Илгаклар сони (узун қаторда)</b>	<b>Умумий илгаклар сони</b>
448	16	28	448
896	16	56	896
1344	16	84	1344
1792	16	112	1792

Турли хил қувватдаги Жаккард машиналарини кўтариш қисмлари 2.9-расмда келтирилган.

### **Жаккард машиналарини ташкил этувчи асосий механизмлари**

Барча жаккард машиналари асосан 3 та механизмдан ташкил топади.

- 1.Юритувчи
2. Бошқариш (танлаш) механизми
3. Кўтариш механизми.


**Жаккард машинасини юритувчиси** тўқув дастгохига боғланган бўлиб, харакатни ундан бевосита узатиш валлари, занжирилди узатма (Ж-13 машинасида) ва бошқа узатмалар ёрдамида харакатга келтирилади. Пичноқлар харакатланиши бутун системани ишлашини таъминлайди.

**Бошқариш (танлаш) механизми** игналар, пружиналар, картон барабани ва чексиз узунликдаги қофозли перфокарталардан ташкил топади.

**Кўтариш механизми** илгаклар, ром шнури, аркат шнури, гулалар, юклар пружина ёки эластомер). Штоубли жаккард машинасини асосий қисмларини кўриниши 2.10-расмда келтирилган.

Асосан жаккард машиналарида турли хил ричаглар ўрнатилиб, улар ёрдамида асосий валдан пичноқларга харакат узатилади. Назорат механизми орқали пичноқлар харакати бошқарилади. Пичноқлар эса тўқима ўрилишига


мос равишда илгакларни күтариб-тушириб керакли хомузани ҳосил қиласи.




**2.9-расм. Ҳар хил қувватдаги жаккард машиналари**

### **Бир күтаримли, бир призмали механик жаккард машинаси**

Машина бир күтаримли, бир призмали бўлиб, ҳар бир игна биттадан илгак билан боғланган. Машинада 8 та игна қатори бўлиб, ҳар бир қаторда эса 50 тадан илгак ўрнатилган. Шундан келиб чиқиб машина қуввати 400га тенг, яъни 400 $\times$ 8x50. Машинага 400 та игна ва 400 та илгаклар ўрнатилган (2.11-расм).




**2.11-расм. Бир күтаримли, бир призмали жаккард машинаси.**



**2.10-расм Штоубли жаккард машинасини күриниши**

2.12-расмда икки күттаримли, бир цилиндрли жаккард машинасини күриниши көлтирилгандар. Бу машиналар тезлиги юқори бўлган рапирали, митти мокили ва пневматик тўқув дастгохларига ўрнатилади. Машинада арқоқ бўйича раппорти 9000 тагача бўлган нақшлар олиш имконияти мавжуд.



**2.12-расм. Икки күттаримли, бир цилиндрли жаккард машинасини күриниши**


Хозирда жаккард машиналарига бўлган талаб кундан-кунга ўсиб бормоқда. Шунинг учун кўплаб чет эл фирмаларида турли хил жаккард машиналари ишлаб чиқарилмоқда. Бельгиядаги машҳур “Мишель Ванде Виль” фирмаси икки томонли гилам тўқиши дастгохи (рапирали ALD 62 тўқув дастгохи) учун шарқ гилам ва шолчаларини ишлаб чиқаришга мўлжалланган замонавий ҳамда ўта юқори сифатли жаккард машинасини ишлаб чиқармоқда.

“Цанс” (Германия) фирмаси икки күтаримли 1344 та илгакли, майда тешикли жаккард машинасини, “Гросс” (Германия) фирмаси эса нақшларни электрон узатувчи ва бошқариш системаси электромагнитли бўлган (махсус ишланган магнитли кассета-диск илгакларни тўғри кўтарилишини бошқаради) жаккард машинасини, Франциянинг “Staubli-Berdol” фирмаси эса очиқ хомуза ҳосил қилувчи СК 520 моделли (тезлиги 450 мин<sup>-1</sup>гача) жаккард машиналарини (2.13-расм) ишлаб чиқармоқда ва улар дунё тўқимачилик саноати корхоналарида кенг фойдаланилмоқда.



**2.13-расм Staubli фирмасининг CX 870 жаккард машинаси**


2.14-расмда икки кўтаримли Staubli жаккард машинасининг бошқариш механизми келтирилган.



**2.14-расм. Икки кўтаримли Staubli жаккард машинасининг бошқариш механизми**


- а)-бошқариш механизмини ишлаш ҳолатлари;
  - б- бошқариш механизмини умумий технологик чизмаси.
- 1-роликлар, 2,4- шнур, 3-кўзча, 5,5ъ-юқориги илгак, 6,6ъ-пастки илгак, 7,8-пичоқ, 9,9ъ-илмоқ, 10,10ъ-электромагнит, 11,11ъ-пружина, 12-эластик резина, 13, 13ъ-контакт.

Машинани вазифаси танда илларини күтариб-тушириш ҳисобига хомуза ҳосил қилишдир. Шунингдек танда илларини белгиланган тартиб бўйича күтариб-тушириш билан эса керакли ўрилиш тури ҳосил қилинади. Электрон жаккард машиналарида керакли ўрилиш тури дастур бўйича бошқарилиб, ҳар бир ўрилиш учун алохида дастур тузилади. Механизмда асосий элемент электромагнит 10, 10ъ бўлиб, унга ўрилиш бўйича керакли сигнал берилади. Электромагнитларга тўқима ўрилиши бўйича керакли қопламаларни (танда ёки арқоқ) ҳосил қилиш бўйича сигнал келгач, улар контактларни 13, 13ъ тортиб, илмоқларни юқориги илгаклар 5, 5ъ йўлига тўғрилаб қўяди. Илгаклар 5, 5ъ пичноқлар 7, 8 ёрдамида тик йўналишда харакат қилишади. Агар электромагнитга ток берилса, у контактни тортади ва илмоқ илгак йўлини бўшатиб, уни юқорига ўтказиб юборади, иккинчи пичноқ харакатида илмоқقا илгак илиниб қолади ва танда ипи кўтарилади ва юқори хомуза ҳосил қилинади. Юқорида келтирилган барча деталлар (14-расм) машинада модулига (2.15-расм) жойлаштирилган бўлади ва унга аркат шнурлари уланади.




### **2.15-расм. Жаккард машинасининг модули**

2.16-расмда Жаккард машинасида модулларни жойланиши (уланиши) кўрсатилган. Модуллар сони машина қувватига боғлиқ бўлиб, улар тез ва осон алмаштирилади.




**2.16-расм. Жаккард машинасида модулларни жойланиши**

2.17-расмда жаккард машинасининг тақсимловчи тахтачалари кўрастилган. Тахталар жаккард машинасининг қадамига қараб ҳар хил бўлади.



**2.17-расм. Жаккард машинасининг тақсимловчи тахтаси**

Жаккард машиналарини турига, тўқилаётган тўқима ўрилишига қараб, аркат шнурлари 2000-38000 тагача бўлиши мумкин. Илгаклар эса 72-14336 тагача ўрнатилиши мумкин. 2.18-расмда жаккард машиналарида фойдаланиладиган гулаларни турлари кўрсатилган. Гулалар танда ипини чизиқли зичлиги, уларни сони каби омилларга қараб танланади.



**2.18-расм. Гулалар турлари**

Замонавий жаккард машиналарида танда ипларини пастга тушириш учун уч хил элементлардан фойдаланилади:


- юклар;
- эластик шнурлар;
- пружиналар (хар хил күчлар учун). 2.19-расмда танда ипларини пастга тушириш элементлари күрсатилған.



**2.19-расм. Танда ипларини пастга тушириш элементлари**

Танда ипларини пастга тортиш кучи түқимани танда бүйича зичлиги, таранглик кучи, дастгох тезлиги каби омилларга боғлиқ бўлади ва уларга қараб танланади.

Жаккард машиналарида ишлаб чиқариладиган түқимани ўрилиши асосида картон тайёрланади. Картон тайёрлаш учун маҳсус картон тайёрлаш машиналаридан фойдаланилади. Қуйида картон тайёрлаш босқичлари күрсатилған (2.20-расм).



**2.20-расм. Картон тайёрлаш босқичлари ва машинаси**

Электрон бошқарувли жаккард машиналарида түқимани ўрилиши компьютер ёрдамида тайёрланади. Жаккард машинасини турига қараб турли дастурлардан фойдаланилади. Ҳозирда автоматик лойиҳалаш тизими (АЛТ) кенг қўлланилмоқда (2.21-расм).



**2.21- расм. Автоматик лойиҳалаш тизими**

Автоматик лойиҳалаш тизими лойиҳаланаётан түқимани компьютер ёрдамида имитация қилиш (Моделлаштириш), түқимани аввалдан кўриш, текшириш, хатоларини тўғрилаш каби амалларни бажариш имкониятини беради. Бунинг учун жаккард машинаси ва тўқув дастгохи турига қараб, махсус дастур (CAD/JWin, JacqCADmaster, Weave, ArahPaint ва х.к.з) билан таъминланади.

Лойиҳаланаётан түқимани компьютер ёрдамида имитация қилиш қуидаги афзаликларни беради:

- тўқимани дастгоҳда тўқихдан олдин кўриш мумкин;
- тўқима тузилиши, ипларни чизиқли зичлиги ва тури каби турли кўрсатгичларни дарҳол ўзгартириш мумкин;
- тўқимани имитацион кўринишини қофозга тушириб, харидорга маъқуллаш учун жўнатиш мумкин;
- амалдаги тўқувчиликка хос эмас;
- моделлаштирилган тўқима нақшини сақлаб қуиши мумкин.

Замонавий электрон бошқарувли жаккард машиналари механик машиналарга нисбатан бир неча афзаликларга эга.

- қўлланиши- мокисиз тўқув дастгохларида;
- тезлиги юқори;
- нақш турини тез ва осон ўзгартириш;
- нақшни тузатиш (корректировка) қилиш имконияти мавжуд;
- машина хотирасида кўплаб нақшларни сақлаш имконияти мавжуд;
- машина қуввати – 15000 игнагача (максимум).

Замонавий жаккард машиналари нисбатан қиммат. Хозирда дунё тўкувчилигида Staubli, Bonas, Muller, Fimtextile, VanDeVille, Витек, Текстима каби жаккард машиналари кенг қўламда ишлатилмоқда. 2.5-жадвалда қўлда ва автоматик лойиҳалаш тизими орқали тўқима нақшини тайёрлашдаги қиёсий тавсифи келтирилган.

2.5-жадвал

#### Лойиҳалаш тизимларини қиёсий тавсифи

ҚЎЛДА (Традицион)	АЛТ (САПР)
<p>Малакали ишчи кучи талаб этилади.</p> <p>Кам маблағ сарфланади.</p> <p>Кўп вақт талаб этилади.</p> <p>Тайёрланган нақш хатосини тўғрилаб бўлмайди.</p> <p>Тайёр нақшни саклаш қийин ва кўп жой олади.</p> <p>Кўп хато бўлиш эхтимоли бор.</p> <p>Нақш эффиқти тўкувчилик жараёнидан кейингина билинади.</p>	<p>Малакали ишчи кучи талаб этилмайди.</p> <p>Кўп маблағ сарфланади .</p> <p>Кўп вақт талаб этилмайди.</p> <p>Тайёрлананаётган нақш хатосини жойида тўғрилаш мумкин .</p> <p>Тайёр нақшни саклаш осон ва кўп жой олмайди.</p> <p>Хато бўлмайди .</p> <p>7. Нақш эффиқти тўкувчилик жараёнидан олдин билинади(моделлаштириш хисобига).</p>

#### 2.4.Кўп хомузали тўқув дастгоҳлари

Кўп хомузали тўқув дастгоҳлари тўкувчилик технологиясидаги илмий техникавий ютуқларнинг натижаларидан бири хисобланади. Хозирда кўп хомузали тўқув дастгоҳлари ишлаб чиқариш синовларидан ўтмоқда. Дастгоҳ жуда юқори унумдорликка эга бўлиб, эксплуатацион сарф-харажатлари юқори, хизмат кўрсатувчи персоналлар камлиги билан ажralиб туради. Хозирча дастгоҳда фақат полотно ўрилишидаги оддий тўқималар ишлаб чиқарилмоқда. Sulzer Textil компанияси кўп хомузали тўқув дастгоҳлари ишлаб чиқаришда ягона ишлаб чиқарувчи хисобланади.


Мокили тўқув дастгоҳлари тўқув дастгоҳларининг биринчи авлоди хисобланади. Мокили тўқув дастгоҳлари ҳам бир неча этапларда ривожлана борди, яъни қўл дастгохи, механик дастгохи ва автоматик тўқув дастгоҳлари яратилиб борилди. Қўл дастгоҳида барча технологик амаллар қўлда бажарилган, фақат хомуза ҳосил қилиш оёқ ёрдамида бажарилган.Механик тўқув дастгоҳларида арқоқ туфтаги қўлда алмаштирилган бўлса, автоматик дастгоҳлар яратилгандан сўнг асосий технологик амаллар автоматик равишда бажарила борилди.

Ишлаб чиқариш унумдорлиги нормасини чегаралангандиги мокили дастгоҳларни ўрнини мокисиз дастгоҳлар эгаллай бошлади. Мокисиз тўқув дастгоҳлари иккинчи авлод дастгоҳлари хисобланади. Эндиликда иккинчи авлод дастгоҳлари митти мокили, пневматик , рапириали, гидравлик тўқув дастгоҳларида арқоқ ташлаш тезлиги ўзининг

турғунлик нүқтаси бўлган 2000 м/мин атрофига етди. Тезликда янада кўпроқ ошира олмасликнинг асосий сабаби иккинчи авлод дастгохларининг барчаси бир фазали эканлигидадир. Маълумки тўқима ҳосил бўлиш жараёнида дастгохнинг бир ишчи циклида бир марта ҳомузга ҳосил бўлади, бир марта арқоқ ипи ташланади ва бир марта жипслаштириш жараёни амалга оширилади. Ҳар бир жараён амалга ошгунга қадар бошқа тенологик жараёнлар турғунлик даврида (тўхтаб туради) бўлади, шунинг учун ҳам бу дастгохлар бир фазали дейилади. Бир фазали дастгохларда (мокили ва мокисиз дастгохларда) ҳомузга ҳосил қилиш ва арқоқ ипини ташлаш учун нисбатан катта массали механизмнинг харакатланиши туфайли дастгоҳда титраш пайдо бўлади ва бу эса ипларни ортиқча зўриқишига олиб келади, баъзи ҳолларда эса физиковий жиҳатдан чегараланган бўлади. Арқоқ ташлаш жараёнидаги ипга бериладиган кескин тезланиш ва сўнгра уни тормозлаб тўхтатиш жараёнларида арқоқ ипига катта чи таъсир этади. Арқоқ ташлаш тезлиги қарайиб 70 м/с (250 км/с) ни ташкил этиши арқоқ ташловчи (митти моки, рапира, ҳаво ёки сув босими) элементларни ҳам тормозлаб тўхтатиш учун катта куч сарфланади ва бу ўз ўрнида тезликни янада ошириш имкониятини чегаралаб қўяди.

Тўқима ишлаб чиқариш унумдорлигини янада ошириш янги технологияларни талаб этиб, кўпфазали тўқув дастгохларини яратишни тақоза қилди. Кўпфазали тўқув дастгохларида дастгохнинг ишчи циклида бир неча ҳомузга ҳосил қилиниб, бир неча арқоқ ипи бир вақтда ҳомузага ташланади (2.22-расм). Кўпфазали тўқув дастгохларида бир неча ҳомузга бир вақтда ҳосил бўлганлиги сабабли уларни **кўп ҳомузали тўқув дастгохлари** ҳам деб аталади.

Кўпфазали тўқув дастгохларини ишлаш принципи бир фазали тўқув дастгохларидан тубдан фарқ қиласи, чунки бир фазали дастгохларда тўқима ҳосил бўлишидаги 5ta жараён кетма-кет бажарилади (2.22a-расм). Шунинг учун кўпфазали тўқув дастгохларини тўқув дастгохларини учинчи авлоди дейиш мумкин.



**2.22-расм. Бир (а) ва кўп (б) фазали тўқув дастгохларида ҳомузга ҳосил қилиш принципи**

## **Кўп фазали тўқув дастгохлари**

Кўпфазали тўқув дастгохларида тўқима икки йўналишда ҳосил бўлади:

**1. Танда йўналиши бўйича.** Бунда хомузга ҳосил қилиш, арқоқ ташлаш ва жипслаштириш жараёнлари дастгох бўйламаси (танда ипи йўналиши) бўйича амалга оширилади.

**2. Арқоқ йўналиши бўйича.** Бунда хомузга ҳосил қилиш, арқоқ ташлаш ва жипслаштириш жараёнлари дастгохнинг кўндаланги (танда ипи йўналиши) бўйича амалга оширилади.

Кўп ҳомузали тўқув дастгохларида ҳомузага арқоқ ипи ичидаги эркин айланувчи ғалтакка ўрнатилган моки ёрдамида ташланади. Моки ичидаги ғалтакчага тўқима энига етарли бўлган битта арқоқ узунлигидаги ип ўралган бўлади. Моки ичидаги шунингдек, қўзғалувчан ва қўзғалмас қисқичлардан ташкил топган ип таранглагич ўрнатилган. Бир неча арқоқ ташловчилар бирин-кетин тиф йўналтирувчиси орқали тўқима энига етарли бўлган битта арқоқ узунлигидаги ипни бир вақтда ҳомузага ташлайди. Арқоқ ипи арқоқ ташлагичга доимий равишда битта арқоқ узунлигига ўраб борилади. Арқоқ ташлагичларни тезлиги ва сони ақоқ ташлаш нормасидан келиб чиқиб аниқланади. Ҳар бир арқоқ ташлагич маълум масофадан ўтгандан сўнг, ўша жой маҳсус тиф ёрдамида жипслаштирилади ва кейингиси учун яна ҳомузга очилиб, арқоқ ташланиб, жараён узлуксиз давом этаверади.

## **Sulzer Textil M8300 кўп фазали тўқув дастгохи**

Охирги ўн йил ичидаги Sulzer Textil компанияси янги кўп фазали тўқув дастгохини ривожлантира бориб, M8300 кўп фазали тўқув дастгохини яратди. M8300 кўп фазали тўқув дастгохидаги ҳаво ёрдамида 4 та арқоқ ипи ҳомузага бирданига ташланади. M8300 кўп фазали тўқув дастгохидаги арқоқ ташлаш тезлиги 5000 м/миндан юқори бўлиб, бир фазали пневматик тўқув дастгохларидаги 2000 м/минга нисбатан анчагина юқоридир (2.6-жадвал).

2.6-жадвал

Турли хил арқоқ ташлаш усуулларида арқоқ ташлаш тезлиги

Арқоқ ташлаш тури	Арқоқ ташлаш тезлиги, м/мин
Мокили	150-200
Мокили (юқори тезликли)	350-500
Митти мокили	700-1500
Рапириали	700-1400
Пневматик	1500-2000
Кўп фазали	2500-5000

Парижда ўтказилган ХТМКда (ITMA-99) SulzerTextil компанияси M8300 кўп фазали тўқув дастгохи тезлиги 3230 айл/мин, арқоқ ташлаш

тезлиги эса 6088 м/мин билан ишлашини кўргазмада намойиш этган. Дастрохни саноатдаги ишлаш тезлиги 2800 айл/мин.

Бир фазали тўқув дастрохларини ичида пневматик тўқув дастрохларини тезлиги энг юқориси ҳисобланади. Хозирги кунгача пневматик тўқув дастрохларини тезлигини ошириш устида кўплаб ишланмоқда. Бугунги кунда бир фазали пневматик тўқув дастрохида эни 190 см бўлган оддий тўқимадан бир соатда 23 метр ишлаб чиқаради. M8300 кўп фазали тўқув дастрохидаги тўқима ишлаб чиқариш технологияси хар қандай бир фазали тўқув дастрохларидан, шунингдек пневматик тўқув дастрохлари билан солиштирганда ҳам юқори кўрсатгичларга эгадир. M8300 кўп фазали тўқув дастрохида эни 190 см бўлган оддий тўқимадан бир соатда 69 метр ишлаб чиқаради. Узлуксиз арқоқ ташлашда тезликни 20-25 м/с (72-90 км/соат) атрофида бўлиши, ипларни кучланишини анча камайтиради. Замонавий бир фазали тўқув дастрохларида ҳалигача илгариланма-қайтма харакатланувчи механизмларидан фойдаланишга тўлиқ барҳам берилмаган. M8300 кўп фазали тўқув дастрохини ютуқларидан бири дастрох қисмларини барчаси айланма харакатланувчи механизмлардан ташкил топганлиги натижасида дастрох унумдорлигининг юқорилигидир.


M8300 кўп фазали тўқув дастрохида дунё бўйича 65%гача бўлган стандарт тўқималар ишлаб чиқарилмоқда. M8300 кўп фазали тўқув дастрохи технологияси билан тўқима ишлаб чиқариш жараёнида арқоқ ипини йўқотиш ва тўқимада юзасида пайдо бўладиган айрим нуқсонларни бўлиши бартараф этилган. 2.23-расмда M8300 кўп фазали тўқув дастрохи кўрсатилган.




**2.23-расм.SulzerRutiM8300 кўп фазали тўқув дастрохи**

M8300 кўп фазали тўқув дастрохида хомуза кўпзвеноли схема принципида ҳосил қилинади. Хомуза ҳосил қилувчи элементлар танда ипларини юқорига ажратиб юқориги хомузани ҳосил қиласи. Эгри шакли

ва айланма харакатланадиган барабанга (ротор) хомузда ҳосил қилувчи элементлар ўрнатилган бўлиб, улар хомузда ҳосил қиласди (2.24-расм). Бир неча хомузда танда ипи йўналишида бирин-кетин параллел равишда тўқимани эни бўйича очилиб, ҳар бирига бир вақтда арқоқ ипи ташланади. 4та арқоқ ипи 1250 м/мин тезлик билан бир вақтда хомузага ташланади, умумий арқоқ ташлаш тезлиги 5000 м/мин ни ташкил этади.




**2.24-расм. Тўқима шакллантирувчи барабан дискининг жипслаштирувчи ва хомузда ҳосил қилувчи элементлари**



**2.25-расм. Тўқима шакллантирувчи барабан**

1-хомузда ҳосил қилувчи элемент, 2- жипслаштирувчи гребенка, 3-арқоқ ташлаш канали, 4-танда йўналтирувчи, 5-юқори хомузда учун танда ипи, 6-пастки хомузда учун танда ипи.

Тўқима шакллантирувчи барабан икки хил дискдан: жипслаштирувчи ва хомузда ҳосил қилувчи ва арқоқ ташлаш канали бор элементлардан ташкил топган(2.24-расм). Дисклар навбатма-навбат маълум масофада умумий валга ўрнатилиб чиқиласди (2.25-расм).



## 2.26-расм. Пневматик арқоқ ташлаш элементини күрениши

1-Арқоқ бобиналари, 2-арқоқ ипини ўлчаш механизми, 3-арқоқ назоратчиси, 4-тўқима шакллантирувчи барабан.

Тўқима шакллантирувчи барабандаги кўйидаги элементлар мавжуд:

- хомузга ҳосил қилувчи элемент;
- жипслаштирувчи гребенка;
- арқоқ ташлаш канали;
- танда йўналтирувчи;
- юқори хомузга учун танда ипи;
- пастки хомузга учун танда ипи.

Тўқув ғалтаги ва тўқима шакллантирувчи барабан орасига 2 тадан 4 тагача бўлган ажратуви чивиқлар (пруток) ўрнатилган бўлиб, улардаги тешикчалардан барча танда иплари ўтказилади (2.26-расм). Чивиқлар сони тўқима ўрилишини раппортига боғлиқ равишда ўрнатилади. Агар тўқима полотно ўрилишида бўлса, у ҳолда 2 та чивиқ ўрнатилиб танда иплари навбатма-навбат 1-чи ва 2-чи чивиқлардан ўтказилади. Агар ўрилиш тури саржа 2/1 бўлса-3та чивиқ, саржа 3/1 бўлса-4та чивиқ ўрнатилади. Чивиқлар танда иплари йўналишига кўндаланг ўрнатилади ва илгариланма-қайтма харакатланади. Агар чивиқлар ўнг томонга силжиса, ундан ўтказилган танда иплари ҳам бирга ўша томонга силжийди ва тўқима шакллантирувчи барабан соат стрелкасига қарши томонга айланиши натижасида танда ипларини хомузга ҳосил қилувчи элементни 1 (26-расм) қабариқ қисми илиб олади ва харакат давомида хомузани юқориги қисми ҳосил бўлади. Агар танда чивифи чап томонга силжиса, унда хомузга ҳосил қилувчи элементни 1 (26-расм) қабариқ қисми танда ипини илиб олмайди ва харакат давомида хомузани пастки қисми ҳосил бўлади. Арқоқ иплари ҳаво пуркагич ёрдамида хомузга ҳосил қилувчи элементни қабариқ қисмида жойлашган каналга 3 (26-расм) ташланади. Тўқима шакллантирувчи барабан харакати давомида арқоқ ипини жипслаштирувчи элемент ёрдамида тўқима четига жипслаштирилади ва

шунинг билан тўқимани битта элементи ҳосил бўлади. Юқоридаги жараён битта арқоқ ипини ташлаш кетма-кетлиги ёритилди. Дастироҳда бирданига 4 та арқоқ или бир вақтда хомузага ташланади ва жараён узлуксиз давом этади.

Куйида M8300 кўп фазали тўкув дастироҳини асосий техник характеристикаси келтирилган.

## 2.7-жадвал

M8300 кўп фазали тўкув дастироҳини асосий техник характеристикаси

№	Кўрсатгичлар	Бирлик	Миқдор
1	Арқоқ ташлаш тезлиги	м/мин	5400 гача
		айл/мин	2800
2	Компрессордаги ҳаво босими	бар	3
3	Дастироҳ эни	см	190
4	Танда бўйича зичлик	ип/см	32 гача
5	Арқоқ бўйича зичлик	Танда зичлигига мос равища	
6	Ипни қайта ишлаш имконияти	Не	10-40
7	Тўқима милки		Стандарт ўрамали
8	Тўкув ғалтагини алмаштириш вақти	мин	45
9	Тўкув ғалтаги гардиш диаметри	мм	1600
10	Тўқимани ўраш диаметри	мм	2000

Куйида пневматик (Р7100) ва M8300 кўп фазали тўкув дастироҳлари томонидан ишлаб чиқарилган тўқимани қиёсий тавсифи келтирилган (2.8-жадвал). Жадвал таҳлили шуни кўрсатадики, бир фазали ва ва қўп фазали тўкув дастироҳлари томонидан ишлаб чиқарилган тўқимани хусусиятлари бири-бирига яқин, бир хил деб ҳисоблаш мумкин. Бундан кўп фазали кўп фазали тўкув дастироҳларида тўқима ҳосил принципи истиқболли йўналиш эканлигини кўрсатади.

Кўп фазали тўкув дастироҳларини **афзалликлари**:

- тўқима ишлаб чиқариш нархини 30-40 % га камайтириш;
- бир фазали тўкув дастироҳларига нисбатан унумдорликни 3-4 марта юқорилиги;
- 30-40% энергияни кам сарф этиши;
- бир фазали пневматик тўкув дастироҳига нисбатан 60 % га кам майдон эгаллаши;
- бир фазали тўкув дастироҳларига нисбатан шовқин даражасини камлиги, 10 db атрофида эканлиги;
- майдн бирлигига тўғри келадиган тўқима миқдорини кўплиги;
- арқоқ или тезлигини 2-3 баробар камлиги;
- дастироҳ механизмларига тушадиган динамик қучланишни камлиги (айланма харакат туфайли);

## Түкима күрсатгичлари

Синов күрсатгичлари	Йұналиш	Дастгох тури	
		P7100	M8300
Узилиш кучи, (N)	Танда	320	317
	Арқоқ	264	268
Узилишдаги чүзилиш, (%)	Танда	10.3	9.7
	Арқоқ	22.2	22.3
Узилишдаги қаршилик	Танда	9.9	10.7
	Арқоқ	6.4	8.0
Чокдан узилиш кучи (N)	Танда	113	118
	Арқоқ	101	80
Ювишдаги киришиши,(%)	Танда	-1.0	-1.5
	Арқоқ	-1.2	-0.8

**Камчиликлари:**

- ассортимент имкониятини камлиги;
- танда или узуқларини бартараф этишдеги нокулайликлар.

Танда или узуқларини камайтириш мақсадида күп фазали түқув дастгохларини ишлаб чиқарувчилари томонидан дастгох үрнатилаёттан фабрикаларга замонавий тайёрлов бўлими ускуналарини (тандалаш, охорлаш машиналари) үрнатиш тавсия этилади. Охорлаш машинаси түқув ғалтагини гардиш диаметри 1600 мм бўлган ғалтакка ўраш имконитига эга бўлиши керак<sup>1</sup>.

**Бошқа турдаги кўп фазали түқув дастгохлари**

Биринчи кўп фазали түқув дастгохи 1926 йилда Карл Муттер (KarlMutter) томонидан яратилган бўлиб, уни саноат даражасида синовдан ўтказгунча 30 йил вақт сарфланган. Ясси кўп фазали түқув дастгохлари пайдо бўлмасидан 25 йил олдин айланна кўп фазали түқув дастгохлари пайдо бўлган.

1971 йили Парижда ўтказилган ҲТМҚда (ITMA-71) Рюти (Ruti) компанияси биринчи марта кўп фазали түқув дастгохини намойиш этган. 1960 йиллардан бошлиб Czechs кўп фазали түқув дастгохлари устида ишлаб, ўзининг "Контис" кўп фазали түқув дастгохини 1975 йили Милан (Италия) шахрида ўтказилган ITMA-75 кўргазмасида, аввалроқ эса ITMA-72 (собиқ Ленинград шахри), ATME-73 (Greenville) кўргазмаларида намойиш этган. Хозиргача кўп фазали түқув дастгохларида түкима ҳосил

<sup>1</sup>Sabit Adanur. Handbuk of weaving. Boca Raton London New York Washivgton/ D.C. 2001 (295 pg)

бўлиш принципини икки хил йўналиш бўйича ривожлантириб, такомиллаштирилиб борилмоқда:

1. Арқоқ йўналиши бўйича хомуза шакллантириш;
- б) танда йўналиши бўйича хомуза шакллантириш.

Бу машиналарда бир неча ҳомузага бир вақтда бир неча арқоқ иплари кетма-кет бирданига ташланади (2.27-расм).



**2.27-расм. Арқоқ йўналишида кўп ҳомузани ҳосил қилиш**

Ҳомузалар кетма-кет тўлқинсимон шаклида ҳосил бўлиб, ҳар бир ҳомузани ичида арқоқ ташлагич харакатланади. Арқоқ ташлагич ҳар бир ҳомузадан ичидан ўтгандан сўнг, ҳомуза кейинги арқоқ учун яна очилади. Натижада тўқима эни бўйича бир неча ҳомуза ҳосил бўлади ва бир неча арқоқ ташлагич (бта) ҳар хил арқоқ ипларини ҳомузага ташлайди. Бундай ҳомуза ҳосил бўлишини тўлқинсимон ҳомуза ҳосил бўлиши принципи дейилади. Кўп ҳомузали дастгохлар икки турга бўлинади:

- 1. Ясси кўп ҳомузали тўқув дастгохлари.**
- 2. Айланали кўп ҳомузали тўқув дастгохлари.**

Кўп ҳомузали тўқув дастгохларида арқоқ ташлашнинг янги турини кўллш ҳисобига арқоқ ташлаш тезлиги камаяди ва натижада ип таранглиги кам ва доимий бўлиб, ингичка иплардан ҳам фойдаланиш миқониятини беради. Ҳомуза баландлиги кичик бўлганлиги ҳисобига танда ипи таранглиги ҳам кам бўлади ва жисплаништириш учун маҳсус тиф ишлатилмайди.

Арқоқипиайланувчитифёрдамидатўқимачетигажислаштирилади (2.28-расм).




**2.28-расм. Айланабжислаштирувчи дисклитиф**

### **Айланатўқувдастгохлари**

Айланатўқувдастгохларитўқимачиликишилабчиқаришидақўпқўллан илмайди. Бунингасосий сабабидастгохнингэниваайримкўрсатгичларини ўзг

артиришимкониятини чекланган лигидадир. Бұдастгохларда фақатайланава трубка симон түкималари шлабчикрилади (2.29-расмлар).



### 2.29-расм. Айланы түкүв дастгохлари

Айланы түкүв дастгохларида танда иплари айланы бүйлаб жойлашиб, дастгох айланаси бүйичаттүлкінсім он хомузға ҳосил қилинади ва моки түлкінсім он хомузага арқоқ ипини таштайтын. Айланы ёки трубка симон түкималар ұар хил диаметрларда ишлаб чиқарылып, түкималарда милк бўлмайди, яъни чоксиз бўлади.

Айланы түкүв дастгохлари бир фазали ва кўп фазали түкүв дастгохларидан фарқ қиласи. Дастгох айланаси бүйлаб ҳосил қилинаётган хомузға ичига узлуксиз равишда маҳсус моки ёрдамида арқоқ ипни ташланади. Мокилар механикавий ёки электромагнит ёрдамида харакатга келтирилади. Мокиларни механикавий харакатлантиришни бир неча турлари мавжуд. Электромагнитли усулда эса харакатлантирувчи элемент ва моки орасида механикавий боғланиш бўлмайди. Электромагнитли харакатлантирувчи усулни икки тури мавжуд:

- 1) моки электромагнит майдони ҳисобига харакатга келтирилади;
- 2) моки айланувчи электромагнит тутқици ёрдамида танда иплари орқали ҳосил қилинган хомузага ташланади.

Айлана тўқув дастгохларида ҳар бир моки ўзининг хомузаси ичида харакатланади. Бунинг учун дастгоҳда танда ипилари бир неча сигментларга (бўлимларга) бўлинади ва кичик шодалар гулаларидан ёки маҳсус чивиқлардан ўтказилади. Кулачок ёрдамида кичик шодалар ёки маҳсус чивиқлар харакати бошқарилади. Одатда дастгоҳда фақат полотно ёки саржа ўрилишидаги тўқималар ишлаб чиқарилади. Мокилар бир нечта бўлиб, мокидаги ип тугагандан сўнг захира мокига автомматик тарзда алмаштирилади. Жипслаштирувчи механизм игнали ғилдирак ёки тебранувчи чивиқлардан иборат бўлади. Игнали ғилдирак моки орқасидан харакатланиб, ташланган арқоипини жипслаштириб боради. Чивиқлар эса ҳар бир моки хомузадан ўтгандан сўнг, ўша масофадаги арқоқ ипини жипслаштиради<sup>1</sup>.

#### **Назорат саволлари:**

1. Ўзбекистонда тўқимачилик саноатининг ривожланиши.
2. Тўқувчилик ишлаб чиқариш турлари.
3. Тандалаш турлари.
4. Тандалаш ромлари уларнинг тавсифлари
5. Бенингер ( Швецария) фирмасини ранглаш-охорлаш агрегати унингтахлии

#### **Фойдаланилган адабиётлар:**

1. Sabit Adanur. Handbuk of weaving. Boca RatonLondonNew York Washivgton/ D.C. 2001
2. Tünde Kirstein. Multidisciplinary Know-How for Smart-Textiles Developers. Elsevier, Swetherland, 2013
3. C. Lawrence. High Performance Textiles and Their Applications. Elsevier, England, 2014

---

<sup>1</sup>Sabit Adanur. Handbuk of weaving. Boca Raton London New York Washivgton/ D.C. 2001 (304 pg)

### **3- мавзу: Түқимачилик материалларини кимёвий пардозлаш технологияси.**

Режа:

- 3.1.Түқимачилик материалларини пардозлашга тайёрлаш.
- 3.2.Түқимачилик материалларини бўяш.

**Таянч иборалар:** пардозлаш, тўқувчилик, тўқима, мато, трикотаж, тук, тук куйдириши, нуқсон, охор, ювиши, деструкция, оқартириши, мерсерлаши, шиқор, яримузлуксиз бўяши, шимдириши, кубоген

#### **3.1.Түқимачилик материалларини пардозлашга тайёрлаш**

Туккуйдириш.Пардозлаш фабрикасига тўқувчилик корхонасидан келаётган мато ва трикотаж юзасида хамда арқоқ ва танда иплари орасида тўқимага қўшилмай қолган тукчалар, узилган ипчалар, тугунчалар бўлади. Буларни мато юзасида бўлиши, бўяш ва гул босиш жараёнида турли туман нуқсонларни пайдо бўлишига олиб келади. Йозага келиши мумкин бўлган нуқсонларни олдини олиш мақсадида матолар тук куйдириш жараёнидан ўтказилади. Докали, пахмохланган ва тукли матолардан ташқари барча ип газламалар тук куйдириш жараёнидан ўтказилади. Мато тук куйдириш жараёнидан ўтказилмагандан бўялган мато юзасида чиқиб қолган толачалар турлича нур қайтарганиклари сабабли ялтироқ бўлиб кўринади, ундан ташқари гул босиш жараёнида мато юзасидан майда толачалар узилиб чиқиб, уларни ракля ва гул босиш валлари орасига тушиб қолиши натижасида гул босилган мато юзасида нуқсон ҳосил бўлади<sup>1</sup>.

Корхоналарда УГО-240, «Бобкок», «Бенингер» фирмаларининг тук куйдириш жихозлари хам ишламоқда. Тук куйдиришда мато айнан газ алангасидан ўтмайди, балки қизиган керамик юзадан ИҚ нурланиш таъсирида мато юзасидаги майда толачалар куяди. Бу жихозларда материални икки томонлама куйдириш мумкин. Тук куйдириш жихозлари қуидаги қисмлардан тузилган:


1. Мато йўналтирувчи
2. Майда тукчалардан тозалаш камераси
3. Тук куйдириш камераси
4. Чўт сўндириш ваннаси

Охордан тозалаш. Мато юзасида охорни бўлиши, матони қаттиқ бўлишига ва уни турли кимёвий модда эритмалари билан ишлов бериш

<sup>1</sup>The Secretary, Central Board of Secondary Education, Shiksha Kendra, Community Centre, Preet Vihar, “Textile Chemical Processing” Students Handbook + Practical Manual. FIRST EDITION : 2014 © CBSE, India. PRINTED BY : Phone: 25938138, 25414260Dee Kay Printers 5/37A Kirti Nagar Indl. Area, NewDelhi – 110015

жараёнини қийинлаштиради. Матони охордан тозалаш жараёнида газлама түқувчиликда ипларга пишиқлигини ошириш учун қўлланган охордан ташқари, пахта таркибидаги сувда эрийдиган йўлдош моддалардан хам тозаланади. Агар охор сувда эрувчан бўлса, у холда матони иссиқ сувда ювиб охордан тозалаш мумкин. Бунда охор олдин бўқади ва ювиш жараёнида мато таркибидан чиқиб кетади. Охор таркибида сувда эримайдиган моддалар бўлса (масалан, крахмал) у холда олдин шу моддаларни парчалаб, уларни сувда эрийдиган холатга ўтказиш керак. Бунда баъзи целлюлоза йўлдошлари хам эрийди.

Крахмални матодан чиқариш уни сувда эрувчан куйимолекуляр қандларгача парчалаш талаб қилиниши билан мураккаблашади. Крахмал иккита полисахарид – амилоза ва амилопектинлардан ташкил топган бўлиб, у  $\alpha$ -глюкозид боғларини узилиши бўйича парчаланади.



Крахмалдаги  $\alpha$ -глюкозид боғни гидролизланиши целлюлозадаги  $\beta$ -глюкозид боғни гидролизланишига нисбатан осон бўлганлиги сабабли охорсизлантириш жараёни омиллари – ҳарорат, кимёвий реагентлар табиати, мухит, давомийлик ва реагентлар концентрацияларини бошқариш орқали целлюлозага таъсир этмаган ҳолда крахмални парчалаш имконияти пайдо бўлади.

Охордан тозалашда кислота, ишқор, оксидловчи ва ферментлардан фойдаланилади, шунингдек бу мақсадда иссиқ сув билан ишлов бериб, матони 12-24 соат давомида сақлаш усули хам қўлланилади.

Кислота ва ишқорлар билан охордан тозалаш:  $H_2SO_4$ -2-3 г/л ёки  $NaOH$ -3-5 г/л, т<sub>к</sub>8-12 соат, Т<sub>к</sub>30-40°C да матога ишлов бериш, сўнг ювиш. Сақлаш вақти мато қалинлигига, охор микдорига ва охорлаш усулига боғлиқ. Охорсизлантиришда кислота ва оксидловчиларни қўллаш нафакт охорни парчалashi, балки целлюлозага хам таъсир этиб, мато мустахкамлигини пасайтириши мумкин. Шунинг учун бу реагентлар билан ишлашда технологик тартибга қатъий риоя қилиш талаб қилинади.

Охорсизлантиришни узлуксиз усулларда олиб бориши 2 йўналишда амалга оширилади:

1. Термабардош ферментларни қўллаш. Бундай жараёнда мато яхши сақланади, жараённи нейтрал шароитда олиб бориш талаб қилинади. Ферментли тайёрлашда матодан 60-70% охор чиқарилади. Бактерицид моддалар сифатида панкератин ва биолазани қўллаш орқали крахмални парчалаб, целлюлозага умуман таъсир қилмаслик мумкин. Бактерицид (энзем) моддалар ўсимлик, жонивор ва микроорганизмлар ҳаёт фаолияти маҳсулот ҳисобланади. Панкератин жониворларни ошқозон ости безидан олинади, биолаза эса бактериал характердаги модда.

2. Охорсизлатиришда оксидловчилардан фойдаланиш - бу усулда хар қандай охор эрийди, қайнатиш ёки оқартириш (аралашма матолар учун) жараёнлари билан қўшиш мумкин, лекин матони деструкцияга учраш эҳтимоли юқори. Асосан  $H_2O_2$  (1-1,5 г/л), натрий гипохлорит ва бошқалардан фойдаланилади. Охорсизлантиришда матодан 90% охор ва целлюлозани баъзи табиий чиқиндилари чиқарилади ва бу оқартириш жараёнини осонлаштиради. Куйидаги жадвалда матони охорсизлантиришнинг бир неча усуллари келтирилган.

### 3.1-жадвал.

Ип газламаларни охорсизлантириш усуллари

Усуллар	Кислотали	Ферментли	
Эритма таркиби	Сульфат кислота 4-6 г/л	Панкератин 2 г/л NaCl 3 г/л	Биолаза 1 г/л
Ванна модули	50	50	50
Ишлов бериш ҳарорати, $^{\circ}\text{C}$	80	40	65-70
Ишлов бериш давомийлиги, мин	15-20	40	45
Ювиш, 10 мин давомида	Совуқ сув	Илиқ сув	Илиқ сув

Ярим узлуксиз ва узлуксиз усулларда матони охорсизлантириш учун уч турдаги  $\alpha$ -амилаза ишлаб чиқарилади:

- $20-30^{\circ}\text{C}$  ҳароратда юқори активликка эга (охорсизлантириш давомийлиги 4-12 соат);
- $60-70^{\circ}\text{C}$  ҳароратда юқори активликка эга (охорсизлантириш давомийлиги 4-6 соат);
- $96-100^{\circ}\text{C}$  ҳароратда юқори активликка эга (охорсизлантириш давомийлиги 1-60 мин).

Биринчи тип энземларни совуқ шимдириш-ўраш усулларида, иккинчи типини иссиқ шимдириш-роликли ва учинчи типдаги энземларни қайноқ шимдириш –буғлаш усулларида қўллаш мумкин.

Бактериал усул хам технологияси бўйича энг қулай усуллардан ҳисобланади. Мато иссиқ сувга шимдирилади ва 10-16 соат (айрим

холларда 24 соатгача) давомида сақланади. Матони нам ҳолда узок сақлаганда юзасида турли бактериялар пайдо бўлади, улар учун крахмал озуқа манбаи ҳисобланади. Бактериялар ферментлар ажратиб чиқаради, улар эса ўз навбатида крахмални гидролизлаб, сувда эрувчан ҳолга ўтказади. Маълум вақт сақланган мато ювилади, бу усулни ярим узлуксиз усул деб аташ мумкин, охорсизлантиришда матодан 60-70% охор чиқарилади<sup>1</sup>.


**Қайнатиш.** Охорсизлантирилган матода 20-25% охор ва сувда эримайдиган моддалар (мумсимон моддалар, пектин, оқсил моддалар) қолиб, улар мато гигроскоплиги ва ташқи кўринишини ёмонлаштиради. Тўқимачилик материалларини тез ва равон намланиши учун, уларга ишқорий ишлов бериш орқали, целлюлоза таркибидаги рангсиз табиий йўлдош моддалардан тозалаш жараёнига қайнатиш дейилади.

Қайнатиш жараёнида пахта целлюлозаси, йўлдош моддалардан тозаланиш билан бир қаторда, унинг надмолекуляр тузилишида хам ўзгариш рўй беради. Қайнатиш эритмаси таркиби ўювчи натрий ( $\text{NaOH}$ ), натрий бисульфит ( $\text{NaHSO}_3$ ), САМ, натрий силикат ( $\text{Na}_2\text{SiO}_3 \cdot n\text{H}_2\text{O}$ ) эритмаларидан иборат.

Қайнатиш жараёнининг биринчи босқичида тўқимачилик материали олдин бўқади, сўнг ишқорни ютади, кейинги босқичда эса ўювчи натрий билан йўлдош моддалар орасида кимёвий реакция бўлади. Қайнатиш эритмасининг асосий реагенти ўювчи ишқор, унинг концентрацияси жараён тартиб ва таркибига боғлиқ равиша 10-100 г/л атрофида бўлиши мумкин. Юқори ҳароратда ишқорий муҳитда пахта толаси ўта бўқади ва унинг ғовакларининг ўртacha ўлчами билан неча баробар ( $5 \cdot 10^{-10}$  м дан  $30 \cdot 10^{-10}$  м гача) катталашади. Бунда толанинг бирламчи деворлари қисман бузилади, микроғоваклар ҳосил бўлиб, йўлдош моддалар диффузиясини осонлаштиради. Ишқорий қайнатишда пектин моддалари гидролизланиб, сувда эрувчан холатга ўтади ва толадан тўлиқ чиқиб кетади. Азотли, яъни оқсил моддалар гидролизланиб аминокислоталар ҳосил бўлади ва улар ўз навбатида ўювчи натрий билан биришиб сувда эрувчан тузлар ҳосил қиласди. Минерал моддалар ювилиб кетади. Тахминан 40% мумсимон моддалар гидролизланиб, ёғ кислоталарининг натрийли тузларини ҳосил қиласди. Мумсимон моддаларнинг қолган қисми САМ ёрдамида матодан эмульгираш йўли билан чиқариб юборилади. Мумсимон моддалар пахта толаси юзасида маълум даражада бир текис жойлашган бўлади. Қайнатиш жараёни олиб борилаётган ҳароратда мумсимон моддалар толада юмшаган ҳолда бўлади. Бу моддалар тола юзасидан пленка кўринишида оқиб чиқиб кетмайди, аксинча толанинг маълум жойларида ёпишиб туради. Қайнатиш жараёнида сирт актив моддалар таъсирида юмшаган мумсимон моддалар аста-секинлик билан шарсифат микротомчи шаклига ўтиб, толада бир

<sup>1</sup>Ryszard M. Kozlowski “Handbook of natural fibres” Volume 2: Processing and applications. Woodhead Publishing Series in Textiles: Number 119. © Woodhead Publishing Limited, 2012


нуқтада ушланиб туради. Матони ювиш жараёнларида сирт актив модда молекулалари қуршовидаги (эмульгирланган) мумсимон моддаларнинг микротомчиси толадан узилиб чиқиб эритмага ўтади (1-расм).



3.1-расм. Қайнатиш жараёнида мумсимон моддаларни тола юзасидан САМ таъсирида чиқариш схемаси.

САМ лар толани намланишини, ҳамда эритмани тола таркибига киришини енгиллаштиради. Мумсимон моддалар ва бошқа йўлдош моддалар асосан толанинг бирламчи деворида жойлашган бўлиб, кимёвий реагентлар таъсирида улар гидролизланиб эритмага осон диффузияланади.

Қайнатиш жараёнида (ишқорий мухит, юқори температура) тола говакларидағи хаво кислороди целлюлозани оксидланишига олиб келиши мумкин. Буни олдини олиш учун эритмага кучсиз қайтарувчи  $\text{NaHSO}_3$  қўшилади. Натрий бисульфит кислород билан бирикib натрий бисульфат хосил қиласди.



Натрий силикат юқори хароратда гидролизланиб, юзаси юқори сорбцион хоссага эга бўлган кремний кислота ( $\text{H}_2\text{SiO}_3$ ) хосил қиласди. Бу юза қайнатиш эритмасидаги чиқиндиларни, ҳамда темир оксидалри (занг)ни шимиб олади ва уларни қайтадан мато юзасига ўтиришига йўл қўймайди.

Узлукли усулда тола, мато, калава ва трикотажни қайнатиш қозон, эжектор машиналари ва жиггерларда олиб борилади.

Қайнатиш жараёнини узлуксиз усулда олиб бориш. Узлуксиз қайнатишда қисқа вакт (60-120 мин) давомида узлукли усулдаги каби юқори капиллярликка эришиш талаб қилинади. Қайнатишнинг хар иккала усулларида хам ягона мақсадгага эришиш учун бир хил кимёвий ва физик-кимёвий жараёнлар борилишини инобатга олган ҳолда, қисқа вакт ичida борадиган узлуксиз усулларни бир қадар қаттиқ шароитларда олиб бориш мақсадгага мувофиқ ҳисобланади. Амалда кимёвий реагентларни юқори концентрацияда қўллаш орқали жараён амалга оширилади.

Ўз массасига нисбатан 100% қайнатиш шимдирилган мато  $101-103^{\circ}\text{C}$  ҳароратда мато юза зичлиги, қайнатиш эритмаси таркиби, матони ифлосланганлик даражасига боғлиқ равишда 2-120 мин давомида буғлатилади. Буғлатилган мато бир неча ваннада ювилади. Бунда тола таркибидаги чиқиндилар матодан ювилади. Қайнатиш эритмаси таркибидаги комплекс ҳосил қилувчилар эритма таркибидаги чиқиндилар билан бирикib, тола ва эритмадаги чиқиндилар миқдори мувозанатини

бузади, натижада толадаги чиқиндиларни эритмага ўтиши янада ортади. Бир босқичли усул асосан кам ифлосланган енгил ( $100\text{-}200 \text{ г/м}^2$ ) матолар учун қўлланилади. Айрим ҳолларда шимдириш ваннасида натрий бисульфит бўлмайди. Ишқор концентрацияси ва ишлов бериш давомийлигини қисқариш орқали матони яхши сақлананишига, ва энергетик ресурслардан унумли фойдаланишига эришилади. Узлуксиз усул учун турли фирмалар томонидан матони ёйик ва жгут ҳолатда, бир ва икки йўналишили жиҳоз-тизимлар таклиф этилган.

Яrim узлуксиз усулда қайнатиш жараёнини олиб боришда мато қайнатиш эритмасига шимдирилиб, хона ҳароратида (шимдириш-ўраш) ёки иссиқ камерада (шимдириш-роликли) 1-6 соат давомида сақланади, сўнгра узлуксиз усул каби ювилади. Барча усулларда қайнатиш жараёнидан сўнг албатта нейтраллаш (кислоталаш) жараёни олиб борилади. Кислоталаш жараёнида матонинг оқлик даражаси бир оз ортади, минерал моддалар толадан тўлиқ чиқарилади, ҳамда ишқор толадан тоза ювилади.

Оқартириш жараёнининг вазифаси бу - тўқимачилик материалларини оқартириш, чиқиндилар ва бўёвчи моддаларни матодан тўлиқ чиқаришдир.

Қайнатиш жараёнидан чиқган мато хали оппоқ бўлмайди. Мато йўлдош моддаларни парчаланишида қўнғир, кул ранг ва сарғиш тусли бўлади. Кўп ҳолларда оқартирилган мато сарғиш тусда бўлади, бундай матога якуний пардоз бериш жараёнида оптик оқартирувчилар билан ишлов берилади, бунда мато оппоқ тусли бўлиб, ультрабинафша нурларни ютадиган бўлиб қолади. Оқартириш учун асосан водород пероксид ва унинг хосилалари, хлорли оқартирувчилар (натрий хлорит, гипохлоритлар ва бошқалар) қўлланилади.

Натрий гипохлорит -  $\text{NaClO}$

Натрий хлорит -  $\text{NaClO}_2$

Перекись водорода -  $\text{H}_2\text{O}_2$

*Водород пероксид билан оқартириши.* 80% дан ортиқ тўқимачилик материаллари водород пероксид билан оқартирилади. Оқартириш жараёни рН<sub>K</sub>11,2 бўлган мухитда олиб борилади. Водород пероксид ишқорий мухитда водород ва пергидроксил ионларига диссоцияланади:



Пергидроксил ион материал таркибидаги табиий рангли чиқиндиларни парчаловчи агент хисобланади. Ип газлама ва трикотаж водород пероксид билан жгут ёки ёйик ҳолатда, узлуксиз ёки узлукли усулларда оқартирилиши мумкин. Пергидроксил ионларини  $\text{HO}^-$  хосил бўлиши билан водород пероксиднинг ишқорий мухитдаги оқартириш хоссаси юкори бўлди. Асосий реакция билан бирга қўшимча реакциялар хам кетади:



Реакция натижасида ажralиб чиқаётган молекуляр кислород целлюлозани (толани) оксидловчи таъсирида парчаланишига сабаб

бўлади. Эритма ишқорийлиги ва катализаторлар (оғир металл ионлари  $\text{Fe}^{3+}$ ,  $\text{Cu}^{2+}$  ва бошқалар) таъсирида реакция тезлашади. Матони оқартиришда яхши натижаларга эришиш учун жараённи шундай шароитда олиб бориш керакки, бунда системада актив водород пероксид миқдори кўп бўлиши лозим. Шунинг учун оқартириш ваннасида 3-3,5 г/л ишқор ва стабилизатор бўлиши керак. Водород пероксиднинг энг эффектив стабилизатори натрий силикат ва натрий метасиликатdir. Уларнинг стабилизаторлик хуссияти магний тузлари (0,3-0,5 г/л) муҳитида янада кучаяди.

Натрий силикат жихоз ва матода хар хил чўкма ва доғлар хосил қиласи. Бу доғ ва чўкмаларни кимёвий йўл билан йўқотиб бўлмайди. Силикат жихозга чўкиб, кўп партиядаги матони нуқсонли бўлишига олиб келади. Матода силикатли доғларни бўлиши уларни қаттиқ, синувчан, ишқаланишга чидамсиз, хамда оқартирилган матони қийинчиликлар билан бўялишига сабаб бўлади, чунки силикатли доғлар бўялмайди. Хозирда силикатли стабилизаторларни қисман ёки тўлиқ алмаштириш муаммоси турибди.

Водород пероксид биринчи марта 1818 йилда кашф этилган. 1866 йилдан оқартириш (табиий ипак) да қўлланила бошланган. Ип газламаларни оқартиришда водород пероксид 40-йиллардан бошлаб фойдаланилган. Ип газламаларни оқартиришда энг мақбул шароит деб харорат  $75\text{-}90^{\circ}\text{C}$ ,  $\text{pH}=10,5\text{-}11$  бўлган холат хисобланади. Ишлаб чиқаришга 30-40%  $\text{H}_2\text{O}_2$  тутган техник махсулот пергидроль келади.  $\text{H}_2\text{O}_2$  тоза альюмин (99,5%), зангламаган пўлат ва винилпласт ёки полизобутилен қопланган идишларда сақланади.

Водород пероксидни кенг қўлланишига сабаб:

1. Жараённи узлуксизз усулда олиб борилиши.
2. Иш шароитини яхшилиги, яъни ишлаш чоғида захарли газлар ажралиб чиқмайди.
3. Барқарор оқлилка эришиш (матони эскиришга бўлган чидамлилигини ортиши).
4. Хар хил толали материалларни оқлашда қўллаш мумкин.
5. Оқартирилгандан сўнгги ишловларни қисқариши (кислоталаш ва хлорсизлантириш жараёнлари олиб борилмайди).


Камчилиги:

1. Юқори ишқорий муҳитда бекарор.
2. Стабилизатор сифатида натрий силикатни қўлланиши.

*Матони узлуксиз усулда ёйиқ холатда оқартириши*

Матоларга жгут холатда ишлов берилганда улар деформацияга учрайди. Шунинг учун кучли механик деформациялар мумкин бўлмаган матоларни қайнатиш-оқартириш жараёнлари ёйма холатда олиб борилади. Ёйма холатда матога ишлов беришнинг ўзига хос хусусиятларидан бири бунда матога кимёвий реагентларнинг бир текис таъсир этишидир. Лекин ёйма холатда ишлов бериш жараёнининг самарадорлиги жгут холатдагига

нисбатан кам. Матоларга ёйма холатда узлуксиз усулда ишлов бериш учун Швециянинг «Бенненгер» ва «Бобкок» тизимлари қўлланилади.



### 3.2-расм. «Бенненгер» фирмасининг оқартириш тизими.

Ярим узлуксиз усулда қайнатиш-оқартириш жараёнини олиб борища мато қайнатиш-оқартириш эритмасига шимдирилиб, хона ҳароратида (шимдириш-ўраш) ёки иссиқ камерада (шимдириш-роликли) 1-6 соат давомида сақланади, сўнгра узлуксиз усул каби ювилади. Жараёнларини олиб бориш технологик схемалари 3.2-жадвалда келтирилган.


3.2-жадвал.

Жараёнларини олиб бориш технологик схемалари

Жараён тури	Технологик схемаси	Ҳарорат $^{\circ}\text{C}$	Давомий -лик, соат
Шимдириш-роликли «Rotowa»		100	3-5
Шимдириш-роликли «Pad-Roll»		100	3-5
Шимдириш-ўраш		20-30	10-18

Ярим узлуксиз усулни ишлаб чиқарилаётган маҳсулот ассортименти, толавий таркиби, ҳажми, ишлов бериш тури бўйича турли варианtlарда


олиб бориш мумкин. Кичик ҳажмда ишлаб чиқарыладиган маҳсулотлар, толавий таркиби бўйича кимёвий реагентлар таъсирида осон деструкцияга учрайдиган матолар, таркибида қўшимча йўлдош моддалар миқдори кўп бўлган матоларни пардозлашга тайёрлашни ярим узлуксиз усулда олиб бориш иқтисодий томондан афзал ҳисобланади. Қуйида ярим узлуксиз усул вариантиларидан мисоллар келтирилган:



3.3-расм. Барча жараёнлар алоҳида олиб бориладиган ярим узлуксиз пардозлашга тайёрлаш схемаси



3.4-расм. Охорсизлантириш-қайнатиш жараёнлари биргалиқда олиб бориладиган ярим узлуксиз пардозлашга тайёрлаш схемаси



3.5-расм. Қайнатиш-оқартириш жараёнлари биргалиқда олиб бориладиган ярим узлуксиз пардозлашга тайёрлаш схемаси.

Мерсерлаш. Джон Мерсер 1844 йилда концентрланган ўювчи ишқорни ип газлама орқали фильтрлагандага пахта толасини киришганини ва фильтрланган эритма концентрациясини камайганини пайқаб қолади. Бундан ташқари у кейинчалик пахта толали мато мустаҳкамлигини хам ортганини, ҳамда ишқор билан ишлов берилган толага бўёвчи моддани сорбланишини ортганини аниқлади ва ўювчи ишқор целлюлозага таъсир эттирилганда турғи бўлмаган кимёвий мода – ишқорий целлюлоза ҳосил бўлишини тахмин қилди, бунинг учун 1850 йилда Мерсерга Буюк Британия патент берилди. Мерсер томонидан ишлов берилган толани ялтироқ ҳоссасига эга бўлганлиги аниқланмаган. Лекин биринчи бўлиб Дж. Мерсерни пахта целлюлозасини концентрланган ишқор таъсирида ўз ҳоссасини ўзгартиришини кашф этганлиги сабабли бу жараён унинг шаънига «Мерсерлаш» деб юритилади.

Кисқа вақт ичида 16-20<sup>0</sup>C хароратда 225-300 г/л ли ишқор эритмасида таранг тортилган холатда ип газламаларга ишлов бериш, хамда уларни иссиқ ва совуқ сувда ювиш мерсерлаш жараёни дейилади. Күпинча (80%) ип газламалар мерсерланади ва айрим холларда пахтадан тайёрланган материаллар: калава, трикотаж ва иплар хам мерсерланади. Пахта толасили аралашмали матолар мерсерланганда синтетик ташкил этувчисини деструкцияланишдан сақлайдиган шароит танланади. Мерсерланган ип газлама ёки трикотаж ялтироқ, ипак жилоли хусусиятга эришади, хамда унинг гигроскоплиги, пишиқлиги ва сорбцион хоссаси ортади. Бунга пахта толасининг морфологияси ва надмолекляр тузилишида кечадиган ўзгаришлар сабаб бўлади. Мерсерлаш жараёнида тола бўқади, унинг деворлари қалинлашади ва тола каналининг диаметри кичиклашади. Натижада пахта толаси лентасимон шаклдан цилиндр кўринишгача ўзгаради.

Ишқор целлюлоза билан реацияга киришишида иссиқлик ажralиб чиқади, шунинг учун жараён 15-20<sup>0</sup>C хароратда олиб борилади. Шу билан бирга юқори самарадорли юқори хароратли мерсерлерлаш жараёnlари хам маълум бўлиб, бундай шароитда бир вақтнинг ўзида қайнатиш жараёни хам бўлиб ўтади. Концентрланган ишқор билан пахта толасига ишлов берилганда, унинг қўндаланг кесими юмaloқ шаклга ўтади, канали бутунлай йўқолади, тола юзаси силлиқлашади, тўғирланади ва натижада нур тушганда ялтироқлик пайдо бўлади ва бу мерсерланган матога хосдир. Мерсерлашни хом мато, қайнатилган ва оқартрилган матоларга қўллаш мумкин. Қайнатилган матони мерсерлаш мақсадга мувофиқ хисобланади, бунда ишқор таъсири ва ишлатилинган ишқорни қайта қўллаш самарали хисобланади. Лекин жараённи узлуксиз олиб бориш учун хом ёки оқартирилган мато мерсерланади.

Юқоридагилар бўйича мерсерлаш натижасида пахта толасида қатор ўзгаришлар содир бўлишини қуйидагича ажратиб кўрсатиш мумкин:

- барча турдаги реагентлар бўйича толанинг реакцион қобилияти ортади;
- барча турдаги сорбентлар (сув, бўёвчи мода, пардозлашда қўлланиладиган моддалар) бўйича толанинг сорбцион хусусияти ортади;
- оптик (ялтироқлик) ва физик-механик (чизиқли ўлчами, мустахкамлиги, эластиклиги) хоссалари ўзгаради.

Кўрсатиб ўтилган барча янги хоссалар пахта толаси морфологияси ва надмолекуляр ўзгариши билан боғлиқ. Целлюлозага концентрланган ишқор эритмаси билан ишлов бериш, кейин уни сув билан ювиш натижасида целлюлоза аста-секин олдин ишқорий целлюлозага, кейин эса гидратцеллюлозага айланиб боради. Целлюлозадаги бундай ўзгариш унинг кимёвий таркиби таъсир этмаган ҳолда надмолекуляр тузилишига сезиларли даражада таъсир этади. Аввало бунда целлюлозадекристаллизация кечади, яъни унинг аморф қисми 10-20% га ортади, целлюлоза I ўрнига янги кристалл тузилиши целлюлоза II ҳосил бўлади.

Целлюлоза I ни целлюлоза II га ўтишида макромолекуланинг элементар звенолари конфигурациясида ҳам ўзгариши кузатилади. Целлюлоза I да пиран халқалар бир текисликда жойлашган бўлиб, гидроксил гуруҳларнинг аксарияти ўзаро водород боғлар орқали бириккан. Целлюлоза II да эса пиран халқалар бир-бирига нисбатан 90°C да жойлашади, натижада молекулаларо водород боғлар узилиб, целлюлозанинг аморфлиги ортади бу эса пахта толасининг реакцион ва сорбцион қобилиятини ошишига сабаб бўлади.

Мерсерланган толада янги физик-механик ва оптик хоссаларини шаклланишида толанинг концентрланган ишқор эритмасида бўкиши муҳим аҳамиятга эга. Мерсерлаш жараёнида толанинг ишқор билан тўқнашган қисмларининг интенсив бўкиши кузатилади. Бундай бўкиш натижасида етарлича қовушқоқликка эга бўлган концентрланган ишқор эритмасининг толани асосий қисмларига кириб бориши қийинлашади. Айниқса зич тўқилган мато структурасига қовушқоқ эритмани кириб бориши қийин кечади. Бундай ҳолатда зич структурали матоларда бир текис мерсерланганлик эффиқтини олиш мушкуллашади.

Толанинг аморф ва кристалл структурасига ишқор молекуласини диффузияси натижасида молекулаларо водород боғлар узилади. Бу қисмларга сув молекуласи кириб боради ва озод бўлган гидроксил гуруҳлар билан водород боғланиш орқали гидратланади. Бундай алмашиниш жараёнида тола ичиде осмотик босим ортади, натижада толанинг диаметри катталашиб ўзи киришади, иккиламчи девори қалинлашади, ички канали кичиклашади, тола текисланади. Бу ўзгаришларга бир қатор омиллар – ишқор концентрацияси, ишлов бериш ҳарорати, пардозлашга тайёрлаш шароити таъсир қиласи.

Мерсерлаш жараёнида толага берилган механик таъсир (тортилган ёки тортилмаган) натижасида тола геометриясининг ўзгариши уни ялтироқлигига ёки эластикликка эга бўлишига сабаб бўлади. Агар мерсерлаш тортилган ҳолда олиб борилса, у ҳолда тола узунасига киришмайди, аксинча бўқади, айланиб цилиндр ҳолатга келади. Бундай цилиндр тузилишга эга бўлган тола силлиқ юзали мато ёки трикотаж ҳосил қиласи. Силлиқ юзага эга бўлган мато ёки трикотаж тушаётган нурни тўлароқ қайтарганлиги сабабли улар ялтироқ бўлиб кўринади. Мерсерланмаган мато ёки трикотаж толалари ясси тузилишли бўлиб, унга тушаётган нур кўпроқ тарқалади ва у хира тусли бўлиб кўринади. Агар мерсерлаш тортилмаган ҳолда олиб борилса, тола, калава, мато, трикотаж яхшигина киришади ва улар эластик хоссага эга бўлиб қолади.


Мерсерлаш тола ва матонинг физик-механик хоссасини ўзгаришига олиб келади. Мато тортиб мерсерланганда мерсерлаш жиҳозида матонинг эни ва узунлигини бошқриш орқали унинг чизигли ўлчамлари стабиллашади. Ўлчамларини стабиллашуви мато элементар толаларидағи кучланишни олиниши ҳисобига амалга оширилади. Элементар толалардаги кучланишини олиниши эса толани бўкишида мавжуд водород

боғларни узилиши, янгиларини ҳосил бўлиши, ишқорий целлюлозани гидратцеллюлозага ўтишида (матони ишқордан ювиш босқичида) целлюлозани қайта кристалланиш натижасида амалга ошади.

Мерсеризация жараёни занжирли ва занжирсиз жихозлар: Бентлер (Швейция), Текстима (Германия) узлуксиз линияларида олиб борилади. Шунингдек ип газламаларни мерсерлаш учун «Киото» фирмасининг занжирли ва «Бенинегер» фирмасининг «Дименза» валли мерсерлаш тизимлари хам қўлланилади. Мерсерланган материалларни сорбцион хоссасини ортиши натижасида, уни бўяшга мерсерланмаган материални бўяшга нисбатан 12-25% кам миқдорда бўёвчи модда талаб қилинади.

### 3.2. Тўқимачилик материалларини бўяш

Бевосита бўёвчи моддалар, ўз навбатида, оддий, нурбардош, металл тузлари билан комплекс ҳосил қилувчи ва диазотирланувчи гурухларига бўлинади. Хромофор цистемаси бўйича улар дисазо-, трис- ва полиазо бўёвчилардир. Целлюлозали маҳсулотлар табиий ипакни бўяшда ишлатилади. Сувда эриганда диссоциланади, эритмада кучли агрегатланиш қобилиятига эга, чунки уларнинг фазовий тузилиши яссидир. Бевосита бўёвчи моддалар билан пахта толаси, калава, мато ва трикотаж маҳсулотлар электролит қўшилган кучсиз ишқорий ёки нейтрал эритмаларда узлукли, ярим узлуксиз ва узлуксиз усуслар ёрдамида бўяш мумкин.



3.6-расм. Пахта толасидаги бевосита бўёвчи модда (Бевосита сариқ 12).

Вискоза толали материаллар фақат нейтрал шароитда, табиий ипак эса кучсиз ишқорий, нейтрал ва кучсиз кислотали шароитда бўяладилар. Полиамид толалар эса фақат айрим маркалар билангира кучсиз кислотали шароитда ранг равонлаштиргич иштирокида бўялиши мумкин. Жун толаси учун бевосита бўёвчи моддалар деярли қўлланилмайди.

Бевосита бўёвчи моддалар табиий ипакда етарли даражада мустахам ранг ҳосил қиласида, айниқса оч рангларда. Ранг тўқлигига эритма муҳити таъсир қўсатади ва pH нинг пасайиши билан ранг тўқлиги ортиб боради, лекин шу билан бир қаторда норавон ранг ҳосил бўлиш хавфи ошади. Одатда оч ранглар олиш учун ипак маҳсулотлар нейтрал (айрим ҳолларда кучсиз ишқорий) шароитда, ўртача ва тўқ ранг олиш учун кислотали шароитда бўялади. Ранг равонлигига эришиш мақсадида эритмага бўяш

жараёнини секинлатувчилар: сирт актив моддалар (САМ) ёки электролитлар қўшилади. Анионли САМ тола актив марказларини эгаллашда бўёвчи анионига конкурент бўлади, электролит таъсирида эса бўёвчининг агрегатланиши кучаядива унинг толага ўтиши сусаяди<sup>1</sup>.

Бевосита бўёвчилар ранг мустаҳкамлигининг цељюлозага нисбатан ипакда юқорироқлиги ипак билан бўёвчи орасида молекулалараро боғланишга нисбатан кучлироқ ион боғланишнинг содир бўлишидир. Лекин ион боғланиш сувли ишлов пайтида диссоцилангани сабабли ўртacha ва тўқрангга бўялгани пактурли ранг мустаҳкамлагичлар билан ишлов олади.

Кислотали бўёвчи моддалар эритмадан толага ўта олиш қобилияти, ранг равонлиги, рангнинг ювишга ва ёруғлик нури таъсирига мустаҳкамлиги бўйича бир-биридан фарқ қиласи ва уч гуруҳга бўлинади, яхши-, ўртacha- ва ёмон равонланувчан гуруҳлар. Кислотали бўёвчи аниони оқсил толанинг мусбат зарядланган актив марказларига электростатик тортилиб ионли боғланиш ёрдамида боғланади. Бўящнинг дастлабки босқичларида кислота аниони ( $\text{HSO}_4^-$ ,  $\text{SO}_4^{2-}$ ,  $\text{CH}_3\text{COO}^-$ ) бўёвчи анионига нисбатан ҳаракатчан бўлгани учун толага биринчи бўлиб диффузияланади, сўнг бўёвчи модда аниони мойиллиги юқори бўлгани сабабли кислота анионини толадан сиқиб чиқариб, унинг ўрнини эгаллайди. Ионли боғланишдан ташқари тола ва бўёвчи моддадаги бошқа гуруҳлар иштирокида молекулалараро боғланишлар содир бўлади. Бу боғланишлар қанча кўпроқ содир бўлса, сувли ишловларга ранг мустаҳкамлиги ҳам шунча юқори бўлади, чунки бундай шароитда ионли боғланиш диссициланади.

Оқсил ва полиамид толаларни кислотали бўёвчи моддалар билан бўяш мономолекуляр сорбланиш механизми билан боради. Бунда бўяш толанинг барча актив марказларига бўёвчи модданинг бир қатлам ҳосил қилиб сорбланиши содир бўлгунча бориши мумкин. Бундай ҳолатни толанинг тўйиниш концентрацияси дейилади. Кислотали бўёвчи моддалар билан бўяш жараёнига таъсири этувчи омиллар. Кислотали бўёвчи мода билан бўяш технологиясини тузишда қуйидаги асосий масалалар ҳал қилинади:

1. Равон ранг ҳосил қилиш.
2. Эритмадан бўёвчининг толага тўлиқроқ ўтиши.
3. Ранг мустаҳкамлигини ошириш.
4. Тола мустаҳкамлигини сақлаш.

Биринчи масалани ҳал қилиш анча қийинроқ бўлиб. Уни қуйидаги омиллар таъсирида ечиш лозим.

1. Бўяш эритмасига электролит қўшиш.

Электролитнинг бўяшга таъсири эритма муҳитига боғлиқ. Кислотали шароитда электролит аниони бўёвчи мода анионини толанинг мусбат

---

<sup>1</sup>Ryszard M. Kozlowski “Handbook of natural fibres” Volume 2: Processing and applications. Woodhead Publishing Series in Textiles: Number 119. © Woodhead Publishing Limited, 2012

зарядланган гурухларига боғланишига ўзига ҳос конкурент бўлади. Кислота аниони харакатчан, ўлчами кичик бўлгани сабабли зарядланган тола аминогурухларини биринчи бўлиб эгаллайди, лекин унинг толага мойиллиги бўлмагани сабабли аста-секин ўлчами катада майиллиги юқори ( $-\mu=43\ldots54$  кДж/моль) бўёвчи аниони томонидан сиқиб чиқарилади.

Жун толаси асосан узлукли усул билан тола, пилик, трикотаж полотно мато ҳолатида бўялади. Кўпинча тола ҳолатида бўялади, бунда АКД, Хисака типидаги аппаратлардан фойдаланилади. Пилик ҳолида эса Фляйснер агрегатида узлуксиз бўяш мумкин. Бундай агрегатлар плюсовка, лентали булаш камераси, ювиш ва қуритиш машинасидан ташкил топади. Температура юқори бўлганлиги сабабли жун тола ўз мустаҳкамлигини йўқотади. Шу сабабли бўяш эритмасига тола массасига нисбатан  $0,1\div1\%$  ҳисобида олинган ёғ кислоталар алкилоламидлари қўшилади.

Бунда бўёвчи модданинг концентрацияси юқори бўлган алкилоламид томчилари эмульсия ҳосил қиласида ва бу томчилар тола юзасига сорбланганда, бўёвчи модданинг тола юзасидаги миқдори ошади ва унинг тола ичига диффузияси тезлашади, бўяш температурасини  $10\text{--}20^{\circ}\text{C}$  га пасайтириш имкони тўқилади. Бўяш эритмасида ҳосил бўлган система “концерват” система деб аталади. Концерват системада бўяш жараённи тезлатади ва бўялаётган тола физик-механик ҳоссаларини яхши сақлаш имконини беради.

Табиий ипак кислотали бўёвчи моддалар билан кучсиз кислотали, нейтрал, кучли кислотали ва аммоний тузлари иштирокида бўялади.

Полиамид (ПА) маҳсулотларни бўяш. Бу толалар таркибида  $-\text{NH}_2$  группалар миқдори кам бўлгани сабабли асосан бир сульфогурухли кислотали бўёвчи моддалар ишлатилади. Кислотали бўёвчи моддалар билан полиамид толаларни бўяганда уларнинг структуравий (курилма) нотекисликлари кўпроқ намоён бўлади.

Актив бўёвчи моддалар целлюлозали, оқсил ва полиамид толалар билан кимёвий реакцияга киришиб уларга боғланади ва толанинг таркибий қисмига айланиб қолади, ҳосил бўлган ранг ювишга, ишқаланишга, кимёвий тозалаш шароитига чидамли бўлади.

Турли гурухга мансуб актив бўёвчи моддалар бир-биридан майиллиги, реакцион қобилияти, ишқорли эритмалар ва бўёқ таркибида чидамлиги билан фарқ қиладилар. Ҳоссаларига қараб уларни узлукли усулда қўлланадиган, гул босища қўлланадиган ва осон ювиладиган гурухларга бўлинадилар. “Х” - кўрсаткичли актив бўёвчи моддалар, яъни дихлортриазинлиларнинг целлюлозали толага майиллиги юқори, реакцион қобилияти юқори, узлукли усулларда ҳам ишлатса маъқул бўлади. Лекин улар ишқорий эритма ва бўёқ таркибида тез гидролизланади. Монохлортриазинли бўёвчи моддалар (кўрсаткичсизлар), аксинча, реакцион қобилияти ва майиллиги паст, узлукли усулларга ишлатса тежамли эмас, ишқорий эритма ва бўёқ таркибида секин гидролизланади. Узлукли усулда ишлатилса ишқорий агент ва электролит кўп қўшилади,

бўяшда ва гул босиша юқори температура ва узоқ вақт талаб қиласди. Гул босиша ишлатган маъқул. Тола билан ковалент боғланмаган қисми толадан осон ювилади. Винилсульфон бўёвчи моддалар (“Т”-кўрсаткичлilar) оралиқ ўринда туради.

Бўёвчи модданинг тола ичига диффузияси эритма муҳитига, электролит концентрациясига, бўёвчи модда мойиллиги боғлиқ бўлади.

Актив бўёвчи моддаларнинг тола ичига диффузияси бевосита бўёвчиларга нисбатан тезроқ ўтади. Сабаби актив бўёвчи моддалар молекулалари ўчами кичик, толага мойиллиги пастрок бўлади. Бўёвчи модданинг П-босқичда тола ичига диффузияси унинг тола билан реакцияга киришиши ҳисобига қийинлашади. Бўёвчи модданинг 1-босқичда толага ўтган қисми тола билан худди гомоген фазада бўладиган каби юқори тезликда реакцияга киришади. П-босқичда толага кўшимча “тортилган” бўёвчи модда қисмининг реакцияга киришиш тезлиги масса кўчиш тезлиги билан боғлиқ бўлади.

Тола ва актив бўёвчи модда орасидаги кимёвий реакция нуклеофил ўрин олиш ёки бирикиш механизми бўйича боради. Нуклеофил агент сифатида толанинг актив марказлари иштирок қиласди, масалан целлюлозали толаларда гидроксил гурӯҳ, унинг нуклеофиллиги ионлашганда ошади. Шу сабабли тола ва бўёвчи модда орасидаги реакция ишқорий шароитда тезлашади.

Оқсил ва полиамид толаларда асосий актив гурӯҳ сифатида аминогурӯҳ реакцияда иштирок қиласди. Бу гурӯхнинг нуклеофиллиги кислотали шароитда йўқолади.

Аминогурӯхдан ташқари оқсил толалардаги бошқа нуклеофил табиатли гурӯхлар: -OH; >NH; -CH лар ҳам бўёвчи модда билан реакцияга киришиши мумкин. Толалар асосан сувли шароитда бўялади, шу сабабли актив бўёвчи модда сув молекулалари билан ҳам реакцияга киришиб, гидролизланади ва ранги сақланган ҳолда ўз активлигини йўқотади ва беҳуда сарф бўлади. Бўяшдан кейинги ювиш жараёнини мураккаблаштиради, чунки гидролизланган ва тола билан ковалент бирикмаган бўёвчи моддалар толадан ювиб чиқарилмаса, ранг мустахкамлиги паст бўлади.

Целлюлоза толали материаллар қуйидаги ҳолатларда бўялади: тола, эшилган пилик, тикув иплари, трикотаж ва мато. Тўқима материалларнинг ҳолатига қараб ускуналар ва бўяш усули танланади. Бўяшнинг қуйидаги усувлари маълум: узлукли, ярим узлуксиз ва узлуксиз.

а) Узлукли бўяш технологияси.

Барча актив бўёвчи моддалар билан целлюлозали толаларни бўяш схемаси бир хил бўлиб, икки босқичда амалга оширилади:

1. Нейтрал шароитда электролит иштирокида ( $30\div70$  г/л)  $1\div1,5$  соат бўяш;
2. Ишқорий шароитда ( $\text{Na}_2\text{CO}_3$ ,  $2\div10$  г/л) 30 минут яна бўяш.

Биринчи босқичда толага нисбатан маълум мойилликка эга бўлган актив бўёвчи моддалар эритма фазасидан тола фазасига ўтиб, унга сорбланади. Бунда целлюлозали тола ва актив бўёвчи модда орасида молекулалараро боҚланишлар содир бўлади. Бу босқичнинг вазифаси мумкин қадар қўпроқ миқдордаги бўёвчи моддани эритмадан толага ўтиб, сорбланиши ва унда бир текис тарқалишига эришишидир. Агар бўяш бир йўла ишқорий эритмадан бошланса, бўёвчи модданинг асосий қисми хали эритмада бўлади ва тезроқ гидролизга учраб кетади.

б) Ярим узлуклсиз усули 2 хил шароитда олиб борилади: шимдириш-үраш ва шимдириш-роликли-буғлаш.

Яримузлуксиз бўяш усуллари тежамли бўлади, чунки шимдирилган матони сиқиш даражаси 100-120% бўлгани учун бўяш модули  $1 \div 1,2$  ни ташкил қиласиди. Бунда тола ичидаги бўёвчи модданинг ишқорий эритмаси: ички-элементар тола Қовакларидағи ва ташқи толалараро бўшлиқлардаги қисмларга бўлинади. Бўёвчи модданинг толага боғланишида қуйидаги ҳодисалар содир бўлади:

- бўёвчи модданинг эритмадан тола юзасига масса қўчиши, унинг юзасига сорбланиши;
  - тола ичига диффузияси ва тола актив марказлари билан реакцияси.

Бу жараёнларнинг барчаси кичик модулли бўлганлиги сабабли узлукли усулга нисбатан тезроқ ва тўлароқ ўтади. Бўёвчи модданинг гидролизланиши секинроқ бўлади. Ярим узлуксиз усулда бўяшга таъсир қилувчи омиллар - ишқорий агент ва темературадир. Электролитнинг таъсири унча юқори эмас. Шимдириш - ўраш усули билан бўяш қуйидаги технологик кетма-кетликда олиб борилади:

Шимдирши  $\Rightarrow$  сиқши  $\Rightarrow$  ўраш  $\Rightarrow$  24-48 саатга  $\Rightarrow$  ювши  $\Rightarrow$  куритши  
 $T=20\div30^{\circ}\text{C}$   $\Rightarrow$  колдирши  
 $T=25\div30^{\circ}\text{C}$

Шимдириш-роликли-буғлашусу ли билан бўяш эсақ уйидаги кетма-кетлик даамал гаширилади:

Шимдириси  $\Rightarrow$  сиқиши  $\Rightarrow$  ИJ-қызитиши  $\Rightarrow$  ўраш  $\Rightarrow$  бүгелаш  $\Rightarrow$  ювииши  $\Rightarrow$   
 $T=20\div30^{\circ}\text{C}$   $T=55\div70^{\circ}\text{C}$   
 2-3 соат ёки

Шимдириш учун қуидаги бўяш эритмасидан фойдаланилади:  
Шимдириш-ўраш усулида, г/л:

Дихлортриазинли бўёвчи мола 10-50

$\text{Na}_2\text{CO}_3:\text{NaHCO}_3$  (3:1) 5-50  
Шимдиргич САМ 2-5

Шимдириш-роликли усулда, г/л:  
Дихлортриазинли бўёвчи мода 5-30  
 $\text{NaHCO}_3$  3-30  
Шимдиргич САМ 2-5  
Т<sub>к</sub>20÷30°C  
Монохлортриазин бўёвчи мода 3-50  
 $\text{Na}_2\text{CO}_3$  20  
 $\text{NaCl}$  5-20  
Т<sub>к</sub>50°C

Бу усулда жараённи паст хароратда олиб борилиши бўёвчи модданинг гидролизланишини камайтиради.

Узлуксиз усулда бўяши. Узлуксиз усул билан целлюлозали матоларни бир ва икки босқичли қилиб бўяш мумкин. Бир босқичли бўяшда бўяш эритмасида бўёвчи моддадан ташқари ишқорий агент хам бўлади. Икки босқичли бўяшда мато нейтрал эритма билан шимдирилади, қуритилади, сўнг ишқор эритмасида шимдирилиб, термо ишлов берилади. Икки босқичли усулда бўёвчи модданинг гидролизланиши камаяди, ковалент фиксацияланиш даражаси ортади.

Узлуксиз бўяш усуллари.

Бу усуллар бир ваннали ва икки ваннали турларда бўлади. Бирвоннали узлуксиз бўяш ўз навбатида қўйидаги турларга бўлинади:

а) шимдириш-буғлаш (бўёвчи модда 10-50 г/л  $\text{NaHCO}_3$ -20 г/л, мочевина 50 г/л)

б) шимдириш-қуритиш (бўёвчи модда 10-50 г/л  $\text{NaHCO}_3$ -20 г/л, мочевина 50-100 г/л)

в) шимдириш-термоишлов бериш. (бўёвчи модда 10-50 г/л  $\text{NaHCO}_3$ -20 г/л, мочевина 150-200 г/л)

Шимдириш-буғлаш усули “X” ва “T” кўрсаткичли ва қўрсаткичсиз актив бўёвчи моддалар учун қўлланилади ва қўйидаги технологик кетма-кетликда амалга оширилади:

*Шимдириш ⇒ сиқиши ⇒ буғлаш ⇒ ювиши ⇒ қуритиш*

$T=102\div105^{\circ}\text{C}$

20-30 с -"X"

30-60 с -"T"

Кўрсаткичсизмонохлортриазинбўёвчимоддалар билан бўяш жараёнини эсақуидагикетма-кетликда олиб борилганимаъкул:

*Шимдириш⇒сиқиши⇒қуритиш⇒буғлаш⇒ювиши⇒қуритиш*

*Шимдириш*

қуритиш сулиасосандихлортриазинбўёвчимоддалар учун мўлжалланганва қўйидагича амалга оширилади:

*Шимдириши*  $\Rightarrow$  *сиқиши*  $\Rightarrow$  *қуритиши*  $\Rightarrow$  *ювиши*  $\Rightarrow$  *қуритиши*

Т<sub>к</sub>90÷120<sup>0</sup>С

Шимдириш температураси 20÷30<sup>0</sup>С ни ташкил қилади. Бунда эритма мұхити рН<sub>к</sub>7,5÷8 бўлиб, қуритиш пайтида эса натрий бикарбонат температура таъсирида парчаланиб, натрий карбонат ҳосил қилади ва рН<sub>к</sub>10÷11 га қўтарилади:



Агар шимдириш эритмасига ишқорий агент сифатида сода ( $\text{Na}_2\text{CO}_3$ ) - 5÷30 г/л миқдорда қўшилса ва мочевина миқдорини 100 г/л гача қўтарилса, ҳамда қуритищдан сўнг 1-2 минутли термик ишлов берилса монохлортриазин ва винилсульфон бўёвчилар билан ҳам бу усул билан бўяся бўлади.


*Шимдириши-термоишлов берииши* усули билан бўяш қуйидаги кетма-кетликда амалга оширилади:

*Шимдириши*  $\Rightarrow$  *сиқиши*  $\Rightarrow$  *қуритиши*  $\Rightarrow$  *термоишлов*  $\Rightarrow$  *ювиши*  $\Rightarrow$  *қуритиши*  
*берииши*

Термик ишлов пайтида мочевина юқори температура таъсирида суюлади ва бўёвчи модда-тола орасидаги реакцияни амалга ошириш учун мұхит хизматини ўтайди. Мочевинанинг суюлиш температураси Т<sub>к</sub>132,5<sup>0</sup>С га тенг бўлиб, суюлган мочевинада бўёвчи модданинг эрувчанлиги юқори бўлгани сабабли унинг тола ичига диффузияси ҳам тезлашади. Термофиксацияли усулда буғлаш усулига нисбатан бўёвчи модданинг толага боғланиш даражаси 10÷15% га юқори бўлади. Бунинг сабаби термофиксацияли усулда бўёвчи модданинг гидролизланиши (буҚ таъсиридаги) бўлмайди.

*Целлюлоза толали материалларни икки ваннали усулда бўяши*

Бу усулда барча турдаги актив бўёвчи моддалар билан бўяш мумкин. Бўяш қуйидаги технология бўйича олиб борилади:



Бўёвчи модда эритмасига ишқорий агент қўшилмаганлиги сабабли, унинг гидролизи жуда секин кетади. Бўяш эритмаси таркиби, г/л:

Бўёвчи модда 10-75

Шимдиргич САМ 1-2

Мочевина 10-100

Лудигол 5-10

Ишқорий эритма таркиби, буғлаш шароити ва актив бўёвчи модда турига қараб, ишқорий агент турлича бўлади.

Ишқор эритмаси таркибига 300 г/л атрофида электролит қўшилади. Бундан мақсад толага шимилган бўёвчи моддани ишқорий шимдириш эритмага десорбланишидан асраш ва толага гидроксил-ионларнинг сорбланишини кучайтириш ва бўёвчи гидролизини сусайтиришдир.

Актив бўёвчи моддалар билан оқсил толалардан жунни бўяшда Ш кўрсаткичли бўёвчи моддадан фойдаланилади. Ш-индексли бўёвчи моддалар реакцион қобилияти паст бўлиб, улар гидролизга турғундирлар. Жун толаларини бўяш учун махсус усул яратилган бўлиб, унда ковалент боғланиш даражаси 80-95% гача етади. Бу жараён қуйидагича олиб борилади. Бўёвчи модда эритмасига матони шимдириш, сиқиш, роликка ўраш, хона хароратида 24-48 соат давомида ушлаб туриш, ювиш.

Бўёвчи модда толага паст хароратда ўтаётганлиги сабабли шимдириш ваннасига натрий бисульфит ва полимерни бўкишини тезлаштирувчи қўшилади.

Табиий ипакни актив бўёвчи моддалар билан бўяш.

Актив бўёвчи моддалар билан ипакни бўяшнинг икки усули маълум: кислотали ва ишқорий.


Ўар бир алоҳида бўёвчи модда маркаси учун яхши натижа берадиган усулни танлаш керак. Кислотали усул қўпроқ дихлортриазин бўёвчи моддалар учун қўлланилади.

Оқсил тола ғовакларида актив бўёвчи модда қуйидаги ҳолатларда учрайди:

1. Ковалент боғланган
2. Гидролизланган ва ионли боғланган
3. Бўёвчи актив ҳолатда, лекин тола билан ионли ва физик боғланишлар ўрдамида боғланган.

Тола билан ковалент боғланган бўёвчи модда миқдорини ошириш мақсадида кислотали ёки нейтрал шароитда бўялган оқсил толани ювишдан олдин муҳитни жун учун pH<sub>8-9</sub> ва ипак учун pH<sub>9÷10</sub> гача кўтарилади. Бунда ионли боғланишлар узилиб, агар бўёвчи актив ҳолатда бўлса, кучсиз ишқорий шароитда ковалент боғланиш ҳосил қиласи. Гидролизланган бўёвчиларнинг эса толадан ювилиб чиқиб кетиши осонлашади.



Полиамид толалари асосан узлукли усул билан 140°C хароратда бўялади. Сувда эрувчан актив бўёвчи моддалар билан полиамид махсулотларни бўяшда равон ранг ҳосил қилиш қийин. Бунинг сабаби ПА-толанинг физик ва кимёвий қурилмасининг нотекислигидир. Шу сабабли ПА-тола учун синтез қилинган дисперс-актив бўёвчилардан фойдаланган маъқулдир, улар кучсиз кислотали муҳитда (pH<sub>4</sub>) равон ва толани тўлиқ бўяйдилар, сўнг ишқорий муҳитда (pH<sub>10 - 10,5</sub>) ковалент боғ ҳосил қиласидилар:




Куб бўёвчи моддалар бўяш босқичида вақтинча сувда эрувчанлик бериладиган бўёвчи моддалар бўлиб, актив бўёвчилардан ташқари барча сувда эрувчан бўёвчилардан фарқли сувли ишловларга чидамли ва нурбардош ранг ҳосил қиласидилар. Бунинг сабаби шуки, бўяш ёки гул босиши якуннида тола ғоваклари ичида сувда эримайдиган бўёвчи модда - пигмент ҳосил бўлади, ва у молекулаларро боғланишлар ёрдамида толага боғланади.

Куб бўёвчи моддаларга яна уларнинг сувда эрувчан ҳосилалари - кубозоллар ва сувда эрувчан оралиқ маҳсулотлари - кубогенлар киради.

Бу бўёвчи моддалар ўз таркибида камида иккита карбонил гурух  $\text{C}_6\text{O}$  тутган бўладилар. Шу гурухлар бўёвчи моддага толани бўяш хоссасини беради. Умумий кўринишда куб бўёвчи моддаларини  $\text{R}_6\text{C}_6\text{O}_2$  холатда ифодалаш мумкин. Куб бўёвчи моддалар билан целялюзани бўяшдан олдин у сувда эрувчан холатга ўтказилади, бўяш жараёни тугагач яна сувда эримайдиган холатга келтирилади.



Куб бўёвчи моддаларнинг лейкобирикмаси турғун бўлмай, у хаво кислороди ёки бирор оксидловчи таъсирида осон оксидланади ва ўзининг аввалги холатига қайтади.



Ҳосил бўлган икки асосли лейлокислота жуда кучсиз кислотали хусусиятга эга бўлгани сабабли сувда эримайди ва уни эритиш учун кучли ишқорий муҳит ( $\text{pH} 9 \div 11$ ) керак. Мана шу ҳолат куб бўёвчи моддаларни ишқорий шароитга чидамсиз толалар

учун ишлатишни чеклайди.

Куб бўёвчи моддалар билан бўяш ва гул босиши босқичлари бир хил бўлиб, уларнинг кетма-кетлиги технологик усулга боғлиқ бўлади:

1. қайтариш, эритиш
2. тола томон диффузия
3. тола юзасига адсорбция
4. тола ичига диффузия
5. толага сорбланиш

6. оксидлаш - сувда эримайдиган ҳолатга ўтказиш

7. ювиш

8. совунлаш

9. ювиш

Амалда куб бўёвчи моддаларни қайтариш учун қуидаги қайтарувчилар ишлатилади:

Натрий гидросульфит (натрий дитионит)- $\text{Na}_2\text{S}_2\text{O}_4$

Ронгалит (натрий формальдегидсульфоксилат)- $\text{NaHSO}_2 \cdot \text{CH}_2\text{O} \cdot 2\text{H}_2\text{O}$

Тиомочевина –II-оксиди (ТМИО)- $\text{C}(\text{NH}_2)_2\text{SO}_2$

Целлюлозали толаларга асосан куб бўёвчиларнинг динатрийли тузлари сорбланади. Шу сабабли бўёвчи эритмага назарий миқдордан ортиқча ишқор қўшиш керак. Эритмада ишқор миқдори ошган сари бўёвчи модданинг агрегатланиш даражаси пасаяди, бўёвчи модда концентрациясининг ошиши ва эритма рН нинг пасайиши эса агрегатланишни кучайтиради.

Куб бўёвчи моддалар толага физик кучлар: водород боҚланиш, Вандер-Ваальс кучлари ёрдамида сорбланади.

Куббўёвчи моддалар лейкокислотаси унинг натрийли лейкобирикмасига қараганда целлюлозага нисбатан пастроқ мойиллик намоён қиласи. Куб бўёвчи модданинг эса толага мойиллиги йўқ.

Куб бўёвчи модда лейкобирикмасининг целлюлоза толасига мойиллиги бевосита бўёвчиларга нисбатан бироз паст бўлишига қарамай улар кўпинча нотекис (норавон) ранг ҳосил қиласи. Бунинг сабаби шуки, куб лейкобирикмасининг бўяш эритмаси таркибида электролит ( $\text{NaOH}$ ,  $\text{Na}_2\text{S}_2\text{O}_4$ ,  $\text{NaCl}$ ) миқдори жуда (4-5 марта) юқори бўлганлиги сабабли лейкобирикма бир зумда тола юзасига сорбланади, яъни электролитлар таъсирида эритмадан толага итарилади. Куб бўёвчи моддаларнинг молекуляр ўлчами катта бўлгани сабабли лейкобирикманинг тола ичига диффузия тезлиги паст бўлади, яъни бўёвчи модда лейкобирикмаси жуда тез тола юзасига сорбланиб, унинг ичига диффузияланиб улгурмайди. Тола юзасида равон ранг ҳосил қилиш учун бўёвчи модданинг толага мойиллиги бўлмаган хинон формаси ёки кам мойилликка эга бўлган лейкокислотаси ҳолида қўллаб, эритмада электролит миқдорини камайтириш лозимдир. Ана шу ҳолатда сорбланиш жараёнида бўёвчи модда тола юзасида бир текис тарқалади.

Бўёвчи модда сувда эрувчан лейкобирикма ҳолида тола ичига диффузияланиб, унинг актив марказларига сорблангандан сўнг уни оксидлайдилар ва албатта совунлайдилар. Бунда қуидаги оксидловчилар ишлатилади:

а) совук сув ва ҳаво кислороди

б)  $\text{K}_2\text{Cr}_2\text{O}_7 + \text{CH}_3\text{COOH}$

в)  $\text{H}_2\text{O}_2$

Куб бўёвчи билан бўялган матони 2-3 г/дм<sup>3</sup>ли совун ёки САМ эритмасида қайнатиш (айрим ҳолатларда 70-85°C да совунлаш дейилади). Совунлашдан мақсад:

1. Толага боҚланмаган бўёвчи моддани ювиб чиқариш.

2. Тола Қовагидаги бўёвчи моддани аморф ҳолатдан кристалл ҳолатга ўтказиш ва ранг тусини турғунлаштириш, ранг туси равшанлигини кўтариш.

Куб бўёвчи моддалар билан целлюлоза матосини уч хил усулда бўяш мумкин:

1. Узлукли ишқорий - қайтарувчили

2. Узлуксиз икки босқичли ёки суспензияли

3. Узлуксиз лейлокислотали.

*Ишқорий – қайтарувчили усул.* Бўёвчи модда ишқор, натрий дитионит ва бирор хўлловчи модда(глицерин) билан 30-60°C хароратда яхшилаб аралаштирилади. Эритиши харорати бўёвчи модда маркаси бўйича танлаб олинади. Қайтарилиш жараёни давомийлиги бўёвчи модданинг эришига боғлиқ. Бўёвчи модда эрувчан ҳолатга ўтганда ранг ўзгаради. Эритиши жараёни тугагагач концентрангтан эритма керак бўлган концентрациягача суюлтирилади ва толали мато мақбул бўлган хароратда 1-1,5 соат давомида бўялади. Бўялган мато хавода оксидланади, совуқ сувда ва оксидловчи эритмасида ишлов берилади. Ранг равонлигини ва мустахкамлигини ошириш мақсадида совунлаш жараёни бажарилади. Совунлаш САМ ва сода эритмасида қайнаш хароратида олиб борилади.


Бу усулнинг камчилиги равон ранг хосил бўлишини қийинлигига, бунга сабаб лейкобирикманинг натрийли тузини толага мойиллиги, хамда бўяш ваннасида электролит концентрациясининг юқорилигидир.

*Суспензияли усул.* Суспензияли усулда бўёвчи модданинг ўта майдаланган қукунидан фойдаланилади. Бўёвчи модда суспензиясини тайёрлаш учун 5-50 г/л бўёвчи модда 1-2 г/л диспергатор билан аралаштирилади. Суспензия билан шимдирилган мато қуритилади ва ранг чиқариш ваннасида унга ишлов берилади. Ранг чиқариш ваннаси 60 г/л қайтарувчи, 70 г/л 52% ли ишқор эритмаларидан ташкил топган. Мато буғлатиш камерасида буғлатилади, сўнг оксидланиб, совунлаш жараёнидан ўтказилади. Суспензияли усулда равон ранглар хосил қилиш мумкин, лекин қимматроқ ўта майдаланган бўёвчи моддалар талаб қилиниши, бу усулнинг камчилиги хисобланади.

*Лейлокислотали усул.* Оддий қуқун ҳолатидаги куб бўёвчи ишқор (0,5-3 г/л) ва натрий дитионит (гидросульфит) (0,33-2 г/л) билан яхшилаб аралаштирилиб, сувда эрувчан ҳолатга келтирилади, сўнг диспергатор (0,25-0,5 г/л) ва CH<sub>3</sub>COOH (0,35 – 20 г/л) эритмаси билан аралаштирилади. Бунда ўта майда сувда эримайдиган лейлокислота дисперсияси хосил бўлади. Мато хосил бўлган лейлокислота дисперсияси билан шимдириллади, кейинги жараёнлар худди суспензияли усул бўйича олиб борилади.



Лейкокислотанинг толага мойиллиги пастроқ бўлгани сабабли ранг равон ҳосил бўлади.

Бўяш технологияси қуидагича:



Охирги


йилларда маҳсус танланган куб бўёвчилар билан полиэфир толалар термозол усулида бўялмоқда. Технологияси қуидагича:



3.7-расм. Куб қизил 42 бўёвчи моддасининг лейко кислотасининг натрийли тузи ҳосил бўгунга қадар қайтарилиш реакцияси.


Кубогенлар матони бўяш ёки гул босиш жараёнида мато ғовакларида куб бўёвчи ҳосил қилувчи сувда эрувчан оралиқ маҳсулотлардир. Кубогенларнинг куб бўёвчига айланиши ишқор ва қайтарувчили эритма билан шимдирилган матони буғлаш пайтида амалга ошади. Уларни куб бўёвчилар билан аралашма ҳолида, гул босишда эса актив бўёвчилар билан бир рапортда ишлатса бўлади. Кубогенлар куб бўёвчиларда йўқ қизил, алвоңранглар билан уларнинг ранбаранглигини тўлдиради. Кубогенлар учун ишқор ва қайтарувчи куб бўёвчиларга нисбатан камроқ ишлатилади, технологияси эса бир хил бўлади.

Олтингугуртли бўёвчи моддалар. Олтингугуртли бўёвчи моддалар целлюлоза толали материалларни бўяшда қўлланилади. Умумий кўринишда



Олтингугуртли бүёвчи моддалар билан тиник қизил ва бинафша рангларни хосил қилиб бўлмайди. Олтингугуртли бўёвчи моддалар билан целлюлоза толали матолар куб бўёвчи каби олдин ишқорий мухитда қайтарилиб бўялади, сўнг оксидланади. Қайтарувчи сифатида натрий сульфиддан ( $\text{Na}_2\text{S}$ ) фойдаланилади. Олтингугуртли бўёвчи моддалар энг арzon бўёвчи моддалардан хисобланади, бўяш технологияси осон. Олтингугуртли бўёвчи моддалар билан сувли ишловларга ўртача чидамли ранглар олинади Лекин равshan ва тиник рангларни хосил қилиб бўлмайди. Бўяш жараёнида эритмада сульфат кислота хосил бўлиб, мато пишиқлигини пасайтиради. Ундан ташқари оқова сувларга олтингугуртли моддалар тушиб экологияга салбий таъсир кўрсатади<sup>1</sup>.

Сувда эримайдиган олтингүүртли бүёвчи моддани эрувчан ҳолатга ўтказиш қуидагича олиб борилади:



Олтингугуртли бүёвчи аниони эритмаси билан мато шимдирилади ва тола ичига диффузия якунлангач, яна сувда эримайдиган пигмент ҳосил қилиш үчүн оксидланади.



Олтингугуртли бўёвчи моддалар асосан целлюлозали тола ва матоларни узлукли ва узлуксиз бўяшда ишлатилади. Олтингугуртли бўёвчилар билан бўяшда эритма тайёрлаш энг масъулиятли жараён бўлгани сабабли у маҳсус кимёвий станцияларда тайёрланади. Концентриланган эритма тайёрланиб, у керакли концентрациягача суюлтирилади ва трубалар орқали бўяш машинасига юборилади. Натрий сульфид буёвчи массасига нисбатан 50% атрофида олинади. Бўёвчини эритиш кучли ишқорий шароитда боради, бунда натрий сульфид ўз қайтарувчили хусусиятини намоён қиласи:

<sup>1</sup>Ryszard M. Kozlowski "Handbook of natural fibres" Volume 2: Processing and applications. Woodhead Publishing Series in Textiles: Number 119. © Woodhead Publishing Limited, 2012

Таркибидан 50÷100 г/дм<sup>3</sup>натрийсульфид, 1-3 г/дм<sup>3</sup>натрийгидроксидбүлгандында 1-4 г/дм<sup>3</sup>САМ, ва 100 г/дм<sup>3</sup>гачабүйчиаралашмаси қўшилади. Эрувчанликниширишмақсадида 0,2-2 г/дм<sup>3</sup>натрийкарбонат қўшилади. Эритма қайнатиш температурасигача қизитилади ва шу температурада то бўёвчи эригунча ушлаб турилади, сўнг сузилади. Узлукли бўяшда электролит (10 г/дм<sup>3</sup>) ва ранг равонлатгич қўшилади. Бўяш 90<sup>0</sup>С да 45-60 мин давом этади, оксидлаш 10-25<sup>0</sup>С да, 20-30 мин давомида оқиб турган совук сувда ювиш билан бирга амалга оширилади, иссиқ (70-80<sup>0</sup>С) ва совук сув билан ювилади. ДЦУ ёки ДЦМ (2-3 г/дм<sup>3</sup>) ва сирка кислота (30% лидан 1 г/дм<sup>3</sup>) эритмасида 50-70<sup>0</sup>С да 15-20 мин ранг мустаҳкамланади.



Олтингугуртли бўёвчилар вақт ўтиши билан толада парчаланади, ҳосил бўлган олтингугурт сульфат кислота ҳосил қилувчи SO<sub>3</sub> гача оксидланади, целлюлозали тола гидролизланиб, механик мустаҳкамлиги сусаяди. Оқова сувларга тушган олтингугуртли органик бирикмалар сувни биохимик тозалаш жараённига салбий таъсир кўрсатади. Шунинг учун олтингугуртли бўёвчилар билан чиқиндисиз бўяш технологияси яратиш муаммоси долзарбдир.

### **Назорат саволлари:**

- Ип газламаларни пардозлашга тайёрлашда тук куйдириш ва охордан тозалаш жараёнлари. Жараён технологияси ва жихозлари
- Ип газламаларни қайнатиш, қайнатиш эритмаси таркиби ва компонентлар вазифаси
- Ип газламаларни мерсерлаш, жараённинг мақсади, мохияти ва химизми. Мерсерлаш технологияси
- Турли материалларни актив бўёчи моддалар билан бўяш. Бўёш босқичлари. Бўёвчи модданинг сув ва тола билан реакцияси, бу реакцияларга таъсир этувчи омиллар.

### **Фойдаланилган адабиётлар:**

- The Secretary, Central Board of Secondary Education, Shiksha Kendra, Community Centre, Preet Vihar, “Textile Chemical Processing” Students Handbook + Practical Manual. FIRST EDITION : 2014 © CBSE, India. PRINTED BY : Dee Kay Printers 5/37A Kirti Nagar Indl. Area, New Delhi – 110015
- Ryszard M. Kozlowski “Handbook of natural fibres” Volume 2: Processing and applications. Woodhead Publishing Series in Textiles: Number 119. © Woodhead Publishing Limited, 2012

## **4-мавзу: Тикув буюмлари технологиясини ривожлантириш истиқболлари.**

Режа:

- 4.1. Ишлаб чикариш корхоналарида тикув буюмларини шакллантириш.
- 4.2. Тикув буюмларини такомиллаштириш йўллари.
- 4.3. Тикув буюмларини ишлаб чикаришда нанотехнологиялар.

**Таянч иборалар:** тикувчилик, ассортимент, маҳсулот, субъект, технология, трикотаж, газлама, кийим, полиэстер, буяш.

### **4.1.Ишлаб чикариш корхоналарида тикув буюмларини шакллантириш.**

Хозирда тикувчилик буюмларига бўлган эҳтиёжни қондириш учун ишлаб чиқариш ҳажмини ошириш билан бир қаторда маҳсулот сифатини, унинг техник даражасини оширишни яхшилаш, пухталигини ошириш тикувчилик саноати олдида турган асосий вазифадир. Бунинг учун эса ишлаб чиқаришни механизациялаштириш ва автоматлаштириш, янги, замонавий материаллардан кийимлар тикиш, бошқариш структурасини такомиллаштириш, ишлаб чиқаришни ташкил қилиш ва ривожлантириш, иш вақти, ишчи кучи ва ишлаб чиқаришнинг барча ресурсларидан оқилона фойдаланиш лозимдир.

Тикув буюмлари технологияси ривожлантиришнинг яна бир муҳим омили бўлиб, илм-фан ютуқларидан амалиётда фойдаланиш, янги техника-технологияларни жорий этиш бўйича амалий тадбирларни йўлга қўйиш, енгил саноат тармоқларининг худудлараро тақсимланишидаги номутаносиблик муаммоларини ҳал этиш ҳисобланади.

Енгил саноат корхоналарида ракобатбардош товар ишлаб чиқариш учун қўйиладиган талаблар қуйидагилардан иборат:

- ташқи ва ички бозорларда рақобаттга бардошли бўлган маҳсулотлар ишлаб чиқариш, бунда ип йигиришдан тайёр буюмлар ишлаб чиқаришгача бўлган барча технологик жараёнларда маҳсулотлар сифати оширилиши ва қиймати пасайтирилишини назарда тутиш;
- фаолият кўрсатаётган ишлаб чиқаришларни техника билан қайта жиҳозлаш ва замонавийлаштириш, бунда уларда замонавий илгор асбоб-ускуналар ва технологиялар жорий этилишини назарда тутиш;
- енгил саноат соҳасида жаҳон бозорида етакчи мавқени эгаллаган мамлакатлар тажрибасини чуқур ўрганиш ва маркетинг тадқиқотларини ташкил этиш, бунда тармоқнинг экспорт потенциалини ривожлантиришга ва товарларни ташқи бозорларга киритишга алоҳида эътибор қаратиш;

- тармоқда замонавий ахборот-коммуникация технологияларини жорий этиш, корхоналар ва ташкилотларга ахборот хизматлари кўрсатиш, кенг реклама фаолиятини амалга ошириш, шунингдек ишлаб чиқарилаётган маҳсулотлар кўргазмалари ва ярмаркаларини, шу жумладан чет элларда ташкил этиш;

Ишлаб чиқариш жараёнидан эскирган техника ва асбоб-ускуналарнинг чиқарилиши модернизациялаш жараёнининг муҳим кўрсаткичларидан бири эканлигини таъкидлаб ўтган эдик. Зеро, эскирган жиҳозларни аниқлаб, уларни ўз вақтида ишлаб чиқариш жараёнларидан чиқариб бориш маҳсулот сифатини ошириш, таннархини пасайтириш ҳамда унинг рақобатбардошлигини кучайтиришнинг муҳим шарти ҳисобланади. Ушбу тадбирлар ҳар бир корхона ва тармоқнинг модернизация дастурларига киритилган ва ўз вақтида амалга оширилган бўлиши лозим.

Ишлаб чиқаришни модернизациялаш жараёнларининг самарадорлигини ифодаловчи натижалардан бири ишлаб чиқарилаётган маҳсулот ёки кўрсатилаётган хизмат ассортиментининг кенгайиши ҳисобланади. Ишлаб чиқаришга янги замонавий техника ва технологияларни киритишда мавжуд маҳсулот тури билан бирга яна қўшимча янги маҳсулот турларини ишлаб чиқариш ёки унинг тайёрлик даражасини ошириш борасидаги навбатдаги технологик жараёнларни йўлга қўйишининг эътиборга олиниши муҳимдир. Шунга кўра, ушбу жиҳатлар корхона ишлаб чиқаришини модернизациялаш ва техник қайта қуроллантириш дастурларида ўз ифодасини топиши лозим.

Жаҳон бўйича енгил саноат тез ўзгарувчан ва ҳаракатчан тармоқлардан ҳисобланиб, бунга сабаб тармоқдаги рақобат курашининг кучли ва жадаллиги ҳисобланади. Миллий ва халқаро даражада рақобатбардош бўлиш учун тармоқдаги ишлаб чиқариш жараёнларини мунтазам янгилаш ва такомиллаштиришга интилиш, ҳаракатчанликни таъминлаш, моддий-техника базасини янгилаб туриш керак бўлади.

#### **4.2. Тикув буюмларини такомиллаштириш йўллари**

2015 йилга мўлжалланган енгил саноатни ривожлантириш дастурига мувофиқ соҳага энг замонавий технологиилар жорий этиш орқали ишлаб чиқарилаётган маҳсулот турларини ҳар йили йигирмадан ортиқ турга кўпайишига эришилмоқда.

Рақобатбардошликтининг бош омили ассортиментлар сермаҳсуллиги шаклланишига бозорда қуйидаги омиллар таъсир кўрсатади:

- енгил саноат маҳсулотлари ишлаб чиқарувчи субъектларнинг технология ва хом ашё таъминоти;
- маҳсулотларни сотиш усувлари;
- янги маҳсулотларга бўлган истеъмолчилар талаби;
- ташки савдонинг ривожланиб бориши.

Пахта толасини қайта ишлаш салмоғини күпайтириш, фаолият күрсатаётган корхоналарни техник қайта жиҳозлаш ва модернизациялаш, юқори технологияли янги фабрикаларни барпо этиш, ички бозорни тайёр маҳсулотлар билан тұлық таъминлаш ҳамда тармоқ экспорти салоҳиятини ошириш, кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликни ривожлантириш учун қулагай мұхит яратиш устувор вазифалар сифатида белгиланди.

Истиқлол йилларида тармоққа 2,2 млрд. долларлик чет әл инвестициялари жалб этилиб, 180 дан ортиқ йирик инвестицион лойиҳалар амалга оширилди. Пировардиде республикамиз иқтисодиётида енгил саноатнинг ўрни юксалиб, унинг ички ялпи маҳсулотдаги улуши 3,8 фоиз, саноат маҳсулотлари ҳажмидаги ҳиссаси 26,2 фоиз, ноозиқ-овқат истеъмол моллари ишлаб чиқаришдаги улуши 44 фоизга teng бўлди. Бугунги кунда енгил саноат соҳаси корхоналарида 70 мингдан зиёд ишчи-ходим меҳнат қилаётганлиги фикримизнинг яна бир тасдиғидир.

Шу ўринда яна айрим мисолларга эътибор қаратайлик. Масалан, сўнги 3 йил мобайнида умумий қиймати 575,3 млн. долларга teng, экспорт салоҳияти 215,8 млн. долларлик, 11,6 мингта янги иш ўрнига эга бўлган 92 та саноат корхонаси фойдаланишга топширилди. Хусусан, Кўқондаги тўқимачилик комбинати негизида лойиҳа қиймати 110 млн. АҚШ долларилиқ, йиллик қуввати 29 минг тонна ип калава ишлаб чиқарадиган “Индорама Коканд Текстиль” қўшма корхонаси, “Ўзтекс Груп” ҳамда “Свисс Капитал” (Швейцария) компанияси билан умумий қиймати 50 млн. АҚШ долларига teng, ишлаб чиқариш қуввати йилига 12 минг тонна ип калава бўлган тўқимачилик комплекси вужудга келди. Собиқ «Ўзбектекстильмаш» ишлаб чиқариш бирлашмаси негизида эса Швейцариянинг «Машиненфабрик Рите́р АГ» компанияси билан «Рите́р-Ўзбекистон» хорижий корхонаси ташкил этилиб, бу ерда пилталаш, тараш ва йигириш машиналари тайёрлаш йўлга қўйилди, бу юртимиз тўқимачилик машинасозлигини янги босқичга кўтариш имконини беради.

Тармоқнинг бугунги кундаги имкониятларига назар ташлайлик. Айни пайтда соҳанинг ип калава ишлаб чиқариш қуввати 450 минг тонна, газлама тўқиши 296 млн. кв. метр, трикотаж мато 90 минг тонна, тикувчилик-трикотаж маҳсулотлари 270,2 млн. донага teng. Умуман, мустақиллик йилларида «Ўзбекенгилсаноат» акциядорлик компанияси томонидан 29,1 триллион сўмлик саноат маҳсулотлари, шу жумладан 7,1 триллион сўмлик истеъмол товарлари ишлаб чиқарилди.

Тармоққа замонавий технологияларнинг олиб келиниши ҳам ўз самарасини берди. Хусусан, 1991 йилда маҳсулот экспорти 7 млн.доллар, жорий йил якуни бўйича эса 1 млрд. долларга этиши қутилиб, 120 баробар ўсишга эришилади. Бугунги кунда юртимиз енгил саноати маҳсулотлари дунёнинг 50 дан зиёд мамлакатига экспорт қилинаётганлиги ҳам қалбимизга фахр ҳиссини бағишилайди. Қолаверса, айни пайтда “Ўзбекенгилсаноат” акциядорлик компаниясида 270 та кичик корхона фаолият юритиб, компания таркибида корхоналар ишлаб чиқарадиган

саноат маҳсулотлари умумий ҳажмида уларнинг улуши 50,2 фоизга тенг бўлди.

Агар тўқимачилик в аенгил саноат 2014-2020 йилларда ривожланишининг техник-иктисодий мақсадли прогноз кўрсаткичларига назар солинса, саноат маҳсулотларини тайёрлаш ҳажми 2020 йилга бориб, 6,9 трлн. Сўмни ташкил этади, 2013 йилга нисбатан 3,2 марта ошади. Ип-калава ишлаб чиқариш 2,5 марта, газлама тайёрлаш ҳажми 2,8 марта, шойи газлама 2,7 марта, нотўқима матолар 1,5 марта, трикотаж матолар ишлаб чиқариш эса 2,7 марта кўпаяди.

Шунингдек, тикув-трикотаж буюмларини тайёрлаш миқдори ҳам мунтазам равишда ортиб боради. Жумладан, тикувчилик буюмлари 2020 йилга бориб, 3,2 марта, трикотаж маҳсулотлари 2,1 марта, хом ипак ишлаб чиқариш ҳажми 2,1 марта ошади. Қолаверса, тўқимачилик маҳсулотларининг асосий турларига бўлган эҳтиёжнинг солиштирма қондириш даражаси ҳам мос равишда кўпайиши таъминланади. Ёки 2013-2020 йилларда тайёр маҳсулот ишлаб чиқариш ўсишини биргина тайёр газлама мисолида олиб қарайлик. Бундан икки йил аввал тайёр газлама ҳажми 85,63 млн. кв. метрни ташкил этган бўлса, 2020 йилга келиб, бу кўрсаткич 459,2 млн. кв. метрга етиб, 5,4 баробарга ортади.

Охирги йилларда енгил саноат маҳсулотлари ичida трикотаж кийимлари ва матоларининг экспорт ҳажми ортиб боряпти. Эришилаётган натижаларнинг асосини қўшма корхоналарга олиб келинаётган сармоялар ва улар асосида илғор техника ҳамда технологиялар ташкил қиласди. Жаҳон тажрибасига кўра, енгилсаноатнинг ривожланиши иктисодий салоҳиятнинг келгуси ўсишига туртки берувчи асосий омиллардан бири ҳисобланади. Бу мақсадга эришишнинг энг самарали йўлларидан бири пахта толасини тайёр маҳсулот сифатида қайта ишлаш даражасини чуқурлаштириш ҳисобланади. Бу унинг қийматини 10 баробарга кўтаришга имкон беради. Республикада етиштириладиган пахта толасининг мамлакат ичкарисида қайта ишланадиган ҳажми 1991 йилдаги 7 фоиздан 2014 йилда 35 фоизгacha ортди.

“Кадрлар тайёрлаш миллий дастури” ва “Таълим тўғрисида” ги Ўзбекистон Республикаси қонунида узлуксиз таълимнинг мазмуний ҳамда ташкилий ривожланишига доир стратегик йўналишга асосланган ҳолда юқори малакали кадрларни тайёрлаш аниқ белгиланган. Унга кўра таълим ва кадрлар тайёрлаш тизимини жамиятда амалга оширилаётган ислоҳотларга мослаш, мамлакатнинг ижтимоий ва иктисодий тараққиёти истиқболларидан, фан, техника ва технологиянинг замонавий ютуқларидан келиб чиқсан ҳолда қайта қуриш каби вазифаларни ҳал этилишида малакали мутахассисларни тайёрлаш масаласи ўз ифодасини топган.

Инсонларнинг замонавий ва сифатли кийиимга бўлган эҳтиёжининг доимий ўсиб бориши корхоналар томонидан уларнинг ассортиментини кўпайтириш ва яхшилаш, сифатини оширишни талаб этади.

Республикамиздаги тикувчилик корхоналари, қўшма корхоналар ва якка буюртма асосидаги тикув корхоналари ишлаб чиқарадиган маҳсулотлари аҳолининг кийимга бўлган эҳтиёжини қондиришга хизмат қилади.

Бундан ташқари замонавий моделларни тайёрлашда янги кам операцияли технологияларни жорий қилиш, ишлаб чиқаришда энг янги техника ва технологияларни қўллаш, ишлаб чиқаришни ихтисослаштиришни давом эттириш, меҳнатни илмий асосда ташкил қилиш йўлидан бориш иқтисодиётимизнинг юксалишига муҳим омил бўлади. Бу эса ўз навбатида олий таълим профессор-ўқитувчиларидан якка буюртма асосидаги ва оммавий ишлаб чиқариш корхоналари учун амалий малака кўникмаларига эга бўлган кадрларни етиштириб бериш вазифасини талаб этади.

Тикувчилик саноати корхоналари учун уларнинг фаолиятида асосий масалалардан бири ассортимент сиёсати хисобланади. Махсулот таклифи ва унга талаб ассортимент структурасини аниклаш ва прогнозлаш билан боғлик. Тикув корхонаси учун махсулот куввати аник истеъмолчи гурӯхларини хисобга олиб аник курсаткичлар буйича характерланиши лозим. Бунда кайси буюм истеъмолчиларнинг турли гурӯхи талабларига жавоб беришини аниклаш мумкин, лекин келажак учун аник моделга талабни прогнозлаш мураккаб.

Ассортиментни шакллантириш- узлуксиз жараён булиб махсулотни хаётий циклида уни яратиш хакида фикр тутгилгандан бошлаб то ишлаб чиқаришдан чиқаргунга кадар давом этади.

Ҳар бир буюм ўзининг хаёт циклига эга бўлиб унинг характеристи ва давомийлиги кўплаб амиллар ва шароитларга боғлиқ.

Махсулот хаёт цикли иккита оралиқдан иборат: ишлаб чиқаришни ўзлаштириш ва бозор периода. Бозор периоди 4 та фазадан иборат: тадбиқ фазаси (махсулотни бозорга олиб кириш); ўсиш фазаси, етилиш фазаси, наскшения фазаси ва тушиш.

**Тадбиқ** босқичида янги махсулот учун бозор яратилади. Савдо сотикнинг ўсиш суръати харидорнинг янги махсулотга эга бўлиш хоҳишини аниқловчи янгилик, сифат, рақобатбардош махсулот баҳоси ва бошқа курсаткичларга боғлиқ.

Бу босқичда асосан ишлаб чиқаришнинг катта сарф харажатлари юзага келади ва фойда кам ёки салбий бўлади. Махсулот тури ва истеъмол бозори турига қараб буюмга нарх белгиланади. Корхона махсулот савдо сотигини юқори ва шу билан бирга паст нархда бошлаши мумкин.

Бозорга махсулотни олиб чиқиши хеч бўлмагандан катта бўлмаган реклама сарф харажатлари ёрдамида бўлиши керак.

**Ўсиш** босқичида махсулот ишлаб чиқариш кенгаяди ва реализация натижасида фойда ўсади. Махсулот тури бўйича моделлар серияси ишлаб чиқариш амалга оширилади ва нарх белгиланади, оммавий реклама қўлланилади.

**Етилиш (зрелость)** босқичида маълум турдаги тикув буюмлари фарқланувчи афзаликлари сақланади ва савдо хажми стабиллашади. Бу рақобатни кучайишига, талабни пасайишига ва охир оқибат фойдани қисқаришига олиб келади. Бозорда ҳар хил нархдаги маҳсулотнинг ассортимент гуруҳи бўлса бозорда уни олдинга силжиши қийинлашади.

**Тушиш** босқичида маҳсулотни савдо сони камаяди ва фойда камаяди. Бу шу маҳсулотни ишлаб чиқариш ҳажмини қисқаришига, кейин эса тутатилишига олиб келади.

Ассортиментни режалаштириш ва бошқариш маркетингни ажralmas қисми. Хаттоқи яхши ўйланган ишлаб чиқариш ва реклама режаси ассортиментни режалаштиришда қилинган хатони тўғрилаб бўлмайди.

Маълумки, буюмнинг рақобатбардошлиги корхонанинг ассортимент сиёсати билан узвий боғлиқ. Шунинг учун мақбул ассортиментни белгилаш учун тикув буюмларини истеъмолчи ва иқтисодий хусусиятлари тадқиқотини олиб бориш лозим.

Тикув буюмларини рақобатбардошлиги истеъмолчиларни ижтимоий сўровнома натижалари бўйича аниқлаш мумкин.

Тикув корхонаси мобиллигини таъминлаш учун кийим ассортиментининг таркиби ва структураси ҳақида тўлиқ, ишончли ва керакли маълумот келиб тушиши керак.

Кийим ассортиментини шакллантиришда комплекс ёндашув муҳим ҳисобланади. Мақбул маҳсулот ассортиментини шакллантириш методлари:

- Эксперт;
- Лойиҳавий;
- Мақсадли дастурлаш.

Эксперт методи тажрибали мутахассисларнинг хulosаларини талаб қиласиган қарор қабул қилишда қўлланилади. Лойиҳавий метод товар типология лойиҳасини ишлаб чиқишида қўлланади. Мақсадли дастурлаш методи умумий мақсад асосида ассортиментнинг турли хил ишлаб чиқариш босқичларини бирлаштиради.

Маълумки, бозорни тўйиниши ишлаб чиқарилаётган маҳсулот ассортиментини аҳоли талабига мос тушмаслиги билан белгиланади. Аҳоли талабини ўрганиш бўйича ишларни кучайтириш ва шу билан бирга қабул қилинадиган қарорни самарадорлигини оширишда истеъмолчиларнинг конкрет гурухлари талабларига мос ассортимент концепциясини ишлаб чиқиш лозим.

Бозорни урганишда асосий обьект истеъмолчи хисобланади. Истеъмолчини ва талабни урганиш куйидаги кетма-кетликда амалга оширилади:

- бозор сегментацияси;
- бозорда харидор холатини тадқик килиш;
- коникарсиз талабларни аниклаш.

Бозорни сегментлаш-бу талаб, эхтиёж ва хохиш нисбий бир хиллиги билан фаркландиган истеъмолчилар гурухлари классификацияси. Ишлаб чикаришни аник истеъмолчининг талабини кондирадиган махсулот тайёрлашга мослаштириш максадга мувофик. Бозор сегментацияси методини танлаш корхона кандай стратегияни танлашига боғлик.

1. Концентранган сегментация- битта махсулотни алоҳида бозор сегменти учун таклиф этиш. Масалан: масъулияти чекланган кичик корхоналар ракобат учун бозорда «ўз» урнини топишга харакат килишади.

2. Ассортимент сегментацияси-бир ассортимент гурухидаги бир неча махсулот турини бир сегментга таклиф килиш. Масалан: улгуржи савдо корхонаси магазинларга «пакет» хизмат курсатиш, яъни турли хил моделлар ва буюмлар, м-н, пальто гурухи ва х.к.

3. Дифференциал сегментация-бир неча сегментга турли хил махсулотларни таклиф килиш.

Шахсий буюртма махсулотлар истеъмолчиларини классификациялаш учун куйидаги мезон гурухлари кулланилади:

-географик (иқлим, рельеф, урбанизация (шахарда ахолини купайиши));

-демографик (ахоли сони, туғилиш даражаси, жинсий ёш структураси, оила таркиби, миллати ва б.к.)

-иктисодий (даромад, талаб даражаси, жамгарма даражаси, престиж махсулотга муносабат, махсулот маркасига муносабат);

-ижтимоий-маданий (касби, таълим даражаси, ижтимоий мухит, урф-одат, анъаналар ва б.к.);

-психографик (узи хакидаги тасаввур, турмуш тарзи, шахс типи и б.к.).

Ишлаб чикариладиган махсулотни сотиш учун бозорнинг мавжудлиги куйидаги саволларга жавоб бериш билан аникланади: махсулотни бугун, бир ойдан кейин, бир йилдан кейин ва х.к. ким, нима учун, канча ва качон сотиб олишга тайёр.

Агар махсулот даромади юкори булмаган истеъмолчилар учун мулжалланган булса, у холда корхона юкори хажмда сотишни хисобга олишга асоси булади, яъни бу бозор сегменти етарли кенг имкониятли.

Корхона махсулоти ракобатчининг махсулотига солиштирганда харидоргир булса, махсулотнинг кувват хажмини ошириш керак. Лекин шу билан бирга махсулотга талаб ва ассортимент мавсумбоплигини эътиборга олиш керак.

Бугунги кунда кичик бизнес корхоналарининг қупчилиги учун ассортиментни шакллантириш муаммолигича колмокда. Кичик корхоналар учун ракобатли мода саноатида бу масалани самарасиз ечими халокат хисобланади. Корхонанинг «ассортимент сиёсати» куйидаги икки саволга жавоб излаш жараёнида аникланади: нима ишлаб чикариш керак ва канча микдорда?

Ишлаб чикариш корхоналарида ассортиментни шакллантириш буйича комплекс тадбирларга катор талаблар белгилаш мумкин:

1. Фойдани ошириш максадида иктисадий самарадорликни таъминлаш учун фирманинг бор ресурсларини максимал қуллаш.

2. Корхонанинг маҳсулот ассортиментини бошкариш буйича харакати максадли йуналтирилган ва адресли характерга эга булиши керак (маҳсулот гурухини танлашни аниклаш буйича чора тизими, ассортиментни макбул структурасини шакллантириш жараёни, корхонанинг номнклатурасини аниклаш ва маҳсулотни реализация килиш).

3. Ассортимент сиёсати истеъмолчи талабларини хисобга олиб шаклланиши лозим.

Ассортиментни шакллантиришни узига хос хусусияти жараённи цикллиги ва узлуксизлиги. Ассортимент ишлаб чикариш жараёнининг узлуксизлиги бозор муносабатлари иштирокчилари белгилаган объектив бозор шароитлари билан белгиланади. Бу ерда эҳтиёжнинг маданий ривожланиши, янги тенденциялар хамда илмий-техник прогресс таъсирида узгарадиган истеъмолчилар хохиши асосий ахамиятга эга.

Ассортиментни шакллантиришни цикллиги бир томондан истеъмолчилар хохишини қониқтирадиган мавжуд маҳсулотларни такомиллаштиришни, иккинчи томонданмавжуд ва юзага келадиган талабни қониқтириш учун янги маҳсулот яратишни таъминлайди. 1 расмда ишлаб чикариш корхонасининг ассортимент сиёсатини шакллантириш структураси келтирилган.

1. **Истеъмолчи тахлили.** Корхона маҳсулотни кайси аудитория учун ишлаб чикаришни аниклаб олиши керак. Бу боскичда бозорни кичик гурухларга булиниш жараёнини уз ичига оловчи истеъмолчининг сегментацияси асосий вазифа хисобланади. Бунда гурухнинг хар бирида истеъмолчилар умумий хохиш билан характерланади. Истеъмолчилар тахлили ассортиментни шакллантиришда асосий боскич хисобланади ва максадли сегмент истеъмолчисининг портретини урганишда олинган маълумотларга курилади. Истемолчи хохишини белгилашда хар хил методикалар кулланади: фокус-гурухлар, анкеталаш, кузатиш, интервью. Катта булмаган корхона учун бундай методикалар кимматга тушиши мумкин. Хозирда интернет-сурвейнома методикаси истеъмолчининг хохишини тахлил килиш учун арzon ва маълумотни тез йигиши таҳлил килиш учун кулай хисобланади.

2. Маҳсулот-аналог баҳоси-ракобатчиларнинг тахлилини белгилайди. Бу боскичда ракобатчи-ишлаб чикарувчиларнинг маҳсулоти хакида етарлича маълумотга эга булмаслик кийинчилик тугдиради. Улар уз маҳсулотини бозорда етарлича кенг тарғиб этмаган, шу билан бирга бозорда уз улушкига даъвогарлик килувчилардир. Ракобатчи-ишлаб чикарувчилар мониторинги вазифасини ечиш имкониятлари ракобатчи

маҳсулотларини интернет-ресурс салони каталоги оркали урганиш хисобланади.



#### 4.1 расм. Ишлаб чиқариш корхонасининг ассортимент сиёсатини шакллантириш

3. Маҳсулот-аналог баҳоси-ракобатчиларнинг тахлилини белгилайди. Бу боскичда ракобатчи-ишлаб чиқарувчиларнинг маҳсулоти хакида етарлича маълумотга эга булмаслик кийинчилик тугдиради. Улар уз маҳсулотини бозорда етарлича кенг тарғиб этмаган, шу билан бирга бозорда уз улушкига даъвогарлик килувчилардир. Ракобатчи-ишлаб чиқарувчилар мониторинги вазифасини ечиш имкониятлари ракобатчи маҳсулотларини интернет-ресурс салони каталоги оркали урганиш хисобланади.

4. Маҳсулот спецификациясини ишлаб чикиш истеъмолчилар ва шахсий маҳсулот ишлаб чиқариш учун маҳсулот-аналог тахлилидан олдин утказилган натижаларни хисобга олиш лозим. Бу мураккаб жараён булиб, олинган маълумотларни тизимлаштириш ва узининг маҳсулотини уникал характеристикаларини ажратишни талаб килади. SWOT- тахлил маҳсулотни афзаллик ва камчиликларига, хамда унинг олдинга силжиши учун имкониятлари ва кийинчиликлари га баҳо беради. Бундан ташкари SWOT- тахлил компания маҳсулотини олдинга силжишнинг мавжуд стратегиясини баҳолаш ва уни такомиллаштиришнинг кейинги йуналишларини ишлаб чикиш учун куллаш имконини беради.

5. Ишлаб чиқариш хажмини аниклаш потенциал талаблар билан узаро боғланган корхонанинг барча мавжуд ресурсларига асосланади. Бу боскичда хар бир маҳсулот турини истеъмолчи сегментлари буйича таксимланиши билан ишлаб чикиш улушки хакидаги масалани ечиш лозим.

Биринчидан ута ишлаб чикаришга йул қўймаслик, иккинчидан-мавжуд талабни кондириш. Шуни таъкидлаш лозимки, истеъмолчининг коникарсиз талабида компания узининг харидорини йукотади, натижада ракобатчи томонга утиб кетиши мумкин. Мавжуд корхоналарда бу масала утган мавсумдаги савдо хакидаги мавжуд маълумотлар асосида хал этилади. Лекин бундай ёндашув хар доим хам самарали хисобланмайди. Бу ерда асосий курол булиб бозор конъюнктураси, макроинтисидий прогноз ва бозорнинг умумий шарт-шароити тахлили хизмат килиши мумкин.

Юкоридаги босқичлар уртасида энг муҳими истеъмолчи тахлили хисобланади. Куп корхоналар бунга кам ахамият беради, бу кичик корхоналарда сифатли ва чукур тахлил уtkазиш имкониятлари йуклиги билан боғлик. Шунга асосан куйидаги тадқикот натижалари кичик корхоналарда ассортиментни шакллантиришда масалани қабул килиш учун долзарб масала хисобланади.

Ассортиментни такомиллаштиришнинг имкониятли йуллардан бири сегментлаш гурухининг ичида мавжуд омилларни хисобга олиб гардеробнинг шаклланиши алгоритмини куллаш. Бундай омилларга истеъмолчи учун характерли яшаш услуги, модага интилиш даражаси, шахсий эҳтиёж, нарх сиёсати ва х.к. (4.2-расм).



#### **4.2 –расм. Истеъмолчининг рационал гардеробини шакллантириш хусусиятлари**

Корхонанинг ассортимент сиёсатини шакллантиришни бошқа босқичи ўзаро алмашувчи ёки универсал буюмларни киритиб коллекция қаторини ишлаб чиқилиши керак. Гардеробнинг универсал элементларини яратиш ва реализация қилиш харидорга қўшимча харажатсиз турли хил образларни яратишга ёрдам беради, бу ўз навбатида компания имиджига ижобий таъсир кўрсатади.

Шуни таъкидлаш лозимки, чет эл магазинларида таркибидан барча элементлар, жумладан аксессуарлардан ташкил топган шахсий гардеробни тўлдириш учун тайёр капсулалар тез-тез учрамоқда. Бу “капсулали гардероб” деб номланади. Капсула ўзининг такибидан берилган вазифа, услугуб ва колористик ечим билан функционал ўзароалмашувчи элементлар (5-8 буюм) билан характерланади. Бундай ҳолда харидор учун сотувчи ва ишлаб чиқарувчи хал этади. Ишлаб чиқарувчи ва сотувчининг савдо-ишлаб чиқаришнинг узвий хамкорлигига ўзининг ижобий томонлари мавжуд: харидор алохида буюм эмас, балки бир вақтда комплектга эга бўлади, бу савдо хажмини ва фойдани оширади. Ўз навбатида харидор вақтни иқтисод қилиб, бошқа шахсий масалалар учун сарфлаши мумкин<sup>1</sup>.

Ассортиментни шакллантириш асосида капсулали ёндашувни қўллаб яна бир муҳим омилни киритиш лозим, яъни истеъмолчи гурухини ташки қўринишнинг ранг типи бўйича деталлаштириш. Кийимда услубий ечим (стилевое решение) танлашда объектив табиий белгиларни(данные) хисобга олмаслик мумкин эмас. Маълумки, хар бир инсон қайтарилмас, ўзига хос ташки қўриниш-габитусга эга. Амалиётда кийимни лойихалашда шахсий хусусиятлар хозирча фақат қомат параметрларини ўлчам ўзгаришларини хисобга олиш даражасида амалга оширилади. Шахснинг ранг типи (соҳ ранги, кўз ва терининг индивидуол бирлашмаси) габитуси корхонанинг ассортимент сиёсатини шакллантиришда асосий қўрсаткичлар бўлиб хисобланиши керак. Яқин келажакда корхона ассортиментида на фақат олахида капсулалар, балки аниқ бир рангдаги клиентлар учун бутун коллекциялар қилиш имкониятлари бўлиши мумкин.

Истеъмолчиларни сегментациясида бундай мезонни қўллаш “йил мавсуми\вақт” ва “ранг йўналиши” назариясида ташки колористик хусусиятларига боғлиқ ҳолда истеъмолчиларнинг классификацияси тавсия этилади. Ташки қўринишнинг асосий ранг типи сифатида 4 та “мавсум” бўлиши мумкин: баҳор, ёз, куз ва қиши ёки 6 та ранг йўналиши: совуқ, иссиқ, ёрқин, юмшоқ, насқшенкӣ ва ясное. Мавсум назарияси хар бир типнинг юз рангига аниқ йил вақтидан келиб чиқади, булар: қишининг интенсив, контраст ва совуқ ёки баҳорнинг иссиқ ва ёрқин ранглар ёки кузнинг ранг баранглиги.

Юқоридагидан шундай хулоса қилиш мумкинки, истеъмолчи сегментациясини ташки қўринишини ранг типи бўйича ассортиментни шакллантириш таклиф этилади. Бундан ташқари ассортимент ишлаб чиқишида умумий хажмининг катта қисмини харидорнинг манфаати кўзда тутилган ҳолда ишбилармон кийим ва тантанавор кийимга тақсимлаб таклиф этилади.

---

<sup>1</sup>C. Lawrence. High Performance Textiles and Their Applications. Woodhead publishing. England, 2014

Корхонанинг ассортимент шаклланиши бу мураккаб, лекин мухим масала хисобланади, ассортимент сиёсатини йўқлиги, маҳсулотни самарадорлиги ва рақобатбардошлигини назоратини йўқотиш каби тасодифий омиллар таъсирида ассортиментни барқарор бўлмаган структурага олиб келади. Ассортиментни бошқаришнинг мураккаблиги на фақат корхонанинг барча хўжалик фаолиятини координация қилиш, яъни хом ашё келиб тушишидан то ишлаб чиқилган маҳсулотни реализация қилиш, балки харидор томонидан талаб бўлган “тўғри” маҳсулотни ишлаб чиқишидир.

#### **4.3. Тикув буюмларини ишлаб чиқаришда нанотехнологиялар**


Инсонни беш ҳил сезиш органлари мавжуд: бу қўриш, эшитиш, сезиш, ҳид ва таъм билишдир. Барча ҳиссиёт органлари инсон миясига ташки дунёни яҳши ўрганишда маълумотларни йиғишга ёрдам беради. Ушбу сезиш органларини солишиши тўқимачилик датчикларини ўрганишда катта ёрдам беради. Сунъий қўриш воситалари яъни тиббиётда (рентген нурлари, ультра товуш тадқиқотлари) саноатда (машиналар кузатиши), ҳарбий соҳада (назорат ва ракеталарни кузатиши), саноат (машинасозлик кузатишилари), ҳарбий (назорат, ракета назорати) элесктрон соҳа (Гоогле очкилари). Товуш ва аудио системалар ҳам сезиш органларини ўрганишда кенг қўлланилган. Ҳозирги кунда ҳидни ва таъмни билишда ҳам таъм ва ҳид стимуляторларини сунъий турлари жадаллашиб бормоқда. Умуман айтганда инсонни бешта сезиш органлари анатомик жиҳатдан ҳар ҳил жойда жойлашган бўлсада шулардан биттаси бутун танада ишлайди, бу танани сезиш қобилиятидир. Ташки дунёдаги обьект ва ташки кучлар билан тўқимачилик сенсорлари тери орқали алоқада бўлади. Бу қобилият инсонни иссиқни ва совуқни, статик силжишни, дағал ва силлиқни, қаттиқ ва юмшоқни ажратишга ёрдам беради. Ҳаттоқи қўриш ва эшитиш қобилияти йўқолганда ҳам инсон ўзини заарли таъсирлардан ва Брайил символларидек обьектларни ушлаб қўриш орқали нотаниш жойда сақлай олади.

Инсон-машина ҳамда инсон-компьютер мутаносиблиги ўз ичига режалаштириш, лойиҳалаштириш ва одамлар, машиналар ва компьютерларни ўртасидаги узвий боғлиқликни ўз ичига олади. Одам-машина ўзаро ёки инсон-компьютер шовқинни ўрганиш, режалаштириш, дизайнини ўз ичига олади, ва инсонлар ва машиналари ёки компьютер ўртасидаги ҳамкорликдан фойдаланади. Инсон-машинанинг узвий боғлиқлигини кейинги пайтларда робототехникада, биотиббиётда ва манекенларда тўқимачилик датчиклардан кенг фойдалиниб келинмоқда. Робототехника тўқимачилик сенсорлаштиришда ташки муҳит билан алоқани интеллектуал роботларни янги авлодлари амалга ошириб келмоқда. Бу ҳолат биотиббиётда жарроҳларга минимал инвазив жарроҳлик (Нигел) операция амалларини масофадан туриб бажариш имконини беради. Интеллектуал тўқимачиликда, бу технологиялар кийим

ва пойафзалларни кийишида қулайликларни баҳолаш ва одамни соғлигини мониторинг қилиш учун инсонни физиологик сигналлари түплашни ўрганиш ва тахлил қилишида қўл келади. Бундай датчиклар тайёр тикув буюмларини синашда ва яроқлилик сифатини текширишда ёрдам беради<sup>1</sup>.

Чет эл илмий тадқиқот ишларини кузатадиган бўлсак, ҳозирда “Смарт тўкимачи” тадқиқот йўналишида фан ва технологияда янги нанофазаниниг ривожланиши газлама толасида ва шу билан бирга кийим тизимида қўлланишига олиб келмоқда. Кичик хажмдаги қурилмаларда электрон ва фотон функцияларини қўллаш орқали толани юзасига ёки унинг қисмига жойлаштириш орқали инсоннинг меҳнат фаолиятини оширишга, чарчаҳ хусусиятларини камайтиришга олиб келади. Бундай қурилмалар камхаражатли ва экологик тоза жараёнда тайёрланади. Лю ва унинг шогирдлари томонидан яратилган композит тола (3,4-этилендиокситиоfen) -polystyrene сульфокислотани polyacrylonitrile (PAN) билан аралштириш натижасида олинган. Нотукима материаллардан қилинган маҳсус кийимлар хавфли кимёвий юкни ташишда, объекти кимёвий тозалашда кенг кулланилиши мумкин<sup>1</sup>.

Нотукима материаллар чанг, суюклик ва газларни киришига карши восита вазифасини таъминлаши мумкин. Бир вактнинг узида нотукима материаллар иссиликни кийимдан танага утишини чегаралайди. Фаолиятнинг кучланиш юкори вактида танада иссиликни ажралиб чикиши купайиши мумкин. Бундай холат кийимни кийган кишида нокулайлиқ, чарчаҳ, меҳнат унумдорлигини пасайиши, оғир холатларда эса соғлиги ва хавфсизлигига салбий таъсир курсатади. Бундан ташқари кимёвий химоя кийимини термо физиологик хоссларни эътиборга олиб медицинада хирургик кийим, униформа сифатида қўллаш мумкин.




**4.3-расм. Датчик ўрнатилган ички кийим**

<sup>1</sup>Xiaoming Tao. Handbook of Smart Textiles, Germany, Springer. 2015

Смарт текстиль ва кийим реабилитация, маданий хордик чиқаришда, спорт ва б.к. сохаларда қўллаш мумкин. Мосланувчан биохимик датчиклар тикувчилик саноатида тернинг ажралиб чиқишини аниқлаб беради. 4.3-расмда ички кийимнинг бел қисмига эластик белбоқса биохимик датчиклар ўрнатиш орқали амалга оширилган. Бунда амперметр орқали pH ни баҳолаш ва тердаги тузнинг миқдорини аниқлаш мумкин бўлади<sup>1</sup>.

Ҳаракати чегараланган кишилар учун реабилитация кийимларини ишлаб чиқиш чет олимлари олдида турган асосий вазифалардан биридир. Ёши катта инсонлар орасида бош миянинг шикастланиши натижасида ҳаракати чегараланганлар сони етарли даражада. Бу кишиларнинг соғлиғини тиклаш, уларни хаёт тарзига қайтариш усулларидан бири бу уларга қулай бўлган кийимни яратишидир. Пневматик привод ёрдамида кийимда роботлаштирилган ускуна орқали ҳаракатларни таъминлаш мумкин.

Кичик ҳажмдаги бир ўчамдаги электрон қурилмада толали сим газламани тўқиши жараёнида ўрнатилади ва ундан тўқилган кийим инсонни атроф мухит зарарли омилларидан, шу билан бирга ёруғликдан, ҳароратни тушиб кетишидан химоя қилишни таъминлайди (4.4-расм)<sup>2</sup>.



**4.4-расм. Органик ўтказма толадан тайёрланган қурилма (2014 Wiley-VCH Verlag GmbH & Co. KGaA, Вайнхайм)**

Кенглиги 27 см ва узунлиги 14 см бўлган тўқимачилик электродлари PEDOT: PSS/PVA аралашган толаларини матонинг арқоқ йўналишида қўлланилиши асосида олинган (4.5-расм). Тўқимачилик электроди иккита

<sup>1</sup>Tünde Kirstein. Multidisciplinary Know-How for Smart-Textiles Developers. Woodhead publishing. Swetherland, 2013


<sup>2</sup>Xiaoming Tao. Handbook of Smart Textiles, Germany, Springer. 2015

перпендикуляр ип комплекти ва ўтказувчи PEDOT: PSS/PVA аралашган толалари ўтказмайдиган чўзилувчан полиуретан толалари билан бирга ўрилади. Ўтказувчи толалар матонинг арқоқ ипи сифатида тўқиши асбобидан фойдаланган ҳолда тўқилган (4.6-расм). Тўқимачилик электродли толанинг зичлиги ҳар 1 см га узунлиги бўйича 38 та тола тўғри келган. Ўтказувчи толалар тўқувчиликда ишқаланиш ва чўзиш ҳамда эгиш кучланишларига такоран учраганда шикастланмайди. Бундан ташқари, ўтказувчи толалар асос толаларга ўхшаб деярли бир хил электрон қаршиликни намойиш қиласди. Шундай қилиб, PEDOT: PSS/PVA аралаштирилган толалар тўқувчилик жараёнида электрон ўтказувчанинги саклаган ҳолда яхши механик хоссаларни кўрсатади<sup>1</sup>.

Электр импульслари одам танасидаги маҳсус нуқталарга электродларни жойлостириш орқали аниқланиши мумкин. Мато ичида ўтказувчи толалар ташқи томондаги доскага ўрнатилган бўлиб, у электрокардиограммани аниқлайди (ЭКГ) (4.6-расм).

Тўқимачилик электродларининг икки қисми ҳар бир қўл билан тегилганида ЭКГ сигнални юрак уришига мос равишда кучланишини ўзгариши сифатида олинади (4.5-расм). Р-чўққилар ЭКГ сигналидан яққол кўринади. Р-чўққи артериал сиқилишининг охри ва вентриал сиқилишнинг бошини кўрсатади. Р-чўққиларни ҳисоблаш билан аниқланган юрак тезлиги инсон бармоғидаги тижорат плазмографига биноан аниқланади. Юрак тезлиги инсон танасида тез-тез ўлчанадиган параметрлардан бири ва саломатликни аниқлашда муҳим рол ўйнайди. PEDOT: PSS/PVA аралашган толалари асосидаги тўқимачилик маҳсулотлари юрак тезлигини аниқ ўлчаш учун эгилувчан электродлар сифатида ишлаши мумкин<sup>1</sup>.

Тўқимачилик электродлари кийимлар ва қўлқоплар ичида жойлаштирилганида, одам танаси билан таъсирлашаётган тўқимачилик электродлари жорий вақтда юрак тезлигини ўлчаш имконини беради.




4.5-расм. ЭКГни аниқлаш учун мўлжалланган иккита тўқимачилик электродларининг фотосурати (а). ЭКГ спектрини тўқимачилик электродлари (узлуксиз чизик) аниқлайди ва тижорат плазмограф қўл бармоғига ўрнатилган (нуқтали чизик)

<sup>1</sup> Xiaoming Tao. Handbook of Smart Textiles, Germany, Springer. 2015



4.6-расм. PEDOT: PSS/PVA аралашган толалари асосидаги түқимачилик электродларини тайёрлаш учун мўлжалланган тўқувчилик дастгоҳининг фотосурати<sup>1</sup>



Ушбу технология *Morpho* микроскопик қурилма асосида капалак қанотидан тайёрланган полиэстер тола бўлиб, қалинлиги 15 -17 мик., 61 қаватли нейлон ва 70-90 нм калинликдаги полизэфир толаларидан иборат. Бунда буёк ва пигментлар ишлатилмайди, табиий рангга эга. Шунинг учун энергия сарфи ва саноат чикиндилари сарфи камаяди, чунки хеч кандай буяш жараёни талаб этилмайди (4.7 расм)<sup>2</sup>.

*Термохромизм* - ташки мухит харорати узгариши билан материал рангининг узгариши. Хром буёклардан фойдаланиб спортчи танасидаги хароратни кузатиш (4.8-расм).



4.8-расм. Хром буёклардан фойдаланиб спортчи танасидаги хароратни кузатиш

<sup>1</sup> Xiaoming Tao. Handbook of Smart Textiles, Germany, Springer. 2015

<sup>2</sup>Tünde Kirstein. Multidisciplinary Know-How for Smart-Textiles Developers. Woodhead publishing. Swetherland, 2013

*Фотохромизм* - электромагнит ультрабинафша нурлари таъсирида материал рангининг узгариши. Ультрабинафша нурлари таъсирида фотохром материали структурасининг вактинча ўзгариши (4.9-расм).



**4.9-расм.** Ультрабинафша нурлари таъсирида фотохром материали структурасининг вактинча ўзгариши<sup>1</sup>

#### **Назорат саволлари:**

1. Буюм ишлаб чиқариш босқичлари.
2. Тажриба цехининг асосий вазифалари.
3. Тажриба цехидаги гурухлар номи.
4. Андазалар тайёрлаш техник шартлари ва қўлланадиган асбоб-ускуналар.
5. Андазалар турлари.
6. Андазаларни экспериментал жойламаларда жойлатириш техник шартлари.

#### **Фойдаланилган адабиётлар:**

1. Xiaoming Tao. Handbook of Smart Textiles, Germany, Springer. 2015
2. Tünde Kirstein. Multidisciplinary Know-How for Smart-Textiles Developers. Woodhead publishing. Swetherland, 2013
3. C. Lawrence. High Performance Textiles and Their Applications. Woodhead publishing. England, 2014
4. Расулова М.К. ва б.к. Кийим ишлаб чиқариш технологияси. Тошкент. 2014
5. Серова Т.М.Афанасьева А.И., Иллиаронова Т.И., Делль Р.А. “Современные формы и методы проектирования швейного производства” Учебное пособие. М. МГУДТ. 2004 г -283с.

---

<sup>1</sup> Xiaoming Tao. Handbook of Smart Textiles, Germany, Springer. 2015

## **5-мавзу: Костюм дизайнининг эвристик ва бадиий лойиҳалаш усуллари.**

### **Режа:**

- 5.1.Костюм дизайнода ижодий манбалар
- 5.2.Костюмни бадиий лойиҳалаш усуллари

**Таянч иборалар:** дизайн, костюм дизайн, ижодий манбаа, либослар тўплами, эвристика, эвристик ижод усули, бионика, трансформация, аналогия, ассоциация, декомпозиция, ақлий хужум, креатив фикрлаш, инверсия, деконструкция, модулли лойиҳалаши.

### **5.1.Костюм дизайнода ижодий манбалар**

Дизайнер костюм коллекциясини яратишда ижодий манба сифатида ҳар қандай табиий ҳодисалар, буюм муҳитнинг турли элементлари, дунёда содир бўлаётган воқеалар, мусиқа, рангтасвир, адабиёт, балет, театр, цирк, кино, томоша тадбирлари, этник мавзулар, меъморчилик, муҳандислик иншоатлари, машина деталлари, турли механизмлар, майший буюмлар, амалий санъат асарлари (шиша, тош, ёроч, металл, керамика ва б.), мусиқа асбоблари, ер фактураси, юлдузли осмон, оригами ўйини, экология, тарихий, ҳалқ ва классик костюмлар, эклектика усули, пародия усули, стилизациялаш усули ва ҳ.к. бўлиши мумкин<sup>1</sup>.

Ҳар бир дизайнер ўз фаолиятининг муайян босқичида тарихий ва ҳалқ анъаналари билан илҳомланиб, ижодий манбаларга мурожат қиласиди.

Табиат азалдан инсон учун иш майдони бўлган. Ташқи дунёни тушуниш ва ўрганиш эҳтиёжи унинг қонунларини ўрганишга ва ўзлаштиришга олиб келади.

Асрлар мобайнида маълумот йигиб, одамзод бионика (юонча bio – “хаёт элементи”) фанни барпо этди. Бу йўналиш 1950 йилларнинг охирида пайдо бўлди. Ушбу фаннинг асосий мақсади – биологик тизимлар ва жараёнларнинг имкониятларини ўрганиш эди. Леонардо да Винчи, Н.Е.Жуковский, Л.Гальвани биониканинг каффиётчилари деб ҳисобласа бўлади.

Табиатнинг органик ва мантиқий боғлиқлари мужассамлашган янги шаклларни яратиш имкониятни топиш, замонавий дизайн янги йўналишнинг асосий вазифаси бўлди, бунга ўзаро чамбарчас боғлиқ бўлган бионика ва кристаллография катта таъсир этмоқда. Уларнинг

<sup>1</sup>Hywel Davies. Fashion Designers' Sketchbooks. – United Kingdom, London, 2010

асосида кўп обьектлар ва дизайн буюмлари (аксессуарлар, заргарлик буюмлари ва б.) барпо этилмоқда.

Жонли табиатда яшаш жараёни органик маъқуллик билан боғлиқ. Ҳудди шундай одам ҳам ўз фаолиятида истаган натижага эришишга интилади. Муаммони ечиш учун биринчи планга буюмнинг қўпфункционаллиги чиқади, яъни буюмлар бир неча мўлжалда қўллаш мумкинлиги. Бу муаммони трансформациясиз ечиш мумкин эмас (бу усулни 1920 йилларда конструктивистлар тақдим этишганди, аммо у ҳозирги кунларда амалга оширилди).

Трансформация – бу буюм шакли ва ҳажмини ҳар хил усулда бириктириш, жойини ўзгартириш, айрим деталларни алмаштириш ҳисобига ўзгартериш. Бошқача айтганда, буюм лойиҳасига қандайдир қўзғалувчанликни асос қилинади, чунки истеъмолчининг ҳамкорлиги назарда тутилади. Стандарт деталлар тўпламидан асосий шаклга ҳар хил бириктирув усуллари ёрдамида кўп варианtlарни ҳосил қилиш мумкин. Замонавий мода буюмларни функционал трасформацияси норматив операцияларни доимо бўлганлиги оқибатидир.

Костюм композициясида ифодали сиймоларни барпо этишга ассоциатив фикрлаш имкон тўғдиради – буюм, абстракт ва психик ассоциацияларни, обьект ечимини график изланишларга айлантириш, яъни ассоциатив расм солишдир.

## 5.2. Костюмни бадиий лойиҳалаш усуллари

*Костюм дизайннида эвристик усуллар.* Ижодий жараён – бу мазмун ва шакл бирлигини қидиришдир. Баъзан ижодий вазифа ечилганда анъанавий усулларни қўлланиши қизиқарли ечимни бермайди. Шунинг учун лойиҳалаш жараёнида дизайннернинг ижодий фаолиятини интенсивификациялашга йўналтириш керак.

Бутун жаҳон дизайнлари дизайнни барча соҳаларида даврга муносиб янги молларни яратиш учун янги ғояларни қидирмоқда. Буюмларни ишлаб чиқарадиган фирмалар дизайннерлардан қизиқарли бир ғояни эмас, балки ажоиб, янги чексиз ғояларни талаб қилишади. Бу ижодий фантазияни жадаллаштириш усулларни ёки эвристика усулларни қидирилишига сабаб бўлади<sup>1</sup>.

Эвристика (грек. heurisiko – қидираман, каشف этаман) – бу маъсул ижодий фикирлашни урганадиган фандир.

Ижодий жараён жуда мураккаб ва ўта хилма хил ҳодиса. Ижодий тасаввурни ривожланиши, лойиҳа ижодий вазифаларни ноанъанавий усуллар билан ечиш, психологик инерцияни енгиш – бу эвристик усулларнинг имкониятларидир. Замонавий дизайнлерлар кўпинча аналогия, ассоциация, комбинациялаш, инверсия ва б. усулларга

<sup>1</sup>ZaridaZaman. New Fashion Designers' Sketchbooks. – United Kingdom, London, 2011

асосланган оддий эвристик усуллари билан фойдаланади. Лойхаловчи эвристик усуллари билан фойдаланиши билиши керак.

Турли эвристик усуллари билан қўлланиш натижасида дизайнернинг ижодий қобилиятини ва ташабуссини профессионал йўналишда фикирлаш мантиқасини ривожланишига имкон беради. Бу ҳолда ижодий қидиришни тартибга солиш ва жадаллаштиришга имкон пайдо бўлади.

Шу тарзда дизайнери үқитиши энг муҳим мақсади – бу ҳар бир тингловчи лойихалаш фаолиятида ўз қобилиятини очишга ва ўз ўзини баҳолаш қобилиятини ривожланишига имкон бериш, ва лойихага қўйилган вазифани ечиш учун индивидуал усулларни ишлаб чиқиш.

Дизайнер фаолиятида қўлланиш мумкин эвристик усулларини кўриб чиқамиз.

*Ассоциация усули* – ғояни вужудга келиш усулларидан биридир. Агар дизайннерларнинг ижодий тасаввuri ташқи муҳитни турли ғояларда қаратилса, бу ҳолда бу усул яхши натижа бериши мумкин. Дизайнерни сиймо-ассоциациятив фикирланишини ривожланиши, уни “ўйлаш аппаратини” доимий “ҳарбий тайёргорликка” олиб келишдир, чунки бу ўқиётган ижодий шахсни муҳим вазифаларидан бири. У теварак атроф муҳитига тез таъсиrlаниши ва у ердан ассоциацияни олиши керак. Ундан ташқари, замонавий дизайнда сиймоли фикрлаш лойихалашда принципиал янги услуб деб ҳисобланди.

Дизайнерни ассоциатив фикрлаши буюмли, абстракт ва психологик ассоциацияларни объект ечимини график қидиувга ўзлаштириши. Ижодий жараёнда ассоциатив фикрлаш жуда муҳим. Шундай фикрлашга дизайннернинг қобилият ижодининг асоси бўлади, чунки ҳар қандай санъат асари – бу хотирада тикланган реал дунёни ва буюмларни ассоциатив тасаввурлаш натижасидир.

Костюм дизайнери реал борликни қандайдир трансформация ва ўзлаштириш натижасида кийимда қўллаши мумкин ва барча нарсаларни олиши мумкин: мавзули фрагмент ёки бутунлай манбани. Костюм лойихалашда ижодий манба сифатида табиат, воқеалар, буюмлар бўлиши мумкин. Либос дизайнери шакл, ҳажмларни бирикмаси, ҳар хил тузилишларнинг бирикмалари доимо қизиқтиради.

Ассоциациялар ҳар хил бўлиши мумкин: буюмли, абстракт, психологик ва нореал. Асфальтда кўлмаклар, музни ялтираганлиги, йўлда ёки даладаги лойнинг фактураси, ёмғир томчиси, деразада аёзнинг расмлари ва б. - булар барчаси ихтиро қилиш чун озуқа бериши мумкин. Дар ҳақиқат, дизайннернинг фикри муайян йўналишда бўлиши учун у доимий профессионал машқлар қилиши лозим. К.Диор қўйидагича изҳор қилган: “Аслда, барча мени билганим, кўрганим ёки эшитганим ҳаммаси мени вужудимда қўйлакка ўзлаштирилади”.

*Аналогия (ўхшаش) усули* – қўйилган вазифани ечиш усули. Бу усулда тарихий, халқ ва миллий костюмдан, муҳандислик ечимлардан, меъмор иншоатларидан олинган ўхшаш ечимлар яратилади. Дизайнер ижодий

манбани шарҳлаш билан учрашади ва трансформация ёрдамида уни лойиҳа ечимига айлантиради. Бу усул кенг ва кўпинча кўлланади, айниқса лойиҳалашда объектнинг сиймо ечими қидирилганда. Янги қизиқарли ечимлар ижодий манбани кўриниш аломатларида гина эмас, балки буюмни яратиш усулидан ҳам ҳосил бўлади:

- “бичилмаган ва тикилмаган либос” усулини костюм тарихидан ўзлаштириш мумкин (римликларнинг тогаси, ёпинчоқлар, хинд аёлларнинг сариси, индонезия аёлларнинг саронг юбкаси ва б.);
- “упаковка” усули – тара ва упаковка дизайнни;
- “тўқиши” усули – амалий-декоратив санъат буюмлари ва халқ костюми ғоя беради;
- “хажмий фактурани яратиш” усули – ўсимлик шакллар, гуллар, барглар, илдизлар, пустлоқлардан ва б. ғояни олиш мумкин;
- “кatta шаклларни кисмларга бўлиш” усулни ўрта аср яроғ-аслаҳалари ва модул лойиҳалашдан ғояни олиш мумкин.

Аналоглардан ўзлаштирилган дастлабки ғоя амалга оширилади. Шундай лойиҳалаш усули функционал лойиҳалашга мансуб, яъни буюмни лойиҳалашни эмас, балки усулни.

Масалан, лойиҳалаш: чойнакни эмас, сувни қайнатадиган усулни; калишни эмас, сув ўтқазмайдиган пойафзални.

*Бионик усули* бионика конкрет объектларни таҳлилидан иборат Масалан, ҳашоратлар канотларини таҳлил этиб, янги ўралиш шаклларни, устки кийимларни қаватланишини, деталлар трансформациясини яратиш мумкин. Баъзи ҳашоратларни нурланиши ичига ёритқич ўрнатилган пойабзални яратиш ғояни тўғдиради .

Дизайнда бионик ёндошиш ўзгача конструктив буғумларни, янги хусусиятли фактураларни ҳосил қилишга имкон беради.

Ундан ташқари, бу усул дизайнер эътиборини табиат объектларини диққат билан ўрганишга; одатийда қизиқарли ғоя, принцип ва усулни кўришга имкон беради. Бунда ижодий шахсни ташқи дунё, одамни яшаш муҳит билан боғланганлиги аёнидир.

*Неология усули* хорижий ва ўз мамлакатига оид лойиҳалашда ёт ғоялари билан фойдаланиш усули. Умуман айтганда, мода тақлидга асосланган. Шунинг учун мутаҳассислар ва истъемолчилар ҳар бир янгилик ёки аломатни психологик чарчаш рўй берганча тиражланади. Бунга ҳам прототипни фазовий қайта тузиш асосида қиритиш мумкин.

Ўзлаштириш жараёнда қуйидаги саволларни қўйиш ва уларга жавоб бериш керак. Прототипда нимани ўзгартириш керак? Прототипда нимани ўзуартириш мумкин? Қандай қилиб?

Шуниси тушунарлики, прототипни ўзгартирмасдан фойдаланиш ёки ўзлаштирш профессионал жанжалга ва плагиатга оборади.

Фақат усулни қўллаш коррект ҳисобланади. Масалан, чарм сумкани ўрилиш масштабини, фрагментлар шаклини ва б. ўзгартириб, либос моделида қўллаш мумкин.

*Карикатура усули* – дизайн маҳсулотининг сиймо ечимини беъмани, янги тасодифий ечимини ҳосил қилишга олиб келадиган усул. У сиймоли модель чегарасини аниқлашга ва ижодий тасаввурни ривожланишига ёрдам беради. Гипербола усули, гротеск сиймони яратиш замонавий модали эскизларида ва бъзи дизанер моделларида ифодали сиймони яратиш учун кенг қўлланади (масалан, И.Мияке, Дж.Гальяно, А. Мак-Квин).

*Бошқалар фикрини аниқлаш* ёки “*акл ииғиладиган усули*” доимо тингловчилар ўқитилганда уларни қандайдир муаммо ечиш тўғрисида суралганда қўлланади: “Бу тўғрисида нима ўйлайсиз?” Этилган кўп мулохазалар асосида лойиҳа вазифасини ечиш учун оптималь варианти аниқланади.

Умуман айтганда, дизайннер кабинет ходими эмас. Дизайн маҳсулотини ишлаб чиқиша коллектив ижод муҳимдир. Баъзи дизайн-студиялари ишни бошлаганда етарли миқдорда ғояларни генерация қилиш учун кўп одамларни жалб этишади. Бунга лойиҳалашдан олдин дастлабки тадқиқотларни ўтқазиш босқичини киритиш мумкин, қайерда лойиҳанинг муаммолари ва мақсадлари шаклланади: илмий-техникавий журналларидан, суров ва интервьюлардан, аналогларни ўрганишдан маълумот йигилади. Булар барчаси янги маълумотни ҳосил бўлишига олиб келади.

*Декомпозиция ва кетма-кет яқинлашиши принцип усули* - мураккаб вазифани қисмларга ажратиш ва кетма-кет уларни ечиш. Бу усул “ўзлаштириш” усулга ўхшайди. Масалан, лойиҳалаш вазифаси аёллар устки кийим сериясини ишлаб чиқиш, бу усул билан фойдаланиб лойиҳани бир неча кетма-кет босқичларга бўламиш:

- қандай янгиликни сиз тавсия этасиз, қандай стереотипдан воз кечиш керак – бу асосий босқич;
- қандай ассотиментни ишлаб чиқиш керак;
- саноат ёки шахсий буюртма учун;
- қандай шакл, силуэт, пропорцияларда ва бошқа композицион воситаларида бўлади;
- сўнг бош ва оёқ кийимлар ва аксессуарлар тўғрисида ўйланади.

То ғояга мансуб ечим топилмаганча бу йул билан юриш керак. Бунда мураккаб лойиҳа вазифасини аввал ечиш учун енгил вазифаларга бўлиш мумкин бўлганда “ўзгартириш усул”ни қўллаш маъқул. Масалан, эстрада костюмни эскизлар сериясини яратиш учун аввал сиймони, имиджни, сўнг безаклар ва костюм ўйланади.

*Илгор технологиялар усули* – “идеал буюмни” қидириш усул. Унинг асосий мақсади буюм мўлжалига идеал мос бўлиши керак. Масалан, идеал курткани лойиҳалаш вазифаси қўйилган. Халқаро стандартига қўра куртка ҳажми етарли даражада бўлиши лозим, конструкцияси буюмни фигурада идеал ўтиришини ва эркин харакатни таъминлаши керак; барча деталлари (чунтак, кокеткалар ва б.) қўлайликни таъминлаш керак, тақилмаси икки

қаватли (“молния”, тасма ва пистонга ва б.) бўлиши керак; белида ва этагида энини ўзгартириш учун кулиска, белбоғ, резинка, хлястик ва б. қилиниши керак; капюшон трансформацияланидаган (очиладиган, тахланадиган, ёйиб қўйиладиган, маҳсус чунтакка солинадиган) бўлиши керак; куртка гигроскопик бўлиши шарт (перфорация, маҳсус астар ёрдамида).

“Мия ҳужуми” усул – бу қисқа муддатда коллектив ғояларини генерация қилиш. Бу усулда ушбу муаммо билан шуғулланмайдиган турли мутахассисли одамлардан коллектив ташкил этилади. Коллектив корхона билан боғлиқ эмас жойда йифилади, уни таъсири бўлмаслиги учун. Бу ҳолда қуйадаги шартлар қўйилади: коллектив катта эмас бўлмаслиги лозим, коллектив аъзолари кетма-кет тез ўз фикрини этиши керак, танқид ман этилади, жараён магнитофонга ёзилади. Сўнг коллектив иш натижаси мутахассисларга берилади, улар ғояларни таҳлил этишади, ҳаттоқи бемаъни хазил ёки пародоксал бўлса ҳам, баҳолашади ва ечиш моҳиятни аниқлашади.

Ўйин усули модада ўйин фурсатини назарда тутади, ўйин эса доимо инновацион фаолият билан боғлиқ. Ўйин мода намуналари ва сиймоларини ўзгаришига оборади ва қидиришни рағбатлантиради. Ўйин учун жараённи ўзи муҳим, қайерда буюмни трансформация ва якунига етқазмаслик асоси қўйилади. Эркин рух, театраллик, таввакал ва эрмак – бўлар барчаси замонавий дизайн элементлари.

XXI аср либос коллекцияларида ўйин усули кўпинча қўлланади: деконструкция, эклектика ва б.

1. Ҳозирги шароитда кийим дизайнини ўқитишнинг асосий вазифаси лойҳалаш учун ҳар хил усулларидан фойдаланиб, ижтимоий ва маданий муамолари билан боғлиқ, олдида муҳим лойиҳа вазифаларини қўядиган ва уни ечадиган мутахассис тайёрлаш.

Эски лойиҳалаш принципларини ўрнига “муҳит” лойиҳалаш принциплари келди:

- инсон экологиясини инобатга олиб, лойиҳалаш реал маданий-тариҳий контекстга киритиш;
- абстракт истеъмолчига эмас, балки индивидуал шахсга инъом этигш;
- дизайн обьектининг асосий истеъмолчиси билан ҳамммуалифлик этиш;
- дизайннер берган схемасига билан пассив фойдаланмасдан, дизайн маҳсулотигига актив ижодий муносабаттда бўлиш;
- дизайннер фаолиятининг моҳияти, буюм муҳитнинг кўпгина обьектларини яратмасдан, инсоннинг турмуш тарзи сценарийсини тақдим этишдир.

Шу сабабдан дизайн муҳсулотларига янги талаблар қўйилади: гўзаллик, инсон психикасига яхши таъсир этиши, ижобий ҳиссаларни тугдириши, ижод этишга имконият бериши лозим<sup>1</sup>.

---

<sup>1</sup>Hywel Davies. Fashion Designers' Sketchbooks. – United Kingdom, London, 2010

Дизайнернинг фикрлаши ихтисос йўналишга оид ривожланса ва дизайннер ўзи қўйидаги хусусиятларга эга бўлса, лойиҳалаш шундагина фойдали натижа беради:

- масалани аниқ қўриш ва ифодалаш қобилияти бўлиши лозим;
- қисқа вақт давомида кўп ғояларни тез ишлаб чиқиши лозим;
- ажойиб ечимларни топиш;
- берилган муаммога оид жуда зўр ечимларни тез ўйлаб чиқиш маҳорати бўлиши лозим.

Лойиҳаланаётган масалани ечиш учун дизайнерни ижодий жараёнида режа мавжуд бўлиши лозим:

- ғояни пайдо бўлиши ва масалани қўйиш;
- маълумотни йифишиш ва тўплаш, ижодий манбани танлаш;
- кучни концентрациялаш, интенсив ишлаш, ҳар хил эвристик ва лойиҳалаш усусларидан фойдаланиш;
- танффус этиш, диққатни четга тортиш ва бир неча вақт ўтгандан сўнг яна ечимга қайтиш, янги нуқтаи назар билан уни баҳолаш;
- фикрнинг равшанлашуви – якуний оптимал ечимни ҳосил қилиш.

Назарий ва амалий иш барча лойиҳалаш босқичларида умумий лойиҳалаш усулида тузилиши мумкин:

- муаммо ситуациясини англаш;
- лойиҳалашдан олдин таҳлил этиш;
- масалани ечиш учун воситалар ва принципларни таърифлаш;
- формал сиймони ташкил этиш;
- лойиҳани ишлаб чиқиши.

Лойиҳалаш услубий жураённи тўрт асосий босқичга бўлиш мумкин:

- информацион қисм;
- таҳлилий-тадқиқот қисм;
- синтетик қисм;
- коммуникатив-амалий қисм.

Комбинатор усусларига қўйидагилар киради: комбинаторика, трансформация, кинетизм, размерсиз кийим ишлаб чиқиши, яхлит бўлак матодан кийим яратиш.

*Комбинаторика* – дизайнда фазовий, конструктив, функционал, график таркибларни вариантили ўзгариш қонуниятларини қидириш, тадбиқ этиш, фойдаланишга ва типик элементларидан дизайн объектларини лойиҳалаш усусларига асосланган кийим шаклини ҳосил қилиш тарзи.

Соддароқ айтганда, комбинаторика – бу ҳар хил тарзда шакл ва унинг элементларини комбинайиляш.

Комбинаторика – бу вариантли изланиш, уни лойиҳалашда бир қатор асосий усусларга ажратиш мумкин:

- тўқимачилик композицияларини, рапортли газламаларни ёки трикотаж полотносини ишлаб чиқсанда элементларни тексликда комбинациялаш;
- яхлит шакл ҳосил қилинганда типик стандарт элементларни (модуль) комбинациялаш;

- муайян шакл ичида (бир конструктив асос ёки базавий шакл) деталларни ва пропорционал бўлинишларни комбинациялаш;
- тайёр комплектларни ташкил этиш, тайёр варианtlарни компьютерда қидириш.

Комбинаторика маълум усуллардан фойдаланади: жойини ўзгартириш, қўшимча гуруҳлаш, айланиш, ритмларни ташкил этиш.

*Жойини ўзгартириш* ёки эвристик комбинациялаш, элементларни ўзгартириш ёки аламашибни назарда тутади. Бу усул лойихалашда кенг тарқалди, чунки оддий ва деярли кутилмаган натижа беради. Кийим бўйлаб деталларни компановка қилинганда, бир деталлар бошқалари билан алмаштирилганда, бир конструктив асосда буюмнинг деталлари вариантли фойдаланишда бу усул қўлланади. Масалан, ёқани чунтак, белбоғ, сумка, трансформацияланадиган квадрат, учбурчак, доира ва бошқага алмаштириш. Баъзан, бу ғоя беъмани бўлса ҳам, унда оқилона ғояни топиш мумкин.

*Қўшимча (ўйиб ўрнатиши)* усули оддий шаклдан мураккаб шакл ҳосил қилинганда фойдаланади. Оддий шакл маълум йўналишда (вертикал, горизонтал, диагонал ёки аралаш) қирқилади ва турли шаклли геометрик шакллар (квадрат, тўғрибурчак, учбурчак, доира, капалак, гул ва б.) орасига киритилади.

*Трансформация* (лот. transformasio – ўзгариш) – кийим шаклини бошқа турга айлантириш ёки ўзгартириш учун кийим лойихалашда қўпинча фойдаланадиган усул. Трансформация жараёни динамика, ўзгартириш ҳаракати билан мавжуд бўлади.

Трансформация қўйидагича амалга оширилади:

- бир шаклни иккинчисига ўзгартириш (масалан, узун юбкани калта қилиш, тахлама сумка ва б.);
- бир деталь шаклини ўзгартириш (масалан, ёқанинг уни қайтарилади, урилади, боғланади ва х.к.)

*Кинетизм* (юонон. kinetikos – ҳаракатга келтирмоқ) комбинация қилиш назарда тутилган лойихалаш усули, унинг асосида қўз илғайдиган шаклни ҳаракатга келтирадиган ғоя олинган.

Кинетизм усули шаклда безакда, нақшда ва б. қўз илғайдиган динамикани ҳосил қилиш. Шаклнинг ҳаракат ғояси В.Татлин, К.Мельников, А.Родченко, ва б. мансуб, 1920-1960 йй. бу ғояни Л.Мохой-Надь, М.Дюшан, Р.Сото, Н.Шоффер, Вазарелли ва б. ривожлантиришган.

Костюм дизайнида кинетизм усули кийимни трансформациялайдиган деталлар динамикасида, айланаетган ва ҳаракат қилаётган элементларида қўлланади. Кўзни алдайдиган график воситалар ёрдамида “*оп-арт*” услубида моделлар коллекцияси ишланган. Асосан иллюзия эффекти тўқимачилик соҳасида кучли динамикани яратиш мумкин.

*Размерсиз кийимни ишлаб чиқиши* – ҳар хил қоматли одамларга мос келадиган ўрта размерли кийимни ишлаб чиқиш учун комбинацияланган

лойиҳалаш усулидир. Размерсиз кийим турли ҳажмли трикотаж кийимларида мавжуд. Бундай кийим турини лойиҳалаш ва ишлаб чиқиши долзарб ҳисобланади, яъни маълум комбинация ёрдамида ҳаётнинг барча ҳодисларига мос костюм гардеробини ташкил этиш мумкин.

Эластик материаллар ривожланганлиги боис “ҳаммабоп кийим” лойиҳалаш учун имкониятлар қўп. Имтеъмолчи эса комплект яратганда ўз ижодини ҳам қўшади.

*Яхлит мато бўлгиданкайим ишлаб чиқиши* – бичилмаган ва тикилмаган кийимни комбинаторика усулида яратиш. Бу усул қадимдан бўлган: ибтидоий халқларда, қадимиюнон ва римда, ҳинд ва ҳиндуларда ва б. халқларда.

“Оригами” усулни қўллаб компаньон-материаллар, иккиюзли газламалар, турли матолар, ҳар хил безак, мосламалар, кесимлар, қўшимчалар ва турли геометрик шаклда мато бўлакларини қўллаб костюм қисмларининг турлича варианtlарини тақдим этиш мумкин.

*Лойиҳалашнинг модуль усули.* Дизайн буюмларини ишлаб чиқишида модуль лойиҳалаш усули – стандартизация соҳасида энг самарали фаолият. Бу усул буюмнинг таркибий элементларини унификациялашга муҳтожлик тўғдиради. Унификациянинг асосий принципи – унификациялашган элементлардан (модуллар) фойдаланганда ҳар хил дизайн буюмларини ҳосил қилиш. Модулга оид лойиҳалаш конструктив, технологик ва функционал якунликни барпо этади.

Модуль одамни тана ўлчамлари ва кийимнинг оптимал ўлчамлари асосида танланади. Одатда, модуль оддий геометрик шакллардан иборат. Кийим дизайннида “пэчворк” усули қўлланганда модулнинг асосий хоссаси – унинг ўнг ва тескарисига “тоза” ишлов берилади. Уларга қўлланган материаллари, бириктириш усуллари, ранглари, геометрик шакллар турли вариантли буюмларни яратишга имкон беради.

Халқ амалий-декоратив санъатида модуль принципи кенг қулланган. Масалан, ўзбек амалий-декоратив санъатида “қўроқ усули”да майший буюмлар (ёстиқ, чойшаб ва б), болалар кийими ишланарди.

Замонавий костюм дизайннида модуль усулида машҳур дизайнер П.Раббане моделлар коллекциялари ишланган. Модуль сифатида ҳар хил геометрик фигуralар (квадрат, тўғрибурчак, овал, доира, учбурчак ва трапеция) ва мураккаб элементларни қўлланган. Материал сифатида асосан металлни олган. Модуль элементлари туноғич, скрепка ва б. фурнитуралар ёрдамида бириктирилган ёки устима-усти бириктирилган.

“Пэчворк” усули ҳам замонавий дизайнерлар ижодида кенг қўлланмоқда.

*Деконструкция усули.* 1980 йилларнинг бошида япон дизайнери Ё.Ямамото ва Р.Кавакубо ва кейин бельгияликлар Д.Ван Ноттен ва А.Дольмейстерлар деконструкция усулини тавсия этишди. Жан Поль Готье ва Джон Гальяно бу услуни қўллашди.

Либос моделлашда деконструкция усули янгича ёндошиш, фигурада буюмнинг ўтиришини ва унинг шаклини эркин манипуляция қилишини назарда тутади. Япония дизайннерларнинг ишлари европа дизайннерларига кучли таъсир этди. Улар қизиқиши билан носимметрик бичимни, буюмнинг четини нотекислигини, узилишни, турлича йиртиқлар ва кесикларни, конструкциянинг чап ва ўнг томонига бўлишни, инверсияни (чоклар буюмни ўнг томонида, лацканлар орқасида, тақилмалар ноанъянавий жойларда, виточкалар ўнг томонида), тугалланмаган элементларни, анаънавий технологияни бузилишини моделларида кенг қўллайдиган бўлди.

*Инверсия* (лот. *inversio* – ўрин алмаштириш) ўзига хос қизиқарли усул – зидни асос қилиб лойиҳалаш усули, ўрин алмашиб усули, кўпинча беъмани ўрин алмашибда.

Натижада костюм дизайнида бу усулнинг айрим мисоллари қуидагилар:

- чоклари ўнгига тикилган буюмлар;
- ичи бўш кўп сиртқи чунтакли сумкалар;
- иккюзли буюмлар;
- фирма лейблини (белгиси) буюмнинг ўнг томонига чиқариш ва х.к.

Инверсия дизайнери ноанъянавий фикрлашга, умуман янги foя пайдо бўлишига имкон беради. Масалан, ёқа ва лацканлар этагида жойлашган, кўйлак ва галстук юбкага айланади, шимлар блузкага ўхшаб қўлга кийилади ва б.

Шундай қилиб деконструкция усули 1990 йй. охири – XX1 аср бишида дизайннинг фарқловчи хусусияти бўлди. У коматда кийимнинг эркин ўтиришини, ғижимларни мавжудлигига, тана ва кийим орасида ҳавони мавжудлигига сабаб бўлди ва кийимни комфорт қилди. Ундан ташқари, деконструкция классик костюм турғуналигини бузишни тавсия этди ва кийим кийишнинг янги усулларини тақдим этди.

### **Назорат саволлари:**

1. Эвристик усуллар турлари.
2. Каррикатура усулини таърифлаб беринг.
3. Антропотехника усулини таърифлаб беринг.
4. Эмпатия усулини таърифлаб беринг.

### **Фойдаланилган адабиётлар:**

1. Hywel Davies. *Fashion Designers' Sketchbooks*. – United Kingdom, London, 2010
2. ZaridaZaman. *New Fashion Designers' Sketchbooks*. – United Kingdom, London, 2011
3. Хасанбоева Г.К. Костюм дизайни. Тошкент: ТТЕСИ, 2013

## IV. АМАЛИЙ МАШГУЛОТ МАТЕРИАЛЛАРИ

### 1-амалий машғулот: Ип сифатини башорат қилиш. хом ашё танлаш ва асослаш.

**Ишдан мақсад:** йигириш жараёнидан чиқаётган махсулот сифатини назорат қилиш баҳолаш ва бошқариш жараёнини ўрганиш.

#### Масаланинг қўйилиши:

Ипнинг физик- механик хусусиятини аниқлаш, Типли сараланма танлаш, толанинг ўртача хусусиятларини аниқлаш, ипнинг нисбий пишиқлигини аниқлаш .

#### Ишни бажариш учун намуна.

Корхоналарда хом ашё танлаш муҳим ўрин тутади, чунки ип таннархининг катта улушкини айнан хом ашё ташкил этади. Хом ашё танлаш асосан йигириши мўлжалланган ипнинг пишиқлик кўрсаткичларини ҳисоблашга асосланади. Шунга ўхшашиб ип хоссаларининг бошқа кўрсаткичлари, масалан, нотекислик кўрсаткичларини ҳам прогноз қилиш мумкин.

Ўзбекистон тўқимачилик корхоналарининг тайёр маҳсулотларни жаҳон андозаларига мослаб, рақобатбардош қилиб ишлаб чиқариш вазифасини тўла бажариши учун тўқимачилик саноати тараққиёт этган мамлакатлар корхоналари амалиётида қўлланиладиган усуллардан фойдаланиш лозим. Пахта толаси хосса кўрсаткичларини экспресс аниқлашда HVI синов қурилмасидан кенг фойдаланилади<sup>1</sup>. Ҳозирги пайтда пахта толаси синови айнан шу ускунада ўтказилиб, натижалардан бири сифатида CSP кўрсаткичи қайд этилади. Фирма CSP ни ҳисоблаш формуласини қўйидагича келтиради. Унинг ёрдамида ип пишиқлигини прогноз қилиш мумкин. Сифат маркази айнан шу формулалардан фойдаланилади.

CSP =  $741,08 + 8,24 * R_T - 97,8 * M + 850,9L + 15,20 * UI + 14,84 * Rd - 27,87 * b - 5,02$  Leaf (1) CSP қийматини ҳисоблашда HVI синов тизими кўрсаткичларидан фойдаланиб, қўйидагича формулани қўллаш мумкин.

$$\text{Карда или учун: } CSP = 165 \sqrt{\frac{L * R_T}{M}} + 590 - 13N_e$$

$$\text{Қайта таралган ип учун: } CSP = 165 \sqrt{\frac{L * R_T}{M}} + 590 - 13N_e \left( 1 + \frac{Y}{100} \right)$$

Бу ерда:

L- толанинг юқори ярим ўртача узунлиги, мм;  
S-6524 толага Lq1,1215”\*25,4q28,48 мм;

<sup>1</sup>К.Ж. Жуманиязов, Ю.М. Полвонов «Пахта йигириш технологик жараёнларини лойиҳалаш» ТТЕСИ. 2007 й

$R_T$  – толанинг нисбий узиш кучи, гк/текс; 32,83 гк/текс;

$M$  – микронейр, мг/инч; 4,50;

$N_e$  – ипнинг инглиз тизимидағи номери; 30;

$Y$  – таранди миқдори, %; 16%

### Ўзбекистон Республикаси ўрта толали пахта толасининг сифат кўрсаткичлари

Типи	Селекцион нави вариету	MIC Микронейри унит	STAPLE Штапэл узунлиги 32/дайум сод	UHML Юқори ўртacha узунлик дюйм*100 Инч*100	STR Солиштирма узилиш кучи гк/текс gf/tek	UI бир хиллик индекси, %	RD акс кўрсатиш Коэффициенти %
4	S-6524	4,50	35,71	112,15	32,83	83,74	76,78

b сарғишилик даражаси %	ELONG узилишдаги узайиш %	LEAF Лиф коди	SFI Калта толалар индекси	SCI Йигирувчанлик индекси бирликда	CSPИпнинг ҳисобий пишиқлиги бирликда
8,40	8,88	2,65	6,27	147,67	2208,26

Масалан, С-6524 селекцион нав пахта толаси I навидан йигирилладиган қайта таралган номери  $N_{ek}$  30 бўлган ипнинг пишиқлиқ кўрсаткичи CSP қуидаги ҳисобланади. 1-жадвалдан толанинг HVI тизимида аниқланган физик-механик хосса кўрсаткичларидан толанинг юқори ярим ўртacha узунлиги

$L=28,48$  мм; нисбий узиш кучи  $R_T$  32,83 gk/teks;  $M=4,5$ ;  $Y=16\%$  таранди миқдори қийматларини 3-формулага қўйиб қуидагиларни оламиз:

$$CSP_{xuc} = 165 \sqrt{\frac{28,48 * 32,83}{4,5}} + 590 - 13 * 30 \left(1 + \frac{16}{100}\right) = 2516 \quad CSP_{xuc} = 2516$$

CSP нинг “Sifat” маркази кўрсатган қиймати(жадвалга мувофиқ ) 2208,26 га тенг.

Демак, CSP нинг жадвалий қиймати 2208,26 унинг ҳисобий қиймати 2516 дан кичикилиги учун, хом ашё тўғри танланган деб ҳисобланади. Хом ашёнинг берилган номер ( $N_e$ ) даги ипга қўйилган талабларни қондира олиши ипнинг узишдаги узунлиги деб аталувчи пишиқлиқ  $R_{km}$  ни ҳисоблаб текширилади.

Қайта таралган ипнинг пишиқлиги  $R_{km}$  HVI да аниқланган толалар кўрсаткичларидан фойдаланиб қуидаги ҳисобланади.

$$R_{km} = 1,1 \sqrt{\frac{L * R_T}{M}} + 4,0 - 13 \frac{N_e}{150} \quad (\text{Карда системаси учун})$$

$$R_{km} = 1,1 \sqrt{\frac{L * R_T}{M}} + 4,0 - 13 \frac{N_e}{150} \left(1 + \frac{Y}{100}\right) \quad (\text{Қайта тараф системаси учун})$$

Берилган С-6524 тола кўрсаткичларидан фойдаланиб  $R_{km}$ ни аниқлаймиз.

$$R_{km} = 1,1 \sqrt{\frac{28,48 * 32,83}{4,5}} + 4,0 - 13 \frac{30}{150} \left(1 + \frac{16}{100}\right) = 20,02 \text{ гк/текс};$$

**ХАЛКАЛИ ҚАЙТА ТАРАШ ТРИКОТАЖ ИШИННИН СИНФЛАРИ БҮЙИЧА ФИЗИК-МЕХАНИК КҮРСАТКИЧЛАРИ**  
**USTER® STATISTICS 2013**

Бу күрсаткични ипнинг меъёрий күрсаткичлари билан солиширилади. Меъёрлар USTERSTATISTICS жадвалларида келтирилган<sup>1</sup>. Унда ҳисобланган  $R_{km,x} > R_{km,j}\{N\}$  бўлиши керак, яъни ип сифати синфларининг (5,25,50,75,95%) бирортасидан катта бўлса, хом ашё тўғри танланганли асосланади.

Ip assortiment	Fishtiq, RH, dHtex	RH bo'yinch CV, %										Burundar soni, inch										Injidish joilar										1000 metriyedagi nusqalar (bo'yilish), doas										Yozuv yozilar Nepdar																																																																																																																																																																																																																																																																																																																																																																																																																																																																																																																																																																																																																																																																																																																																																																																																																																																																			
		5%					10%					20%					50%					75%					95%					5%					25%																																																																																																																																																																																																																																																																																																																																																																																																																																																																																																																																																																																																																																																																																																																																																																																																																																																																								
		N.	N.	Tex	5%	10%	5%	10%	25%	50%	75%	95%	5%	10%	20%	50%	75%	95%	5%	10%	20%	50%	75%	95%	5%	10%	20%	50%	75%	95%	5%	10%	20%	50%	75%	95%	5%	10%	20%	50%	75%	95%																																																																																																																																																																																																																																																																																																																																																																																																																																																																																																																																																																																																																																																																																																																																																																																																																																																																			
1	2	3	4	5	6	7	8	9	10	11	12	13	14	15	16	17	18	19	20	21	22	23	24	25	26	27	28	29	30	31	32	33	34	35	36	37	38	39	40	41	42	43	44	45	46	47	48	49	50																																																																																																																																																																																																																																																																																																																																																																																																																																																																																																																																																																																																																																																																																																																																																																																																																																																												
150	25,4	39,4	21,9	16,8	12,8	4,7	5,4	6,1	7,0	7,9	18,51	29,6	5,027	0	0	1	2	4	6	11	17	3	7	12	19	32	33	34	35	36	37	38	39	40	41	42	43	44	45	46	47	48	49	50	51	52	53	54	55	56	57	58	59	60																																																																																																																																																																																																																																																																																																																																																																																																																																																																																																																																																																																																																																																																																																																																																																																																																																																							
210	35,6	28,1	21,6	16,6	12,8	5,4	6,1	6,8	7,7	8,7	15,11	23,93	4,054	0	0	1	2	4	5	8	14	23	37	9	14	22	37	60	61	62	63	64	65	66	67	68	69	70	71	72	73	74	75	76	77	78	79	80	81	82	83	84	85	86	87	88	89	90	91	92	93	94	95	96	97	98	99	100																																																																																																																																																																																																																																																																																																																																																																																																																																																																																																																																																																																																																																																																																																																																																																																																																																									
260	44,0	22,7	21,4	16,5	12,8	5,9	6,5	7,3	8,2	9,2	13,28	20,83	3,536	0	1	2	4	8	9	14	23	37	60	15	22	34	56	58	59	60	61	62	63	64	65	66	67	68	69	70	71	72	73	74	75	76	77	78	79	80	81	82	83	84	85	86	87	88	89	90	91	92	93	94	95	96	97	98	99	100																																																																																																																																																																																																																																																																																																																																																																																																																																																																																																																																																																																																																																																																																																																																																																																																																																							
270	45,7	21,9	21,3	16,4	12,8	5,9	6,6	7,4	8,3	9,3	12,99	20,63	3,452	0	1	2	5	9	10	15	25	40	65	16	24	36	61	94	95	96	97	98	99	100	101	102	103	104	105	106	107	108	109	110	111	112	113	114	115	116	117	118	119	120	121	122	123	124	125	126	127	128	129	130	131	132	133	134	135	136	137	138	139	140	141	142	143	144	145	146	147	148	149	150	151	152	153	154	155	156	157	158	159	160	161	162	163	164	165	166	167	168	169	170	171	172	173	174	175	176	177	178	179	180	181	182	183	184	185	186	187	188	189	190	191	192	193	194	195	196	197	198	199	200	201	202	203	204	205	206	207	208	209	210	211	212	213	214	215	216	217	218	219	220	221	222	223	224	225	226	227	228	229	230	231	232	233	234	235	236	237	238	239	240	241	242	243	244	245	246	247	248	249	250	251	252	253	254	255	256	257	258	259	260	261	262	263	264	265	266	267	268	269	270	271	272	273	274	275	276	277	278	279	280	281	282	283	284	285	286	287	288	289	290	291	292	293	294	295	296	297	298	299	300	301	302	303	304	305	306	307	308	309	310	311	312	313	314	315	316	317	318	319	320	321	322	323	324	325	326	327	328	329	330	331	332	333	334	335	336	337	338	339	340	341	342	343	344	345	346	347	348	349	350	351	352	353	354	355	356	357	358	359	360	361	362	363	364	365	366	367	368	369	370	371	372	373	374	375	376	377	378	379	380	381	382	383	384	385	386	387	388	389	390	391	392	393	394	395	396	397	398	399	400	401	402	403	404	405	406	407	408	409	410	411	412	413	414	415	416	417	418	419	420	421	422	423	424	425	426	427	428	429	430	431	432	433	434	435	436	437	438	439	440	441	442	443	444	445	446	447	448	449	450	451	452	453	454	455	456	457	458	459	460	461	462	463	464	465	466	467	468	469	470	471	472	473	474	475	476	477	478	479	480	481	482	483	484	485	486	487	488	489	490	491	492	493	494	495	496	497	498	499	500	501	502	503	504	505	506	507	508	509	510	511	512	513	514	515	516	517	518	519	520	521	522	523	524	525	526	527	528	529	530	531	532	533	534	535	536	537	538	539	540	541	542	543	544	545	546	547	548	549	550	551	552	553	554	555	556	557	558	559	560	561	562	563	564	565	566	567	568	569	570	571	572	573	574	575	576	577	578	579	580	581	582	583	584	585	586	587	588	589	590	591	592	593	594	595	596	597	598	599	600	601	602	603	604	605	606	607	608	609	610	611	612	613	614	615	616	617	618	619	620	621	622	623	624	625	626	627	628	629	630	631	632	633	634	635	636	637	638	639	640	641	642	643	644	645	646	647	648	649	650	651	652	653	654	655	656	657	658	659	660	661	662	663	664	665	666	667	668	669	670	671	672	673	674	675	676	677	678	679	680	681	682	683	684	685	686	687	688	689	690	691	692	693	694	695	696	697	698	699	700	701	702	703	704	705	706	707	708	709	710	711	712	713	714	715	716	717	718	719	720	721	722	723	724	725	726	727	728	729	730	731	732	733	734	735	736	737	738	739	740	741	742	743	744	745	746	747	748	749	750	751	752	753	754	755	756	757	758	759	760	761	762	763	764	765	766	767	768	769	770	771	772	773	774	775	776	777	778	779	780	781	782	783	784	785	786	787	788	789	790	791	792	793	794	795	796	797	798	799	800	801	802	803	804	805	806	807	808	809	8010	8011	8012	8013	8014	8015	8016	8017	8018	8019	8020	8021	8022	8023	8024	8025	8026	8027	8028	8029	8030	8031	8032	8033	8034	8035	8036	8037	8038	8039	8040	8041	8042	8043	8044	8045	8046	8047	8048	8049	8050	8051	8052	8053	8054	8055	8056	8057	8058	8059	8060	8061	8062	8063	8064	8065	8066	8067	8068	8069	8070	8071	8072	8073	8074	8075	8076	8077	8078	8079	8080	8081	8082	8083	8084	8085	8086	8087	8088	8089	8090	8091	8092	8093	8094	8095	8096	8097	8098	8099	80100	80101	80102	80103	80104	80105	80106	80107	80108	80109	80110	80111	80112	80113	80114	80115	80116	80117	80118	80119	80120	80121	80122	80123	80124	80125	80126	80127	80128	80129	80130	80131	80132	80133	80134	80135	80136	80137	80138	80139	80140	80141	80142	80143

Агар бешинчи синф (95%) кўрсаткичидан паст бўлса, хом ашё алмаштирилади.

Бизнинг мисолда  $R_{km.xisobiyk}$  20,02 gk/teks; 5% ли синфнинг  $R_{km.j}$  кўрсаткичи (20,0) дан 0,1 % га катта. Шунинг учун танланган хом ашё С-6524 селекцион навли пахта толасини лойиҳада қабул қилиш мумкин.

### **Назорат саволлари:**

1. CSP формуласи ёрдамида нимани аниқлаш мумкин?
2. Хом ашё тўғри танланганлигини қандай текширилади?
3. USTER STATISTICS меъёрларида қайси кўрсаткичлар келтирилган?

### **Фойдаланилган адабиётлар:**

1. HwanKi Lee. Quality Controll of Latest Spinnin Procecc and Prevention of Textile Defects. Thinkbook Company, Korea, 2015
2. Қ.Ж Жуманиязов ва бошқалар «Тўқимачилик маҳсулотлари технологияси ва жиҳозлари». «G.Gulom» Т. 2012й.
3. Қ.Ж. Жуманиязов, Ю.М. Полвонов «Пахта йигириш технологик жараёнларини лойиҳалаш» ТТЕСИ. 2007 й.
4. USTER® STATISTICS 2013

### **2-амалий машғулот: Тўқув дастгохини назорат қилувчи механизмлари.**


**Ишдан мақсад:** Тўқув дастгоҳларида маҳсулот ишлаб чиқаришда маҳсулот сифатини назорат қилувчи мосламалар билан танишиши.

#### **Масаланинг қўйилиши:**

Оптик танда назоратчисининг ишлаш жараёни билан таниши. Автоматик танда назоратчиси билан танишиш. Тензометрик усулда танда ипини назорат қилиш. Арқоқ назоратчилари ишлаши билан танишиш.

#### **Ишни бажариш учун намуна.**

Оптик танда назоратчисининг асосий афзаллиги мосламада ламелларни бўлмаслиги ва бунинг натижасида танда иплари билан ламел орасидаги ишқаланиш ва қўшимча тарангликни пайдо бўлмаслигидир (2.1-расм).




**2.1-расм. Оптик танда назоратчиси**

Оптик танда назоратчиси танда иплари остига ўрнатилиб, лазер нури бир томондан иккинчи томонга нурланиб туради. Иккинчи томонда лазер нурини сезувчи сенсор ўрнатилган. Танда ипи узилганда оғирлик ҳисобига ип пастга тушади ва лазер нурини кесиб ўтади ва оптик назоратчи буни сезиб, тўхтатиш тизимиға хабар беради. Айрим пайт узилган ип ёнидаги ипга ўралиб қолади ва у пастга тушмайди ва мослама узилган ип ҳақида хабар бермайди. Бундан ташқари ип узилган ип таранглик таъсирида орқага ёки олдинга сакраб кетиб, бошқа иплар билан чалкашиши мумкин ва лазер йўлига тушмаслиги мумкин. Шунинг учун оптик танда назоратчиси чизиқли зичлиги юқори ипларга ва танда бўйича зичлиги кам бўлган тўқималарга мўлжалланган.

#### **Автоматик танда назоратчиси**

Айрим тўкув дастгохларига узилган арқоқ ипини бартараф этишни тўлиқ автоматлаштирилган тизими ўрнатилган. Узукларни автоматик бартараф этиш тўлиқ микропроцессорли бошқарув тизимиға асосланган. Узилган арқоқ или хомуздан ҳаво ёрдамида сўриб олиниб, чиқарип ташланади ва керакли хомуза топилгач, дастгох қайта ишга туширилади. Худди шундай принципни танда ипи узукларини бартараф этишга қўллашга харакат қилинди (2.2-расм).



**2.2-расм. Автоматик танда назоратчиси**

Курилма тўлиқ комъютерлаштирилган назорат қилиш тизими ва автоматик ип ўтказиш мосламаларидан ташкил топган. Курилмада тифтишларидан ип ўтказувчи автоматик мослама мавжуд бўлиб, у тиф бўйича харакат қиласди. Шунингдек қурилмага ип узуқларини автоматик тарзда топувчи, узилган ипни боғловчи мосламалар ҳам ўрнатилган. Бироқ автоматик танда назоратчиси ўзининг мураккаблиги ва қимматлиги туфайли ҳали ишлаб чиқаришга кўлланилмади.

### Тензометрик усулда танда ипини назорат қилиш

Хозирда тўқимачилик ишлаб чиқаришида ҳам MEMS ((Micro-Electro-Mechanical Systems)лар кўлланилмоқда. MEMSларни ўлчамининг кичиклиги, арzonлиги ва сезигрлиги билан тўқимачилик ишлаб чиқаришдаги технологик жараёнларни назорат қилиш, бошқариш ва ростлашларда қўлланиш доираси кундан-кунга кенгаймоқда. MEMSларга ёрдамида тензометрик усулда танда ипини назорат қилишни ишлаб чиқилди. Курилма танда ипини узилишини назорат қилиб, датчиклар тўкув ғалтаги ва скalo оралиғига ўрнатилади (2.3-расм).



**2.3-расм. Тензометрик усулда танда ипини назорат қилиш**

Махсус датчиклар танда или таранглигини мунтазам назорат қилиб беради. Агар танда или узилса, унинг таранглиги кескин камаяди ва натижада датчик бу ўзгаришни сезиб, дастгоҳни тўхтатишга сигнал беради. MEMSларни қўллашдан олдин танда ипини таранглигини назорат қилиш учун ҳар бир танда или учун индивидуал тарангловчи датчиклар ва ламеллардан фойдаланилган эди. MEMSларни қўлланилиши технологик омилларни назорат қилиш, бошқариш ва ростлашни кенгайтириб, ишлаб чиқарилаётган тўқима сифатини оширишга хизмат қиласди.


### Арқоқ назоратчилари

Арқоқ назоратчисининг вазифаси ҳомузада арқоқ ипининг мавжудлигини назорат қилишдир. Агар ҳомузада арқоқ или бўлмаса, назоратчи тўкув дастгоҳини тўхтатишга сигнал беради ва дастгоҳ тўхтатилади. Мокили дастгоҳларда эса автоматик арқоқ алмаштирувчи

механизмини ишга туширади. Мокили дастгоҳларда тўқиманинг хусусияти ва унга қўйиладиган талабларга қараб арқоқ назоратчиси созланади.

### **ELTEX фирмасининг "ELTEXG3w" электрон арқоқ назоратчиси**

ELTEX фирмасининг "ELTEXG3w" электрон арқоқ назоратчиси кўплаб тезлиги юқори мокисиз тўқув дастгоҳларига ўрнатилмоқда (2.4-расм). Арқоқ назоратчиси 4-8 кўзчали қилиб ишлаб чиқарилади. Кўзчалар диаметри 6,4 мм, сезгирилик даражаси 0-6,5 гача бўлиб, 24 V кучланишда ишлайди.



#### **2.4-расм. "ELTEXG3w" электрон арқоқ назоратчиси**

1-арқоқ ипи ўтувчи кўзчалар, 2-улаш уйчаси, 3-маҳкамлаш жойи,  
4-индикатор (яшил лампочка)

Мосламада индикатор 4 бўлиб, у арқоқ ипи харакатини билдиради. G3w арқоқ назоратчиси якка, пишитилган ва бир неча ипларни ҳам назорат қилиш имкониятига эга. Назоратчи кўзчаларидан ип кўзчани  $10-15^{\circ}$  градус бурчак остида ўтганда мосламанинг сезгирилик даражаси энг юқори бўлади. Афзалликлари:

- кичик жой эгаллаши;
- маҳкамлаш нуқтаси ва кўзчалар орасилигини кичиклиги;
- арқоқ ипи харакатини юқори сезувчанлиги;
- электр зарядлари ва ҳаво босимидан ҳимоя даражасини юқорилиги;
- кўзчалардан ип ўтиш бурчагини катталиги;
- пъезоэлектрик (пъезоэлектрик -механик таъсир остида ўзининг электр хоссасини ўзгартириши) сезиш усули;
- флеш-хотирга эгалиги;
- ҳар бир кўзча омилини индивидуал ўрнатиш;
- узатишкоэфициентиниавтоматикўрнатиш.


### **"Loepfe" фирмасининг Weftmaster SW-G/SFW-L арқоқназорачиси**

Миттимокиливарапиralитўқувдастгоҳларига "Loepfe" фирмасининг Weftmaster SW-G/SFW-L арқоқназорачиси келтирилган (2.5-расм). Арқоқназоратчиси пъезоэлектрик сезишусулига асосланган бўлиб, турлихиларқоқипларини назоратқилиши мониятига эга.



**2.5-расм. WeftmasterSW-G/SFW-L арқоқ назорачиси**

Арқоқ ипи назоратчи күзчаларидан ўтаётгандың құшымча таранглик ҳосил қилинмайды. 2.6-расмда рапирави (а) ва митти мокиали (б) түкүв дастгохларына үрнатыладынгаркоқ назоратилари көлтирилген.



**2.6-расм. Рапирави (а) ва митти мокиали (б) түкүв дастгохларини арқоқ назоратилари**

Барча электрон арқоқ назоратчиларини сезигирлик даражаси юқори бўлиб, ҳар қандай турдаги арқоқ ипларини назорат қилиш имкониятига эга.

#### **Назорат саволлари:**

1. Тўқима турини танлашда нималарга этибор бериш лозим?
2. Тўқималар классификациясини изоҳлаб беринг.
3. Тўқима артикули деганда нимани назарда тутилади? Бирор артикул сонларини изоҳлаб беринг.
4. Тўқима ишлаб чиқариш технологик кетма-кетлиги қайси омилларга боғлиқ холда танланади

#### **Фойдаланилган адабиётлар:**

1. Jinlian HU. Computer Technology for Textiles and Apparel. Elsevier, England, 2011
2. Tünde Kirstein. Multidisciplinary Know-How for Smart-Textiles Developers. Elsevier, Swetherland, 2013
3. C. Lawrence. High Performance Textiles and Their Applications. Elsevier, England, 2014

### **З-амалий машғулот: Тикув буюмларида газлама сарф нормасини ҳисоблаш.**

**Ишдан мақсад:** Тикув буюмларида газлама сарф нормасини ҳисоблашни ўрганиш

#### **Масаланинг кўйилиши:**

Андаза жойлашмасига таъсир қилувчи омиллар тадқиқоти. Хон атласдан аёллар қўйлагини тайёрлашда газлама сарф нормасини ҳисоблаш. Серияни ҳисоблаш

#### **Ишни бажариш учун намуна.**

Тикув буюмлари таннархининг 70-80% ини газлама нархи ташкил этади. Шунинг учун тикув буюмининг таннархини пасайтиришнинг ва ишлаб чиқариш рентабеллигини кўтаришнинг энг самарали йўли буюм сифатини пасайтирасдан газламани иқтисод қилиш тадбирларни ташкиллаштиришдир.

Миллий матодан кийим моделлари замонавий мода йўналишига жавоб бериши керак. Матоларнинг ранг-баранг ва турли туманлиги ҳисобига аёллар, эркаклар ва болалар кийимининг турли ассортименти учун кўлланилади.

Миллий матолардан (атлас, адрес, бекасам) кийим моделларини танлашда газламалар эни 45 см дан 80 см гача бўлганлиги сабабли газлама сарфини меъёрлаштиришни ҳисобга олиш зарур. Бундан ташқарии, газлама накшини ва ушбу накшнинг кийимда жойланишини ҳисобга олиш зарур.

Битта кийим учун газлама сарфи миллий матодаги андазалараро чиқиндилар фоизи 25 % ва ундан кўпроғини, яна газлама эни бўйича ва уни тўшаш учун 2,7 ва 3,6 % ни ташкил қиласди. Шу билан бирга ишлаб чиқаришнинг барча босқичларида кийим моделини ишлаб чиқищдан то тайёр ҳолатга келгунча бўлган босқичларда миллий матони сарфини самарали пасайтириш заҳираларини излаш керак.

Миллий матолардан кийим моделлаштириш жараёнида мато накши асосларини ва унинг кийимда жойлаштиришни ҳисобга олиш зарур. Шу билан бирга кийим бичиклари ва унинг деталларининг шакллари жуда яхши ўйлаб чиқилган бўлиши керак. Миллий мато билан “муомала” қилишни билиш керак. Газлама чиройли бўлиши мумкин, лекин тайёр кийим ҳолатида чиройли бўлмаслигига олиб келиши мумкин. Ва тескариси, газлама чиройли кўринмасдан тайёр кийим ҳолатида чиройли бўлиши ҳам мумкин.

Модел танлашда сидирға газламаларни расмли газламалар билан таққослаб газлама сарфини кўпайиши билан боғлиқ саноат-иқтисодий талабларни ҳам эътиборга олиш зарур.

Маҳсулот таннархини пасайтирувчи муҳим омил ҳисобланган - газламадан рационал фойдаланиш ишлаб чиқариш рентабеллигига аҳамиятга эга даражада таъсир қиласидиган долзарб вазифадир.

Газлама сарфига таъсир этадиган омиллар натижасида қўйидаги гурухлар аниқланган. Уларнинг қўлланилишига қараб учта асосий – технологик, ташкилий ва техник босқичга бўлинади.

Газлама сарфини меъёрлаштиришда технологик омилларга қўйидагилар киради: андазалар жойлашмасини бажариш усули; андазаларни жойлашмага жойлаштириш усули; газлама юзасининг тури.

Ташкилий омилларга буюм моделлари учун танланган эндаги газламасарфи; жойлашмада андазалар комплектининг миқдори; андазалар жойлашмасида размер-ростларнинг бирлашмалари; андазалар жойлашмасида турли моделлар бирлашмаси, газлама сарфини ҳисоблаш усуллари; жойлашмада андазалараро чиқиндилар фоизини аниқлаш усуллари киради.

Техник омилларга андазалар тайёрлаш учун воситалар; андазалар юзасини аниқлайдиган воситалар, андазалар жойлашмасини бажариш воситалари; андазалар жойлашмасини кўпайтириш воситалари; андазалар жойлашмасини бажариш учун мавтериал тури киради.

Ўтказилган тадқиқотлар натижаси шуни қўрсатдики, қўйидагилар миллий методан кийим ишлаб чиқишида газлама сарфини пасайтиришнинг ва тикув буюмларининг таннархини пасайтиришнинг асосий омиллариидир:

- газлама накшининг тури ва уни буюмда жойланиши;
- моделга боғлиқ ҳолда рационал эндаги газламани қўлланилиши;
- тикув буюмлар конструкциясини яхшилаш ва аниқлаштириб қайта ишлаш;
- газлама сарфини ташкиллаштиришни ва меъёрлаштириш усулларини ривожлантириш;
- газламани бичишга тайёрлаш ва бичишни ташкил этишни ривожлантириш.

Юқоридагилардан келиб чиқсан ҳолда, газлама нақшини хусусиятларини ва уни кийимда жойланишини ҳисобга олган ҳолда тикувчилик саноатида миллий матолардан рационал фойдаланиш маҳсулот ишлаб чиқаришда газлама сарфини пасайтиришнинг асосий омилларидан биридир, деб айтиш мумкин.

Хозирги кунда катта ҳажмли корхоналарда тикув буюмларини ишлаб чиқариш жараёнида газлама сарфи меъёрини ҳисоблаш САПР тизими ёрдамида амалга оширилади. Катта қувватга эга бўлмаган корхоналарда ушбу тизим мавжуд эмас. Шу билан бирга меъёрни ҳисоблашга бўлган ёндашув ягона бўлиши зарур.

Газлама сарфи меъёрини ҳисоби улардан рационал ва самарали фойдаланишни таъминлайдиган технологик ва ташкилий тадбирларга асосланган бўлиши керак .

Кийимга газлама сарфини ихисоблаш учун дастлабки маълумотлар:

- буюм ҳақида маълумот: кийим номи ва артикули;

- буюм модели ҳақида маълумот: тартиб рақами, тўлалик гурухи, размер ва бўйлари ва уларнинг миқдори;
- базис размер ва рост бўйича андазалар сатҳи;
- газлама ҳақида маълумот: газлама эни (милки билан), кўриниши ва расми;
- жойлашма характеристикиси; газламани тўшашиб усули, андазалар комплекти миқдори, жойлашма рамкасини эни;
- ноиқтисодий жойлашма бўйича бичиш нормативи;
- тўшама узунлиги бўйича чиқиндилар.

Буюм деталлари андазалари жойлашмаси узунлиги бўйича меъёрини ҳисоблагандага газламадан рационал фойдаланиш қуидаги асосий шартшароитларни инобатга олиш керак:

- жойлашмада буюм деталлари андазалари комплектини мумкин қадар максимал миқдорда ишлатиш;
- ноиқтисодий жойлашмалар бўйича газламаларни бичиш нормативини кўпайтирмаслик;
- тўшамага газлама тўпларини рационал ҳисоби учун зарур бўлган хар бир буюм тури учун андазалар жойлашмаси узунлиги меъёрлари аралаш размерларни, бир хил ёки аралаш бўйларни бирлаштириш;
- савдо ташкилотлари ёки бошқа зарур буюртмачилар томонидан буюртма қилинган размер ва ростлар бўйича фоиз нисбати тақсимланиш шкаласини бажариш;
- газлама юза турини ихисобга олган ҳолда газлама тўшашнинг рационал усули (“унгини унгига қаратиб”, “унгини тепага қаратиб”) ни танлаш;

Катта бўлмаган серияли кийимларни ишлаб чиқаришда размер ва ростлар бўйича буюртмаларни бажариш муддатларини қисқартириш учун уларни детал андазаларининг яримкомплекти бўйича жойлаштиришда тўрттадан турли буюм размерларини битта жойлашмага бирлаштириш ва газламани “унгини унгига қаратиб” тушаш усули бўйича тўшаш мумкин.

Мураккаб шаклли деталларга эга бўлган тикув буюмлари гурухи ёки моделлари учун (олд бўлак билан яхлит бичилган енг, олд ва орт бўлак деталлари) қуидаги омилларни ҳисобга олган ҳолда уларнинг иқтисодий самарадорлигини аниқлаш учун андазалар экспериментал жойлашмасини бажариш талаб этилади:

- жойлашмадаги андазалар миқдорини кўпайтириш (размер белгилари бирлашмалари бўйича);
- андазалар жойлашмасида буюм размерлари бирлашмаларининг турли вариантларини қўллаш (аралаш, размеридан битта ёки иккита номер ташлаб, битта ёки аралаш ростлар);
- битта жойлашмада турли модел деталлари андазаларини битта ёки бир нечта буюм турларини режалаштирилган артикулли газламаларни қўллаш имконини ҳисобга олган ҳолда жойлаштириш.

Деталлар андазалари жойлашмасини бажаришда шуни эътиборга олиш керакки иккита тўлиқ андазалар комплекти бирлаштирилган тўшамаларда андазалараро чиқиндилар фоизи битта комплект андазалар жойлаштирилган тўшамадаги худди шу кўрсаткичдан кам бўлади.

Тикув буюми тури бўйича битта ва иккита андазалар комплекти жойлаштирилган тўшамадаги андазалараро чиқиндилар фоизи катталикларида газлама тавсия этилган кўрсаткичлари фарқи корхоналарда андазалараро чиқиндилар меъёрида белгиланган кўрсаткичдан кам бўлмаслиги зарур.

Агар моделнинг конструктив асослари рухсат берса, иқтисодий жиҳатдан иккита тўлиқ андазалар комплекти жойлашган жойлашмасига яқин бўлган “унгини унгига қаратиб” усули бўйича 1,5 андазалар комплекти жойлаштирилган жойлашма узунлиги меъёрини ишлаб чиқиш тавсия этилади.

Буюм андазалари жойлашмасини моделнинг техник ёзувида кўрсатилган йўл қўйиш мумкин бўлган катталик ва қўйилма (надставка) лар миқдори ва деталларда кўрсатилган газламанинг танда ёки арқоқ ипларининг оғишларини ҳисобга олган ҳолда бажариш керак.

Жойлашма узунлигининг меъёри газламани “унгини унгига қаратиб” ва “унгини пастга қаратиб” тушаш усулларида тўшаш учун белгиланади .

Гулли ва накшли газламадан буюм деталлари андазалари жойлашмаси узунлигининг меъёрини аниқлашда моделнинг техник хужжатида ёзилган тўғри келадиган катталик ва жуфт деталлар чок ҳақи учун гули ҳисобга олинади.

Газлама эни ва турига қараб жойлашмада жойлама энини минимал ишлатишга рухсат берадиган андазалар комплектлари миқдори жойлаштирилади.

Андазалар жойлашмасининг хар бир меъёрига буюм размерлари берилган бирлашмаларида рационал эндаги газламаларни қўллаш учун андазалараро чиқиндиларнинг ҳақиқий фоизининг кўрсаткичи аниқланади.

Тўғрибурчак шаклли буюмлар учун жойлашма узунлигининг меъёри ҳисоб усулида қуидагилардан келиб чиқсан ҳолда аниқлаш керак:

- газлама эни;
- тайёр ҳолатдаги буюмнинг эни ва узунлиги;
- қайиришга, бириктиришга, киришишга ва қавишга бериладиган қўшимча.

Бичиш жараёнида берилган битта буюм учун сарфланадиган газлама меъёри секциялар бўйича тўшама қаватлари сонини ҳисобга олган ҳолда жойлашмадаги секциялар узунлиги бўйича ва корхонада тасдиқланган жойлашма узунлиги бўйича чиқиндиларнинг хомаки нормативлари аниқланади.

Буюм деталлари андазалари жойлашмаси ҳар бир размер ва бўй бирлашмалари жойлашма узунлиги (см да) ва жойлашма энини ҳисобга олган ҳолда (см да), ҳар бир бирлашмалардаги андазалараро чиқиндилар аниқланади.

Аёллар кўйлакларининг размер ва ростлари бўйича фоиз нисбати тақсимланиши шкала асосида кўрсатилади. Бу шкалага асосланиб, корхонада бир партияда (серияда) неча дона буюм ишлаб чиқаришни ҳисоблайдилар. Размер ва ростлар шкаласини тўғри бажарилишини назорат қилиб турилади.

Андазаларни экспериментал жойлаштиришдан аввал размер ва ростларини қандай бирлаштириш мумкинлигини ҳисоблаб чиқилади. Жойлаштиришда андазаларнинг камидан иккита тўла комплектини бирлаштирган маъқул.

Тикувчилик корхоналарининг иш тажрибасида андазаларни жойлаштириш учун размер ва ростларни бирлаштиришнинг икки хил усули бор:1. Бир хил ёки кетма-кет размер ва ростларни танлаб бирлаштириш;

2. Андазалар сатҳи ортиб борадиган тартибида бирлаштириш;

Андазалар жойлаштиришда бир хил кетма-кет размер ва ростларни бирлаштириш тўшама узунлиги чегарасининг (диапазонининг) кенгроқ бўлишига имкон беради. Бу эса тўшаладиган газлама тўпларини ҳисоблашни енгиллаштиради ва бичганда қоладиган лаҳтаклар микдорини кескин камайтиради.

Тавсия этилган усуллардан қайси бирини ишлатиш, ҳар бир миллий кўйлак нечтадан тикилишига боғлиқ. Хон атлас матосидан аёллар кўйлаги камроқ тикиладиган бўлса, кетма-кет размер ва ростларни бирлаштирган маъқул.

Размер ва ростларни андазалар сатҳи кетма-кет ортиб бориш тартибида бирлаштириш қуйидаги тартибида олиб борилади:

1. Даствабки бичиладиган кийимлар андазаларининг сатҳлари размер ва рост тартибида ёзиб олиниб, орта борадиган тартибида номерлаб чиқилади;

2. Энг кам сатҳли размер ва ростлар, шунингдек энг кўп сатҳли размер ва ростлар мустақил жойлашмаларга бирлаштирилади. (ўз-ўзи билан) бирлаштирилади;

3. Иккинчи бирлашмадан бошлаб, уларда андазалар сатҳи орта борадиган тартибида бирлаштириш /олдингига нисбатан кейинги размер ва рост сатҳи каттага яқин бўлади/;

4. Шкаладаги ҳар хил солиштирма улушли размер ва ростлар бирлаштирилганда размер ва рост бирлаштирилади.

Шундай қилиб, размер ва ростларни андазалар сатҳи кетма-кет ортиб бориш тартибида бирлаштиришда, даствабки бичиладиган кийимлар андазаларининг сатҳлари размер ва рост тартибида ёзиб олиниб, орта борадиган тартибида номерлаб чиқилади.

Аёллар миллий қўйлакларидағи мураккаб шакли баъзи фасонлар ёки бир гуруҳ фасонлар учун юқорида кўрилган умумий тавсияларни ўзгартириш мумкинлигини кўзда тутиш керак.

Масалан, андазалар улар орасидаги чиқиндилар фоизини камайтириш учун бирор размерни бошка размерга алмаштириш мумкин. Бу холда андазаларни зичроқ жойлаштириб, жойлашма сатҳидан тулароқ фойдаланиш имконини беради.

Бундай холларда размерларни бир ёки икки размер ортиқ, масалан, 96+100; 96+104; 96+108; каби бирлаштириб, андазалар экспериментал жойлаштириб қурилади. Бир хил ёки кетма–кет размер ва ростларни танлаб бирлаштиришда ЦНИИШП тикувчилик саноати марказий илмий текшириш институти тавсиясига биноан кичик размер ва ростдан бошлаш керак.

Икки буюм размер ва ростларини бирлаштиришда қўйидаги варианtlардан фойдаланилган:

1. Бир хил размер ростларни бирлаштириш;
2. Кетма-кет размерлар ва бир хил ростларни бирлаштириш;
3. Бир хил размер ва кетма-кет ростларни бирлаштириш;
4. Кетма-кет размер ва ростларни бирлаштириш;
5. Бир хил размер ва кетма-кет ростларни бирлаштириш.

Андазаларни экспериментал жойлаштиришдан олдин жойлашмага (бўрламага) сарфланадиган газлама меъёри ҳомаки ҳисоблаб олинади.

Устига бирор кийим андазалари комплектини ёки бир неча кийим андазалари комплектларини маълум тартибда жойлаштириб, андазалар шакли тушириб олинган газлама ёки қофоз бўлаги жойлашма (бўрлама) деб аталади.

Бундай ҳисоблаш андазаларнинг сатҳига ва андазалар орасидаги йўл қўйилган чиқиндилар меъёрига (бу меъёр тикув корхонада эришилган кўрсаткичлардан юкори бўлмаса) асосланган бўлади .

Бу меъёр қўйидаги формула буйича ҳисоблаб топилади:

$$H_6 = \frac{S_a \cdot 100}{(100 - \chi) \cdot \mathcal{E}} \quad (4)$$

Бу ерда:

$H_6$  – жойлашмага (бўрламага) сарфланадиган меъёр, м;

$S_a$  – андаза сатҳи,  $m^2$ ;

$\chi$  – андазалар орасидаги чиқиндилар, %;

$\mathcal{E}$  – жойлашма эни, м.

Аралаш бирлашма: 96/II+96/III

$$1) S_A = 31001,7 \text{ cm}^2 \quad \mathcal{E} = 65 \text{ см} \quad \Gamma_m = \text{расм} \quad \chi = 19\%$$

$$H_6 = \frac{31001,7 \cdot 100}{(100 - 19) \cdot 65} = \frac{3100170}{5265} = 588,8 \text{ cm}^2$$

$$2) S_A = 31001,7 \text{ cm}^2 \quad \mathcal{E} = 45 \text{ см} \quad \Gamma_m = \text{расм} \quad \chi = 20\%$$

$$H_{\delta} = \frac{31001,7 \cdot 100}{(100 - 20) \cdot 45} = \frac{3100170}{3600} = 861,2 \text{ см}^2$$

3)  $S_A = 31001,7 \text{ см}^2$   $\Theta = 80 \text{ см}$   $\Gamma_m = \text{расм}$   $\Upsilon = 19\%$

$$H_{\delta} = \frac{31001,7 \cdot 100}{(100 - 19) \cdot 80} = \frac{3100170}{6480} = 478,4 \text{ см}^2$$

4)  $S_A = 31001,7 \text{ см}^2$   $\Theta = 65 \text{ см}$   $\Gamma_m = \text{сид.}$   $\Upsilon = 20\%$

$$H_{\delta} = \frac{31001,7 \cdot 100}{(100 - 20) \cdot 65} = \frac{3100170}{5200} = 596,2 \text{ см}^2$$

5)  $S_A = 31001,7 \text{ см}^2$   $\Theta = 45 \text{ см}$   $\Gamma_m = \text{сид.}$   $\Upsilon = 19\%$

$$H_{\delta} = \frac{31001,7 \cdot 100}{(100 - 19) \cdot 45} = \frac{3100170}{3645} = 850,5 \text{ см}^2$$

6)  $S_A = 31001,7 \text{ см}^2$   $\Theta = 80 \text{ см}$   $\Gamma_m = \text{сид.}$   $\Upsilon = 20\%$

$$H_{\delta} = \frac{31001,7 \cdot 100}{(100 - 20) \cdot 80} = \frac{3100170}{6400} = 484,4 \text{ см}^2$$

Битта бирлашма: 96/III

7)  $S_A = 15646,9 \text{ см}^2$   $\Theta = 65 \text{ см}$   $\Gamma_m = \text{расм}$   $\Upsilon = 19\%$

$$H_{\delta} = \frac{S_A \cdot 100}{(100 - 19) \cdot 65} = \frac{15646 \cdot 100}{5265} = 297,2 \text{ см}^2$$

8)  $S_A = 15646,9 \text{ см}^2$   $\Theta = 45 \text{ см}$   $\Gamma_m = \text{расм}$   $\Upsilon = 20\%$

$$H_{\delta} = \frac{1564690}{80 \cdot 45} = \frac{1564690}{3600} = 434,6 \text{ см}^2$$

9)  $S_A = 15646,9 \text{ см}^2$   $\Theta = 80 \text{ см}$   $\Gamma_m = \text{расм}$   $\Upsilon_x = 19\%$

$$H_{\delta} = \frac{15646,9 \cdot 100}{(100 - 19) \cdot 80} = \frac{1564690}{6480} = 241,5 \text{ см}^2$$

10)  $S_A = 15646,9 \text{ см}^2$   $\Theta = 65 \text{ см}$   $\Gamma_m = \text{сид.}$   $\Upsilon = 20\%$

$$H_{\delta} = \frac{1564690}{80 \cdot 65} = \frac{1564690}{5200} = 300,9 \text{ см}^2$$

11)  $S_A = 15646,9 \text{ см}^2$   $\Theta = 45 \text{ см}$   $\Gamma_m = \text{сид.}$   $\Upsilon = 19\%$

$$H_{\delta} = \frac{15646,9 \cdot 100}{(100 - 19) \cdot 45} = \frac{1564690}{3645} = 429,3 \text{ см}^2$$

12)  $S_A = 15646,9 \text{ см}^2$   $\Theta = 80 \text{ см}$   $\Gamma_m = \text{сид.}$   $\Upsilon = 20\%$

$$H_{\delta} = \frac{15646,9 \cdot 100}{(100 - 20) \cdot 80} = \frac{1564690}{6400} = 244,5 \text{ см}^2$$

Размер ва ростларнинг муайян бирлашмасидаги андазаларнинг сатҳи ўзгармас микдор бўлади. Бироқ жойлашмада андазалар орасидаги чиқиндилар сатҳи ўзгарувчандир, чунки унинг қанча бўлиши андаза жойлаштиришдаги турли омилларга, айниқса, андаза жойлаштирувчининг малакасига боғлиқдир.

Андазалар орасидаги чиқиндилар микдорига таъсир этадиган асосий омиллар қўйидагилардан иборат:

1. Жойлашмадаги андазалар комплектининг сони (бир, бир ярим, икки ва ундан ортиқ комплект);
2. Газламани тўшашиб усули (яланг қават, ўнгини-ўнгига қаратиб ва ўнгини пастга қаратиб);
3. Газламанинг тури (сицирга, гулли, тукли, гулсиз ва хоказо);
4. Кийим деталларига тушадиган улоқларнинг сони;
5. Газлама эни;
6. Андазаларни жойлаштиришда газламанинг ўриш ва арқоқ иплари йўналишига нисбатан йўл қўйиладиган четга чиқишлиар

ЦНИИШП (Центральный научно-исследовательский институт швейной промышленности) тикувчилик саноати марказий илмий текшириш институти андазалар жойлаштиришнинг типавий схемаларига асосан газламаларни «ўнгини-ўнгига қаратиб» тўшаб, андазаларнинг икки ва ундан ортиқ комплектини аралаш усулда жойлаштириш энг тежамли ҳисобланади.

Кийим конструкциясининг ҳусусияти талаб этган тақдирдагина газламани «ўнгини пастга қаратиб» тўшашга йўл қўйилади.

Тайёр кийимнинг сифати, бичиши вақтида андазаларнинг газлама устига техник талабларга мувофиқ, тўғри қўйилишига кўп жиҳатдан боғлиқ.

Андазаларни газлама устига жойлаштиришда, экспериментал цехида тайёрланган ва ОТК нинг (отдел технического контроля) техник назорат бўлими штампи босилган асосий иш андазалар комплекти ишлатилади.

Андазаларни газлама устига жойлаштиришда қуйидаги қоидаларга риоя қилинади:

1. Андазаларни газламанинг ўрими ва аркоғи йўналишига мослаб жойлаштириш керак;
2. Бўрлама устига олдин катта деталларни қўйиб, улар орасидаги майда деталларни жойлаштириш керак;
3. Бўрлама устига андазаларни жойлаштиришда, тўшама қандай усулда тўшалишини кўзда тутиш керак;
4. Кийимда симметрик жойлашган деталларнинг гуллари бир хил йўналишга тўғри келиши керак;
5. Хон атлас ва адрес каби газламалардан тикилган кийимларда барча деталларининг нақши бир-бирига мос келиши лозим;
6. Нақшли газламаларда кийим деталларидағи нақшларини тўғри келтириш учун деталлар мўлжалдагидан каттароқ қилиб бўрлаш керак;
7. Газлама ёки қофоз устига қўйилган андазаларни ўткир қилиб очилган қалам ёки бўр билан атрофии бўйлаб чизиб, туширилади.

Бунда қуйидаги талабларга риоя қилинади:

- а) чизикларнинг йўғонлиги 0,1 смдан ошмаслиги керак;
- б) чизикларнинг ички томони ва андазаларнинг ташқи кўриниши бир-бирига тўғри келиши;

в) қирқимлар бўйича 0,2 смдан ортиқ фарққилмайдиган деталларнинг муҳим қирқимлари орасида камида 0,1-0,15 см жой қолдириб кетиладиган қилиб бўрланишига.

Тўшамага газлама сарфлаш меъёри. Тўшамага газлама сарфлаш меъёри ишлатилаётган бўрламанинг ёки трафаретнинг узунлигига, тўшама қаватларининг сонига, шунингдек тўшама узунлигидан қанча чиқинди чиқишига боғлиқ.

Тўшама узунлигидан чиқадиган чиқиндилар қўйидагилардан иборат:

1. Тўшама қаватлари учини текислаб қирқишдаги чиқиндилар;
2. Тўшама қаватлари салқироқ бўлишига кетадиган газлама;
3. Авралик ҳамма газламалар тўпининг охирги учидан чиқадиган қолдиқлар (лаҳтаклар). Бундай лаҳтаклар жун газламаларда 15 см гача, бошқа ҳамма газламаларда 10 см гача бўлади.

Бундан ташқари, тўшалаётганда қаватлар туташган жойларда ҳам чиқиндилар (тўшаманинг ички чиқиндилари ) чиқади.

Тўшамага сарфланадиган газлама меъёри қўйидаги формула бўйича аниқланади:

$$H_{msh} = (H_6 + \Psi_6) \cdot n + 0.02 \cdot K \quad (5)$$

Бу ерда:

$H_{msh}$  - тўшамага сарфланадиган газлама меъёри, м ;

$H_6$  - бўрламага сарфланадиган газлама меъёри, м;

$\Psi_6$  - тўшама узунлигидан чиқсан чиқиндилар, м ;

$n$  - тўшамадаги қаватлар сони ;

$K$  - тўшама қаватларидаги секциялар туташган жойлар сони;

0,02 - ҳар бир туташган жойдан чиқадиган газлама чиқиндиси, м.

$H_1$  к  $(660 + 1) \cdot 50 + 0,02 \cdot 2$  к 33050,04 см

$H_2$  к  $(925 + 1) \cdot 50 + 0,02 \cdot 2$  к 46300,04 см

$H_3$  к  $(478,4 + 1) \cdot 50 + 0,02 \cdot 2$  к 23970,04 см

$H_4$  к  $(630 + 1) \cdot 50 + 0,02 \cdot 2$  к 31550,04 см

$H_5$  к  $(960 + 1) \cdot 50 + 0,02 \cdot 2$  к 48050,04 см

$H_6$  к  $(522,5 + 1) \cdot 50 + 0,02 \cdot 2$  к 26175,04 см

$H_7$  к  $(330 + 1) \cdot 50 + 0,02 \cdot 2$  к 16550,04 см

$H_8$  к  $(472,5 + 1) \cdot 50 + 0,02 \cdot 2$  к 23675,04 см

$H_9$  к  $(241,5 + 1) \cdot 50 + 0,02 \cdot 2$  к 12125,04 см

$H_{10}$  к  $(320 + 1) \cdot 50 + 0,02 \cdot 2$  к 16050,04 см

$H_{11}$  к  $(486,5 + 1) \cdot 50 + 0,02 \cdot 2$  к 24375,04 см

$H_{12}$  к  $(265 + 1) \cdot 50 + 0,02 \cdot 2$  к 13300,04 см

Тўшама узунлигидан чиқадиган чиқиндилар турли гурухгазламалар учун турлича белгиланади.

Тўшама узунлигидан чиқадиган чиқиндиларнинг жадвалда сантиметр билан ифодаланган меъёрларидан, тўшама қаватларини

узайтириброк тўшаш учун ва тўшама қаватларидаги ички тўшаш жойларини ортикрок қолдириб тўшаш учун фойдаланилади.

Шучиқиндиларнинг жадвалда фоиз билан ифодаланган меъёрларидан эса тежамлиликни аниқлашда тўшамага газлама сарфлаш меъерини ҳисоблаш учун ва бир фасондаги битта кийимга тўғри келадиган газлама сарфлашнинг ўртача меъерини (техник меъерни) ҳисоблаш учун фойдаланилади.

Тўшамага газлама сарфлаш меъерини хақиқий газлама сарфи билан солиштириб, қанчалик газламадан фойдаланганлигини аниқланади.

Кўп газлама чиқиндилар чиқсан тўшамачиларга ишнинг юқори усулларни ва яхши шароитлар таъминлаш, газлама чиқиндиларни камайтиришга имконият туғдиради.

Тикувчилик корхонада газлама сарфлаш меъерини камайтириш энг яхши қўрсаткич деб ҳисбланди ва корхона бўйича буйруқ билан расмийлаштирилади.

Газламанинг эни, тури ва бошка бичиш шароитларига кўра, бўрлама ва тўшамага газлама сарфлаш меъерида буюмни муайян размер, рост ва фасони алоҳида аниқланади.

Бу битта буюмга газлама сарфини назорат қилиб туришга ва газлама тўпини тўшамага ҳисоблашга имкон беради.

Юқорида кўрилган газламани сарфлаш меъёрлари бир фасондаги хамма размер ва ростларга газлама сарфлаш меъерини таърифламайди.

Шунинг учун размер ва ростлар шкаласидаги солиштирма улушни ва газлама турини ҳисобга олиб, муайян фасондаги бир буюмга техник (ўртача) меъёр белгиланади.

Андазалар экспериментал жойлаштириб кўрилганда, ҳар гал андазалар орасидаги чиқиндилар амалда неча фоиз % бўлгани аниқланади. Бунинг учун қуйидаги формуладан фойдаланилади:

$$Q_a = \frac{S_{ж} - S_a}{S_{ж}} \cdot 100 \% \quad (6)$$

Бунда:

$Q_a$  - андазалар орасидаги чиқиндилар, (амалда, %);

$S_{ж}$  - жойлашма сатҳи, м<sup>2</sup>;

$S_a$  - андазалар сатҳи, м<sup>2</sup>.

$$1) Q_a = \frac{(660 \cdot 65) - 31001,7}{660 \cdot 65} \cdot 100 = 27,7\%$$

$$2) Q_a = \frac{(925 \cdot 45) - 31001,7}{925 \cdot 45} \cdot 100 = 25,5\%$$

$$3) Q_a = \frac{(630 \cdot 80) - 31001,7}{630 \cdot 80} \cdot 100 = 38\%$$

$$4) Q_a = \frac{(630 \cdot 65) - 31001,7}{630 \cdot 65} \cdot 100 = 24,3\%$$

$$5) Q_a = \frac{(960 \cdot 45) - 31001,7}{960 \cdot 45} \cdot 100 = 28,2\%$$

$$6) \quad Q_a = \frac{(522,5 \cdot 80) - 31001,7}{522,5 \cdot 80} \cdot 100\% = 25,8\%$$

$$7) \quad Q_a = \frac{(330 \cdot 65) - 15646,9}{330 \cdot 65} \cdot 100 = 27\%$$

$$8) \quad Q_a = \frac{(472,5 \cdot 45) - 15646,9}{472 \cdot 45} \cdot 100 = 26,4\%$$

$$9) \quad Q_a = \frac{(300 \cdot 80) - 15646,9}{300 \cdot 80} \cdot 100 = 34\%$$

$$10) \quad Q_a = \frac{(320 \cdot 65) - 15646,9}{320 \cdot 65} \cdot 100 = 24,8\%$$

$$11) \quad Q_a = \frac{(486,5 \cdot 45) - 15646,9}{486,5 \cdot 45} \cdot 100 = 28,5\%$$

$$12) \quad Q_a = \frac{(265 \cdot 80) - 15646,9}{265 \cdot 80} \cdot 100 = 26,2\%$$

Ҳар хил эндаги газламада бажарилган бир хил бирлашмали жойлашмалар учун андазалар орасидаги чиқиндиilar қуийдагича топилади:

$$Q_{\text{жр.эн}} = \frac{Q_{65} + Q_{45} + Q_{80}}{3} \quad (7)$$

$$1) \quad Q_{\text{жр.эн}} = \frac{27,7 + 25,5 + 38}{3} = 30,4\%$$

$$2) \quad Q_{\text{жр.эн}} = \frac{24,3 + 28,2 + 34}{3} = 28,8\%$$

$$3) \quad Q_{\text{жр.эн}} = \frac{27 + 26,4 + 25,8}{3} = 26,4\%$$

$$4) \quad Q_{\text{жр.эн}} = \frac{24,8 + 28,5 + 26,2}{3} = 26,5\%$$

Бу ерда:

$Q_{\text{жр.эн}}$  - ҳар хил эндаги газламадаги андазалар орасидаги чиқиндиilar ўртача миқдори, %;

$Q_{65}$ ;  $Q_{45}$ ;  $Q_{80}$  – 45 см, 65 см ва 80 см энли газламадаги андазалар орасидаги чиқиндиilar (амалда), %.

Тикувчилик корхонанинг ҳисобот даври бўйича берилган маълумотлари асосида газлама турлари ва жойлашма сони аниқланади.

Андазалар орасидаги чиқиндиilarнинг ўртача фоизи, андазаларни аралаш ва биттадан жойлаштириб, ҳар қайси газлама тури учун алоҳида белгиланади.

Чиқиндиilarнинг ўртача фоизини аниқлаш учун кийимнинг муайян фасонига мўлжаллаб бичиладиган сидирға, тукли, йўл-йўл ва бошқа газламаларнинг солиштирма миқдорини билиш керак:

$$1) \quad Q_{\text{жр.эн}(биттада)} = \frac{Q_{\text{жр.эн.}(тукли)} \cdot \Gamma_{(тукли)} + Q_{\text{жр.эн.}(сидирға)} \cdot \Gamma_{(сидирға)}}{100} \quad (8)$$

$$Q_{\text{жр.зз(бимтада)} \cdot} = \frac{30,4 \cdot 98 + 28,8 \cdot 2}{100} = \frac{2979,2 + 57,6}{100} = 30,4\%$$

$$2) Q_{\text{жр.зз(аралаш)}} = \frac{Q_{\text{жр.зз(тукли)}} \cdot \Gamma_{\text{(тукли)}} + Q_{\text{жр.зз(сидирға)}} \cdot \Gamma_{\text{(сидирға)}}}{100} \quad (9)$$

$$Q_{\text{жр.зз(аралаш)}} = \frac{26,4 \cdot 98 + 26,5 \cdot 2}{100} = \frac{2587,2 + 53}{100} = 26,4\%$$

$$Q_{\text{жр.жл.}} = \frac{Q_{\text{жр.зз(бимтада)} \cdot} \cdot \mathcal{K}_{\text{(бимтада)} \cdot} + Q_{\text{жр.зз(аралаш)}} \cdot \mathcal{K}_{\text{(аралаш)}}}{100} \quad (10)$$

$$Q_{\text{жр.жл.}} = \frac{30,4 \cdot 60 + 26,4 \cdot 40}{100} = \frac{1824 + 1056}{100} = 28,8\%$$

Ч<sub>жр.зз.</sub>- ҳар хил эндаги газлама турлари бўйича чиқиндиларнинг ўртача фоизи, %;

Ч<sub>жр.жл.</sub> - жойлашма тури биттадан ёки аралаш размер ва ростли жойлашма бўйича чиқиндиларнинг ўртача фоизи, %;

$\Gamma_{\text{(тукли)}}$ ,  $\Gamma_{\text{(сидирға)}}$  – газламаларни солиштирма миқдори, %;

$\mathcal{K}_{\text{(бимтада)}}$ ,  $\mathcal{K}_{\text{(аралаш)}}$  – жойлашмаларни солиштирма миқдори, %.

Ҳисоб натижалари 3.2.6.1-жадвалга ёзилади.

Битта кийим андазаларнинг ўртача сатҳи қўйидагича топилади:

$$S_{a.\text{жр.}} = \frac{\sum S_a \cdot a}{\sum Y} \quad (11)$$

$$S_{a.\text{жр.}} = \frac{\sum S_a \cdot a}{\sum Y} = \frac{31001,7 \cdot 11}{100} = 3410,2$$

Бу ерда:

$S_a$  – фасондаги ҳар бир разлмер ва рост андазаларини сатҳи,  $m^2$ ;

$a$  – размер ва ростнинг солиштирма улуши (размер ва ростлар шкаласидан олинади), %;

$Y$  – размер ва ростларнинг солиштирма улушнинг жами, %.

Бир фасондаги битта кийимга тўғри келадиган газлама сарфлашнинг техник меъёри турли фасондаги, лекин бир тур кийимларнинг биттасига амалда ўртача қанча газлама сарфланаётганлигини назорат қилиб туриш учун зарур.

Бу меъёр ўртача кўрсаткичларни ифодалаб экспериментал жойлашмалар бўйича ҳисобланган андазалар орасидаги чиқиндиларнинг ўртача миқдори ва газламаларнинг тўшама узунлигидаги, энидаги чиқиндиларнинг энг кўп миқдори фоиз асосида ҳисобланади.

Техник меъёр ўртача кўрсаткичларни билдиради ва қўйидаги формула бўйича топилади:

$$H_{mx} = \frac{S_{a.\text{жр.}} \cdot 100}{100 - Q_{\text{жр.}}} \cdot \left( 1 + \frac{Q_6 + Q_9}{100} \right) \quad (12)$$

$$H_{mx} = \frac{S_{a,yp} \cdot 100}{100 - \chi_{yp}} \cdot \left(1 + \frac{\chi_6 + \chi_9}{100}\right) = \frac{3410,2 \cdot 100}{100 - 27,58} \cdot \left(1 + \frac{0,7 + 1}{100}\right) = 4708,9 \cdot 1,017 = 4788,9$$

Бу ерда:

$S_{a,yp}$  - битта кийим андазаларнинг ўртача сатхи,  $m^2$ ;

$\chi_{yp}$  - андазалар орасидаги чиқиндиларнинг ўртача миқдори, %;

$\chi_6$  - газламаларнинг тўшама узунлигидаги чиқиндиларининг энг кўп миқдори, %;

$\chi_9$  -газламаларнинг тўшама энидаги чиқиндиларнинг энг кўп миқдори, %.

Газлама сарфлаш фонд меъёрлари барча корхоналари учун ягона бўлади. Бу меъёр корхонанинг ишлаб чикириш программасини бажариш учун газламаларнинг талаб қилинадиган миқдорини режалаштириш учун зарур.

Фонд меъёрлари техник меъёрларни ва асосий план маҳсулоти учун фойдаланиб бўлмайдиган норационал қолдиқларни (яроқсиз лаҳтакларни) ўз ичига олади.

Фонд меъёрларни қуидаги формула бўйича аникланади:

$$H_\phi = H_{mx,yp} \cdot \left(1 - \frac{P_k}{100}\right) \quad (13)$$

$$H_\phi = H_{mx,yp} \cdot \left(1 - \frac{P_k}{100}\right) = 4788,9 \cdot \left(1 - \frac{0,5}{100}\right) = 4765$$

Бу ерда:

$H_\phi$  - газлама сарфлаш фонд меъёри,  $m^2$ ;

$H_{mx,yp}$  - муайян кийим тури учун ўртача техник меъёр,  $m^2$ ;

$P_k$  - норационал қолдиқлар (яроқсиз лаҳтаклар), %.

Фонд меъёрлари юкори ташкилотлар томонидан тасдиқланади ва 2-3 йил орасида бутун тикувчилик саноати бўйича ҳар бир кийим турига газлама сарфлаш меъёрини таҳлили асосида қайтадан кўриб чиқилади.

#### **Назорат саволлари:**

1. Газламаларни қабул қилиш қоидалари.
2. Газламаларни сифатини назорат қилиш асбоб-ускуналари ва усуллари.
3. Газламаларни сақлаш қурилмалари.
4. Газламаларни тўмага мўлжаллаб хисоблаш қоидалари.

#### **Фойдаланилган адабиётлар:**

1. HwanKi Lee. Quality Controll of Latest Spinnin Procecc and Prevention of Textile Defects. Thinkbook Company, Korea, 2015
2. Jinlian HU. Computer Technology for Textiles and Apparel. Elsevier, England, 2011
3. Tünde Kirstein. Multidisciplinary Know-How for Smart-Textiles Developers. Elsevier, Swetherland, 2013

## **4-амалий машғулот: Дизайнерларни тайерлашда Sketchbook – ижодий эскизлар альбомини ишлаб чикиш**

**Ишдан мақсад:** Sketchbook - талабалар эскизлар альбомини тайёрлашни ва расмийлаштиришни ўрганиш.

### **Масаланинг кўйилиши:**

Sketchbook ҳақида маълумотларни тўплаш, Sketchbook тартиби ва асосиё қисмларини ўрганиш, Sketchbook да ижодий лойиҳани расмийлаштириш.

### **Ишни бажариш учун намуна**

Sketchbook - бу ижодий ҳужжат бўлиб, ўзида ёзма ва визуал материалларни мужассам этади. У ғояларни тадқиқот этишга, ўрганишга, режалаштириш ва ривожлантиришга, ҳамда тест ўтказиш, баҳолаш ва лойиҳаларни муҳокама қилишга ёрдам берувчи иш қуролидир. У бошқа рассомларнинг тажрибаларни ўрганиш ва ўзида тўсатдан пайдо бўлган ғояларни ифодалашга имкон беради.

Sketchbook ни юритиш ҳар қандай ижодий ишнинг асосий элементи ҳисобланади. У фантазияни ривожлантириб, янги ғояларга илҳомлантиради. Sketchbook сифатида катта бўлмаган альбом ёки блокнотдан фойдаланилади. Sketchbook да турли хил қорлама эскизлар, чизмалар ва расмларни чизиш, ёқиб қолган расмларни ёпиштириш, ҳар бир саҳифасини маълум бир услубда безаш ва шунга ўхшаш жарёнларнит бажариш мумкин. Умуман олганда, скетчбук ижодий одам ўзи яратаетган ғоялар ҳазинасидир(1,2 -расм).

Sketchbook лойиҳанинг муҳим қисми ҳисми ҳисобланади. У ғоядан якуний натижагача бўлган йўлни (ёки ривожланишни) кўрсатади ва қоидага асосан қўйидагиларни ўз ичига олади.

- расмлар, чизмалар, эскизлар, схемалар, миниатюралар, режалар конструкциялар (хусусан, тўлиқ бўлмаган ёки тажрибали бўлган) 2-расм;
- турли усул ва жараёнларни излаш;
- аралаш фактура ва материаллар кўлами;
- кўргазма ва галереялар ташриф буюрилиб, ундан олинган эскизлар ва аннотация қилинган брошюралар суратлари, расмлар орқали ўз аксини топган илк маълумотлар;
- Рассомлар ва модельерларнинг мос ишларининг олинган нусхалари.



1- расм. Sketchbook намунаси<sup>1</sup>

<sup>1</sup> Hywel Davies. Fashion Designers' Sketchbooks. – United Kingdom, London, 2010



**2-расм.** Sketchbookдаги хомаки чизмалар

**Sketchbook** юритишда қуидагиларни ҳисобга олиш зарур:

1. Ўз фикрини ва лойиха мавзусига оид қарашларини аниклаш.
2. Лойиха мавзуси билан шахсий муносабати ва алоқаларини алоҳида ажратган ҳолда, унинг бошланиш ва биринчи ғояларини тушунтириш.
3. Ўзининг мавзуига мос бошқа рассомларнинг тарихий, замонавий, турли маданиятли, ишларини танқидий таҳлил этиш ва таққослаш.
4. Лойиха учун фойдали ўзининг шахсий дунё қарашларига ва кузатувлари билан боғлиқ бўлган маълумотларни танлаб олиш.
5. Рассом ва атрофдаги маданий таъсирлар ҳақида хабардор эканлигини кўрсатиш, лойихани ҳаққонийлиги ва салмоғини ошириш мақсадида, қисқа маълумотли ахборотлар бериш, рассомнинг ижодини мукаммал ўрганиб илмий изланишлар натижаларидан фойдаланиш.
6. Мос бўлган атамалардан масалан “кучли контраст”, “диққатни жамлаш”, “асосий урғу” ва хоказолардан фойдаланиб, лойиха мавзусини етарилича билишини намойиш этиш.
7. Барча суратлар, санъат асарлари ва матнларнинг манбаалари, ҳамда шахсий фотосуратлар ҳақида бевосита мос тасвирлар остида қисқа маълумотлар бериш (рассомлар, модельерлар либослар тўпламлари, веб-сайтлар, китоблар ва х.к. номлари).
8. Маълумотларни аниқ баён этиш. Фикрни баён этишда қисқа ёки тўлиқ гаплардан фойдаланиш аҳамиятсизdir, лекин уни нотўғри ёзилиши Sketchbook юритувчи шахс ҳақида салбий фикрлар уйғониши мумкин.<sup>1</sup>

### **Ишнинг бажариш тартиби:**

1. Sketchbook ҳақида маълумотлар тўпланади
2. Sketchbook юритиш қоидалари ўргнилади ва талаба ўзининг ижодий лойихасида уларни тадбик этади.
3. Sketchbook да хар бир ижодий, изланиш жараёни таҳлиллар натижалари расмийлаштирилади.

#### **Топшириқ шакли**

Талабалар бажарган ижодий ишларини Sketchbookда расмийлаштиради.


#### **Назорат шакли**

Билимларини баҳолашда назорат саволлари ва Sketchbookни расмийлаштириш сифати инобатга олинади.

#### **Назорат саволлари:**

1. Sketchbook нима учун қўлланилади?
2. Sketchbook ўзида нимани мужассам этади?
3. Sketchbook юритишда нималарни ҳисобга олиш зарур?
4. Sketchbook ни расмийлаштириш босқичлари.

<sup>1</sup> Hywel Davies. Fashion Designers' Sketchbooks. – United Kingdom, London, 2010





### Фойдаланилган адабиётлар:

1. Hywel Davies. Fashion Designers Sketchbooks. – United Kingdom, London, 2010
2. ZaridaZaman. New Fashion Designers Sketchbooks. – United Kingdom, London, 2011
3. Jinlian HU. Computer Technology for Textiles and Apparel. Elsevier, England, 2011
5. Tünde Kirstein. Multidisciplinary Know-How for Smart-Textiles Developers. Elsevier, Swetherland, 2013
6. C. Lawrence. High Performance Textiles and Their Applications. Elsevier, England, 2014

---

## V. КЕЙСЛАР БАНКИ

---

### 1-кейс

Корхонага хом трикотажни бўяш учун олиб келишди. Буюртмачи трикотажни ёзги мавсумга мўлжалланган ассортиментларини Pfnton бўйича 16-1429 TPX SUNBUM рангга ва кузги устки кийимлар учун мўлжалланган ассортиментларини корхонани ўз салоҳиятларига асосан бўяб беришларини сўради. Шартномалар бўлими бошлиғи корхона раҳбарига вазиятни билдириди. Корхона раҳбари маркетинг бўлимига, кимёвий лаборатория мудирига, корхона технологига қуидаги вазифаларни кўйди:

1. Кузги устки кийимлар учун айни вақтда урф бўлган ранглар коллекциясини ажратиш.
2. Келтирилган барча ассортиментдаги трикотаж полотноларининг толавий таркибини аниқлаш.
3. Pfnton бўйича рангни лаборатория коллекциясидан топиш, уни трикотажни толавий таркиби бўйича корректировка қилиш, талаб қилинса бу рангларни янгитдан ҳосил қилиш.
4. Кузги устки кийимлар учун айни вақтда урф бўлган ранглар коллекциясига мос келувчи ранглар намуналарини буюртмачи биланкелишиш.
5. Лабораторияда ишлаб чиқилган шароитларни корхона шароитига мослаштириш.

### 2-кейс

Корхонада буюртмачи бўяш учун олиб келган ассортиментларини бир қисми бўяш қозонида толаларга ажралиб кетганлиги, иккинчи қисмини эса талаб қилинган ва айнан талаб бўйича лаборатория шароитида ҳосил қилинган рангга мос келмаслиги маълум қилинди. Корхона раҳбари зудлик билан тегишли бўлим бошлиқларини чақириб мунозара ўтказди. Мунозара якунлари бўйича уларнинг олдиларига қуидаги вазифаларни ҳал этишларини топширди:

1. Кимёвий лаборатория мудирига лаборатория ишларини таҳлил қилиш ватегишли чоралар қабул қилиш.
2. Технологга вужудга келган муаммо юзасидан ёзма тушунтириш бериш.
3. Келтирилган ассортиментларининг толавий таркибини аниқлаш ва уларни буюртмачи томонидан тақдим этилган хужжатларга мослигини аниқлаш.
4. Нима сабабдан иккинчи гурӯҳ ассортиментларида тегишли рангларни ҳосил бўлмаганлик сабабини корхонага келтирилган янги бўёвчи моддалар таҳлили асосида ўрганиш.

5. Иккинчи гурух ассортиментларида буюртмачи талабига түғри келувчи рангларни қайтадан ҳосил қилиш.

### 3-кейс

Кийимга қўлланадиган газламалар мақбул ғижимланмасликка эга бўлиши керак. Юқори ғижимланувчанлик кийимнинг ташқи кўриниши ва сифатига салбий таъсир кўрсатувчи ҳамда кийимни тайёрлаш жараёнини қийинлаштирувчи салбий омил хисобланади.

Газламанинг ғижимланмаслиги маълум даражада унинг тола таркиби ва структурасига боғлиқ. Деформациялангандан кейинги шаклини ва ўлчамини тез тиклаш қобилиятига эга бўлган юқори эгилувчан толадан ишлаб чиқилган газлама (жун тола, синтетик тола) юқори ғижимланмасликка эга. Юқори эгилувчан толали газламаларда эксплуатация бошида толалар кам эгилувчан толалар таъсирини енгиб ўтади ва кийимнинг ғижим участкаси ўзининг шаклини тиклади. Секин аста эксплуатация жараёнида эгилувчан толаларда чарчаш ҳолати кучаяди ва асосий ролни камроқ эгилувчан толалар ўйнайди, шунинг учун тахламалар ва ғижимлар барқарорликка эга бўлиб, кийимнинг ташқи кўриниши ёмонлашади.

**Савол:** Қандай ҳолатда газламанинг ғижимланувчанлиги ортади ва унинг олдини олиш учун қандай чоралар кўрилади?

### 4-кейс

Кийим деталларини бириктириш учун турли усууллардан фойдаланиш мумкин: ип билан, елимлаб, пайвандлаб ва аралаш. Бириктириш усули газламанинг турига, бирикмаларга қўйиладиган талабларга ва қўлланиладиган асбоб ускуна турига қараб танланади.

Ҳозирги кунда тикувчилик саноатида энг кўп қўлланиладиган ип билан бириктириш усули 70% - 80% ни, кейин елимлаб ва пайвандлаб бириктириш усууллари 20-25% ни ташкил этади.

**Савол:** Ипли, елимли бириктириш усууллари ёрдамида кийимга ишлов бериш технологик жараёнида бириктириш сифатига таъсир этувчи кўрсаткичлар ҳақида маълумот беринг.

### 5-кейс

Кийим тайёрлашда деталларни ип билан бириктиришнинг вазифаси ва уларга қўйиладиган турли талабларни эътиборга олиш зарур. Ип билан бириктиришнинг вазифаси турлича бўлгани ва унга таъсир этувчи кучларнинг ўлчами ҳар хил бўлгани учун ипли бириктиришнинг мақбул сифат кўрсаткичлари ўзгаради.

Ип билан бириктиришнинг механик кўрсаткичларига чок конструкцияси, чок ҳақи кенглиги, чоқдаги баҳялар сони, ҳамда баҳя ҳосил қилишнинг технологик режимлари: чок частотаси, ипнинг тури ва тарнглиги, ип ва газлама мустаҳкамлигини тикиш жараёнида камайиши таъсир кўрсатади.

**Савол:** Чок мустаҳкамлигини аниқлаш методикалари бўйича устки ва енгил кийимдачок мустаҳкамлигига таъсир этувчи омиллар ҳақида маълумот беринг.

---

## **VI. МУСТАҚИЛ ТАЪЛИМ МАВЗУЛАРИ**

Тингловчи мустақил ишни муайян модулни хусусиятларини ҳисобга олган холда қуидаги шакллардан фойдаланиб тайёрлаши тавсия этилади:

- меъёрий хужжатлардан, ўкув ва илмий адабиётлардан фойдаланиш асосида модул мавзуларини ўрганиш;
- тарқатма материаллар бўйича маъruzалар қисмини ўзлаштириш;
- автоматлаштирилган ўргатувчи ва назорат қилувчи дастурлар билан ишлаш;
- маҳсус адабиётлар бўйича модул бўлимлари ёки мавзулари устида ишлаш;
- тингловчининг касбий фаолияти билан боғлиқ бўлган модул бўлимлари ва мавзуларни чуқур ўрганиш;
- мазкур мустақил таълим ишларини натижалари<sup>1</sup> бал билан баҳоланади.

### **Мустақил таълим мавзулари**

1. Замонавий тўқув дастгоҳлари;
2. Замонавий хомузга хосил қилиш механизmlари;
3. Замонавий узлуксиз арқоқ или билан таъминлаш;
4. Дастгохни электрон равишда дастгохни хар хил рангли арқоқ иплари билан таъминлаш;
5. Дастгохни электрон назорат қилувчи механизmlари;
6. Дастгох унумдорлигини ошириш омиллари;
7. Абрли тўқималарни ишлаб чиқариш техника ва технологияси.
8. Жун тўқималар ишлаб чиқариш техника ва технологияси.
9. Тукли тўқималар ишлаб чиқариш техника ва технологияси.
10. Ажур тўқималар ишлаб чиқариш техника ва технологияси.
11. Халқали тўқималар ишлаб чиқариш техника ва технологияси.
12. Гиламлар ишлаб чиқариш техника ва технологияси.
13. Ипак тўқималарни ишлаб чиқариш техника ва технологияси.
14. Техник тўқималар ишлаб чиқариш техника ва технологияси.
15. Ўзбекистондаги қўшма корхоналарида қўлланилаётган янгитехника ва технологиялар.

## VII. ГЛОССАРИЙ

	<b>Термин</b>	<b>Изox</b>	<b>Explain</b>
1	<b>Инновация, янгилик киритиш</b> <b>Innovation, innovation (visually. Innovation)</b>	бу (харидорлар томонидан талаб) махсулот сифатини ёки (ишлаб чикарувчилар томонидан талаб) технологик жараённи самарасини ортишига хизмат килувчи янгиликни тадбиқ этиш	( Client ) or the quality of the product ( the manufacturer ), which serves to increase the effectiveness of the process of technological update package
2	<b>“Фан - технология - ишлаб чиқариш”</b> "Science and technology"	1. интенсив иқтисодиёт занжирли фаолиятида асосий омил энг янги технологиилар, ишлаб чиқаришнинг янги принципларини яратишига хизмат қилувчи илм-фан омили. <b>Инновация мухити-</b> корхоналарда самарали бошқарув тизимини яратиш	a key factor in the intensive economic activity chained to the latest technology , production and create new principles of science factor
3	<b>Инновация мухити</b> <b>Innovation environment</b>	корхоналарда самарали бошқарув тизимини яратиш	enterprises to create an effective management system
4	<b>Инновация жозибадорлиги</b> <b>Innovation appeal</b>	бу миллий иқтисодиёт самардорлигининг мухим йўналишидир	diminished the effectiveness of the national economy in this important area
5	<b>Инновация фаолиятини фаоллаштиришни</b> <b>The activation of innovation activity</b>	фундаментал тадқиқотларни қўллаб-қувватлаш, мамлакатда корхоналар томонидан амалга ошириладиган тижорат инновациялари учун зарур иқтисодий-ижтимоий мухитни яратиш	support basic research , carried out by enterprises in the country for commercial innovations necessary to create a socio - economic environment
6	<b>Коллекция</b> <b>Collection</b>	илмий,тарихий ёки бадий кизиқиши ифодалайдиган, ўхшаш буюмлар тизимига солинган тўплам	scientific , historical or artistic interest , representing a collection of materials are tested system
7	<b>Комплект</b> <b>Komplekt</b>	муайян мўлжал ва бадий ечимга мосланган бир бирига мос элементланинг тўплами, очик тизим	Sets specific targets and artistic elements of one of the customized solution package , open system
8	<b>Композиция</b> <b>Kompozition</b>	эстетика қоидалари бўйича костюм элементларини тақсимланиши	The distribution of the elements of composition aesthetics , according to the suit
9	<b>Конструкция</b> <b>Construction</b>	буюмни тузилиши	The structure of the unit
10	<b>Костюм</b> <b>The suit</b>	яхлит ғоя ва мўлжал билан бириктирилган, ижтимоий, миллат, минтақа, жинс ёш ва мутахассислигини ифода этадиган элементларнинг муайян тизими	- which focused on a single idea and the accompanying social , ethnic , regional , gender , age and specialty reflect certain elements in the system
11	<b>Кўпфункцияликийи м</b> <b>Multi - functional clothing</b>	бир неча функцияни бажарадиган кийим	clothing that performs more than one function
12	<b>Лойиҳалаш</b> <b>Development</b>	бу тадқиқот этиб, эскизлар, макетлар ва моделларни яратиш, буюмларни чизмасини ва хисобини ишлаш, тажриба учун намуналарни ишлаш, белгиланган хусусиятларга эга янги буюм яратиш жараён	is a research , sketches , models and models , drawings and computer processing of materials , processing the samples for the experiment , the established nature of the process to create a new item

13	<b>Маркетинг Marketing</b>	буомга истеъмолчининг талабларини ўрганиш	great customer requirements
14	<b>Мода Fashion</b>	Микроуслуб	micro style
15	<b>Корхона Venture</b>	ўзига карашли ишлаб чикириш воситаларидан фойдаланган холда ишлаб чикириш жараёнларини бажарувчи жамоа	will use the means of production belonging to the enterprise carrying out the processes of production team
16	<b>Иш ўрни Jobs</b>	мальум бир ишни бажаришга мўлжалланган ишлаб чикириш сатхининг бир кисми	is designed to perform a specific job Part of the production level mark
17	<b>Мехнат унумдорлиги Labor productivity</b>	окимдаги хар бир ишчининг бир сменада ишлаб чикарадиган маҳсулот сони	The flow of the labor productivity of each worker in a number of production shifts production
18	<b>Технологик жараён Process</b>	тайёр маҳсулотни олиш максадида меҳнат предметларига таъсир этувчи меҳнат воситаси	the finished products that affect the subject of the cocktail in order to get a cocktail
19	<b>Бўлинмас операция Indivisible operation</b>	тикиш жараённинг технологик жихатидан жихатидан майдарок элементларига ажратиш мумкин бўлмаган яхлит бир элемент	the betting process technology , the groundbreaking groundbreaking smaller elements in a single element that can not be
20	<b>Серия Serial</b>	савдо ташкилоти буюртмасининг энг кичик микдори	trade order with a minimum amount
21	<b>Маҳсулот рентабеллиги product profitability</b>	бир фойда келтириш фоизи	Percentage benefit the profitability of the product
22	<b>Маҳсулотниматерия лхажми The volume of product material</b>	материал ресурсларини солиштирма харажати	Specific costs of material resources
23	<b>Кийимнинг ассортимент гурухи Apparel assortment group</b>	белгилари жихатидан бир хил бўлган мустакил гурухга кирувчи буюмлар	marks the groundbreaking independent groups , out of the same materials
24	<b>Чикинди Waste</b>	асосий ишлаб чикиришда йўқ бўлиб кетадиган дастлабки хомашё бўладиган колдик	The main street of the initial raw material production to be unchanged

---

## VIII. АДАБИЁТЛАР РЎЙХАТИ

---

### Махсус адабиётлар

1. HwanKi Lee. Quality Controll of Latest Spinnin Procecc and Prevention of Textile Defects. Thinkbook Company, Korea, 2015
2. Jinlian HU. Computer Technology for Textiles and Apparel. Elsevier, England, 2011
3. Tünde Kirstein. Multidisciplinary Know-How for Smart-Textiles Developers. Elsevier, Swetherland, 2013
4. C. Lawrence. High Performance Textiles and Their Applications. Elsevier, England, 2014
5. Sabit Adanur. Handbuk of weaving. Boca Raton London New York Washivgton. D.C. 2001.
6. Hywel Davies. Fashion Designers' Sketchbooks. – United Kingdom, London,
7. The Secretary, Central Board of Secondary Education, Shiksha Kendra, Community Centre, Preet Vihar, “Textile Chemical Processing” Students Handbook + Practical Manual. FIRST EDITION : 2014 © CBSE, India. PRINTED BY : Dee Kay Printers 5/37A Kirti Nagar Indl. Area, New Delhi – 110015
8. Ryszard M. Kozlowski “Handbook of natural fibres” Volume 2: Processing and applications. Woodhead Publishing Series in Textiles: Number 119. © Woodhead Publishing Limited, 2012
9. Серова Т.М.Афанасьева А.И., Иллиаронова Т.И., Делль Р.А. “Современные формы и методы проектирования швейного производства” Учебное пособие. М. МГУДТ. 2004 г -283с.

### Интернет ресурслари

1. [www.expertiza.uz](http://www.expertiza.uz)
2. [www.uster.com](http://www.uster.com),
3. [www.trutzschler.com](http://www.trutzschler.com)
4. [www.titli.uz](http://www.titli.uz)